

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАБРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

№3/2025





**Ҳаммамиз бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак:
юртимизда бегона одам ҳам, бегона бола ҳам йўқ.
Барчамиз ягона юрт фарзандларимиз,
ягона Ватан равнақиға хизмат қиламиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**
(Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
ўттиз тўрт йиллиғига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан)

МУНДАРИЖА



94



102



32



72

42



4. ЗАМОН МАНЗАРАЛАРИ

Сув ўзига йўл топади

10. ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ

Донишманд сиёсий арбоб

18. СУРАТ ВА СИЙРАТ

“Насойим...” пинжидаги умр

26. ЎРГАНГАНИНГ ЎЗИНГА

Қалтис саволларга нозик жавоблар

32. ГУРУНГ

Тақлидчи ва шахс шарҳи

42. КАРВОН ҚЎНФИРОҒИ

Болалар сайёрасидаги zilzilalar

50. ДАРСХОНА

Томошабинлик театрдa ярашар!

56. КИТОБНИНГ КУЧИ


Балзакдан мужда



10



18



56

50

26



84

72. ЭЛ ОРАЛАБ

Суфедбулонликлар

84. КИНО ОЛАМИ

Нозик хилқат, метин сийрат

94. ОТАЛАР ВА ҚИЗЛАР

Эртақлар оламида яшадим

102. МИЛЛАТ ХАРИТАСИ

Ўрни тўлмас хазина

108. МАВЗУ ВА ТАҲЛИЛ


Осуда ҳаёт остонадан бошланади

Сигмалар кимлар?

Нурислон ТҶХЛИЕВ,
академик

СМВ

ЎЗИҒИ ЙЎЛ ТОПСАДИ



Инсонни азиз қилиб турган туйғулар, тутумлар, қутлуғ ғоялар бор. Уларсиз инсон бир йиллик ўт-ўлан каби илдизи қуриб, йитиб кетган бўлар эди. Шундай туйғулардан бири, шубҳасиз, ватан туйғуси бўлса керак. Буни англамаган кишининг муқаддас нарсаси борлигига шубҳа қиламан.

Гапни бундай бошлашимга муайян сабаблар бор, албатта. Мана, ўттиз тўрт йил аввал мамлакатимиз мустақил бўлди. Боболаримиз орзиқиб кутган (бу ибора кўп айтилган бўлса-да, такрорлайвериш керак. Негаки, бу ҳақ гап) ҳурлик деган тансиқ неъмат халқимизга, халқимизнинг бугунги авлодига насиб этди.

Бугапларни айтиш осон, берилган қурбонларни санаб бериш осон. Россия империяси босқинида мунча киши ҳалок бўлди, қатағонда бунча... тавба, айта-айта қулоқларимиз ҳам ўрганиб қолгандай-а? Аслида бу гапларни юракдан ҳис қилиб, изтироб билан англаб айтишимиз керак.



Аммо ўтган қишнинг совуғи йўқ деганларидай, биз чинакамига мустақилликнинг нима эканини теран англаб етишимиз учун вақт керак бўлгани ҳам рост.

Мустақиллик калимаси мустаҳкам деган сўзга уйқаш. Тилшуносларимиз балки бу икки сўзнинг илдизини туташтира олар. Гап шундаки, бугун дунё талаш дунёси бўлди. Ҳамма кўрпани ўзига қаратиб тортаяпти. Диний, сиёсий, иқтисодий, маданий... ҳар жиҳатдан ҳар бир халқ ўзининг молини ўтказмоқчи. Ўзининг қарашларини ўзгаларга сингирмоқчи. Қўққисдан бир мамлакат ёки халқни ўзига бўйсундириб олиш имконсиз бугун. Ўргимчак ўлжасининг танасига аввал заҳар юбориб, унинг миясини фалаж қилиб, кейин ҳужум қилгани каби бир ёвуз ҳолат юз кўрсатмоқда.

...«Ўзбеклар» деган, камида ўн жилдлик энциклопедия яратилса... У ўзбек халқининг тарихи, маданияти, маънавий обидалари, ирим-сиримларидан тортиб, анъаналари, урфлари, қўшиғу лапарлари, дуо ва қарғишлари, умуман ўзбекка хос бўлган ҳар қандай катта-кичик жиҳатни қамраб олса.

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи қандай мавзудаги асар деб ўйлайсиз? Ким учун ҳароратли севги қиссаси, ким учун дир эски давр воқелиги тасвирланган тарихий роман, яна бировга ўша давр ўзбеклари ҳаётининг маиший тасвири. Лекин менинг назаримда бу асар мустақиллик учун ёзилган асардир. Китобнинг охириги сатрлари «1277-нчи йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек хожи Қаноатшодан бир хат олди. Қаноатшо Авлиёотадан ёзар эди: “Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмаота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...”» деб тугайди. Қодирий мана шу жумла учун романни ёзди. Тоталитар тузум, албатта, буни кечиролмас эди. Адибнинг қалбидаги ҳурликка, озодликка бемисл талпиниш шу



бир жумлани пайдо қилди ва бутун романни шу моҳият учун яратди. Буни англашимиз керак. Шунинг учун ҳам мустақилликка уйқаш мустаҳкам сўзининг ўрни боз билинади, моҳияти юз очади. Қўлга киритилган эркимизни мустаҳкамлаш учун эса маънавий қувват жуда зарур. Энди озод ва эркин инсоннинг қалби билан ишламоқ керак. Шу ўринда бир ташбеҳ қўлласак, хато бўлмайди.

Ҳар бир ишда табиатдан улгу олиш фақат наф келтиради. Бир томчи ёмғирнинг пайдо бўлиши, суюқ сув ҳолатига келиши учун қанча босқичлар босиб ўтилиши керак? Ҳаводаги кислород ва водород катта энергиялар (қуёш, чақмоқ) таъсирида сув буғларини ҳосил қилади. Бунинг учун биз билмайдиган кўплаб омиллар битта нуқтада туташиши керак.



...Қорни тўқ одамнинг қулоғига гап киради-да. Ўзига тўқ одам бирорта муҳтожнинг бошини силай олади.




Бу оддий лаборатория эмас, ахир. Ҳосил бўлган сув буғлари суюқ ҳолга келиши учун ҳам маълум ҳарорат зарур. Сув томчиларининг ергача етиб келишининг ўзида катта илм, синоат бор.

Бир томчи сув бино бўлишида шунча сир бор экан, энди бутун бошли халқнинг озодликдай улуғ туйғуни туюши, қалбига сингдириши учун қанча вақт, тажриба, синовлар керак. Ўйлайманки, халқимиз бу босқичларни босиб ўтиб бўлди.

Оддий ҳайвонни олинг. Бир тилсиз жонивор ҳам қорни тўйганини билади, нафси қонгач, емақдан бош буради. Лекин инсон деган хилқат – фаришта ва онгсиз жонивор ўртасидаги мавжудот, Оллоҳ мукаррам қилган жонзот гоҳо жуда паст кетади. Чин дунёга кетар палласида тўрт қулоч бўздан бошқа нарсага эга бўлолмаслигини яхши биладиган одам боласи бетиним талашади, нафсига эрк бераверади. Нега, нима етишмаяпти? Башариятнинг барча улуғ фарзандлари интиқ бўлиб истаган қудрат – маънавият етишмаяпти!

Мамлакатни на ер ости ва ер усти бойликлари, на демографик катта кўрсаткичлар олдинга торта олади. Бу омиллар тараққиётга тўлиқ асос бўлолмайди. Мисол учун Хитойни олинг. Бу мамлакат чинакам иқтисодий ислохотлар қилинмагунча серфарзанд, лекин қашшоқ оиладай гап эди-ку. Чинакам ривожланиш онгда, қалбда бошланиши керак. Акс ҳолда ўзгариш бўлмайди.

Шу маънода айтиш керакки, Ўзбекистон Президенти 2030 йилга қадар юртимиз иқтисодиётини чинакам юксалтиришга қаттиқ бел боғлади: ялпи ички маҳсулот миқдорини 160 миллиард долларга етказишдек катта вазифани олдимизга қўйди. Бу жуда катта кўрсаткич! Кейинги марра эса 200 миллиард доллар! Бу сўзлар ўз-ўзидан айтилмаяпти. Минг бора ҳисоб-китоб қилиниб, сўнг эълон қилинмоқда.



Такрор бўлса ҳам айтаман: озод ва эркин инсоннинг қалби билан ишламоқ керак. Шу ўринда айтиш лозимки, дунёнинг баъзи ҳудудларида кузатилаётганидек, озодлик, демократия дегани бошбошдоқлик эмас, ҳар ким билганини қилиши эмас, балки инсонни англаш, тушуниш, юртни қадрлаш каби соф инсоний кечинмаларни улғайтиришдир.

Кўпдан бери қалбимнинг туб-тубида бир ният яшаб келади. Кошки, бу ният амалга ошса: «Ўзбеклар» деган, камида ўн жилдлик энциклопедия яратилса... У ўзбек халқининг тарихи, маданияти, маънавий обидалари, ирим-сиримларидан тортиб, анъаналари, урфлари, кўшиғу лапарлари, дуо ва қарғишлари, умуман ўзбекка хос бўлган ҳар қандай катта-кичик жиҳатни қамраб олса. Ва буларнинг барчаси алифбо тартибида бир тизимга туширилса, қандай катта иш бўлар эди. Бу академик вазифани бажариш учун бутун бошли институт ёки илмий марказ ишлаши керак бўлади. Бунга бир ё икки кишининг қурби етмайди. Агар мана шундай қомус яратилса, бутун халқнинг ягона китоби бўлар эди. Бу китоб ўзлигимизнинг ўзаги, асл манбаси бўларди. Эҳтимол, янги авлод вакиллари буни амалга оширар...

**Бугунги дунёда
бўлаётган
урушлар, айрим
жойларда
инсоннинг бир
буюмчалик**

**қадри йўқлигини
ҳис этаркан,
юртнинг эрки,
мустақиллиги
нақадар улғу
неъматлигини
билиши лозим.**



Инсонни маърифат, маънавий юксак ғоялар қутқариб қолиши, ўзи орзу қилган манзилга бешикаст етказиши башарият тарихидан маълум. Шундай экан, бугунги тезкор давримизда ёш авлоднинг қалбида ҳам шу туйғуларни парваришlash долзарбдир.

Бизнинг бошқа айрим минтақа халқларидан устун, ютуқ ҳисобланган катта бир фарқимиз бор. Бу – ислом маданияти. Халқимизнинг томирида азалдан зиёга, маърифатга ташналик бўлган. Ислом дини ва маданиятининг айнан бизнинг юртимизда қулоч ёйиб ривож топишига ҳам шу омил – ўқилдиз асосдир. Коинотда ўз йўлдошини излаб юрган бир сайёра ўз тенгини топган каби, ислом дини ҳам Марказий Осиё, айниқса Ўзбекистонда ўз ғояларига мувофиқ муҳитни топди. Камолга етди. Юзлаб аллома аждодларимизнинг илмий мероси бунга далил бўла олади. Шундай катта маънавий захирага эга бўлган халқнинг истиқболи ҳам, уни белгилаб берадиган ёшлари ҳам шунга муносиб бўлиши керак.

Бугун мен ўн саккиз-йигирма ёшли набирамга отам менга қўйган талабни қўёлмайман. Бу гап бир қарашда тўғри, аммо талабнинг моҳияти ўша-ўша, фақат шакли ўзгарганини тушунишим лозим. Яъни, бугун замонавий

технологиялардан бемалол фойдаланадиган йигитқизларимизга тарбиянинг қандай шакли кераклигини тезроқ англашимиз зарур. Давр ҳамиша ўз сўзини айтади. Форобийнинг, Конфуцийнинг қарашлари бугун ҳам эскиргани йўқ, аммо ракурслар ўрин алмашаяпти,

холос. Халқимизда «Яхшини ёмон бўлди деб куюнма, ёмонни яхши бўлди деб суюнма» деган нақл бор. Шундай экан, юз минг йиллик қонимиз босиб ўтган йўл – тажриба, асос бизни доғда қолдирмайди деб ўйлайман.

Ёш талабаларимдан бири яқинда менга шундай савол берди: «Халқни бирлаштирадиган жиҳатлар – илм-маърифат, дин, иқтисодиёт экан, хўш, буларнинг қай бирини бирламчи деб ҳисоблайсиз? Ёки буларнинг ҳар бири бирламчими?».

Ўринли савол. Ҳамма билиб олса зиён қилмайдиган гап.

Иқтисодиёт бирламчи! Ўзим иқтисодчи бўлганим учун шундай деяпти деб ўйламасинлар. Чунки қорни тўқ одамнинг қулоғига гап киради-да. Ўзига тўқ одам бирорта муҳтожнинг бошини силай олади.

Масалан, Осиё иқтисодий тизимида локомотивлардан бири бўлган Сингапур давлатини олинг. Мамлакат аҳолисининг демографияси хилма-хил: учта тил, учта дин, асосан учта миллат вакилларидан иборат ғаройиб мамлакат. Ер ости ресурслари жуда кам. Биргина ютуғи – очиқ денгизга йўл бор. Мамлакат иқтисодий тараққиётга эришган. Сингапурликларнинг катта ютуғи иқтисодий ислохотларни тўғри йўлга қўя олганида. На дин, на тил, миллатлар хилмаҳиллиги – буларнинг бирортаси умумий манфаат – мамлакат тараққиёти йўлида тўсқинлик қилмайди. Чунки қонунга ҳамма бирдек амал қилади.

Тарихни кузатинг. Қайси даврда иқтисодиёт барқарор ривожланган бўлса, ўша даврда илм-фан, ижод, дин... барчаси юксалган. Мана шу каби изчил ислохот ҳаётимизга тезроқ кўчиши керак.



Ютуқлар билан бирга камчиликларимизни ҳам айтишимиз лозим. Кўзгуга тик қарашни ўрганишимиз лозим. Биз ҳалигача Авлоний, Беҳбудий, Фитрат каби жаҳид боболаримизни ўйлантирган маиший муаммолардан қутулиб кетолмаяпмиз. Алихонтўра Соғунийнинг ўкинч билан айтган гапи бор-ку, халқимиз илм-фан учун ҳам ошхўрликда бирлашгандек бирлашса эди, олам гулистон бўларди. Ёки йиллар давомида машаққат билан йиққан маблағимизни баъзан бир кунлик тўйга совуриб юборамиз. Арзимаган, керакмас бир ҳашамат учун топган-тутганимизни сочамиз. Бу каби иллатлардан қанча тез халос бўлсак, шунча тез ўсамиз, ривожланамиз. Ўйлаб, хулоса қилишимиз шарт бўлган жиҳатлар бу!

Бугун ёшларга қарасангиз, уларнинг юриш-туриши, ўзини тутиши, гап-сўзлари қандай эркин. Дадил, бардам йигитқизлар. Ҳеч бирининг эгни қисик эмас. Бу ҳам бўлса мамлакатда бошланган янги бир ҳаётнинг тутумнинг белгиси. Янги даврнинг нафаси.

Ана шу фарзандларимиз энди ўзини, ўзлигини, кимларнинг авлоди эканини чуқур англаб олишлари керак. Бугунги дунёда бўлаётган урушлар, айрим жойларда инсоннинг бир буюмчалик қадрини йўқлигини ҳис этаркан, юртнинг эрки, мустақиллиги нақадар улуғ неъматлигини билиши лозим. Табиат – улуғ мураббий. Сув ўзига ўзи йўл топгани каби бугунги авлодлар ҳам катта, глобаллашган дунёда ўз йўлларини топадилар. Фақат шу заминнинг, шу юртнинг қадрини билган ҳолда топилиши керак бу йўл.

Ҳалим САИДОВ,
ЎзЖОКУ профессори,
филология фанлари доктори

Донишманд СИЁСИЙ АРБОБ



Ростдан ҳам жадидлар мактаб очишган, дарсликлар яратиб, болаларни янгича усулда ўқитган. Бироқ уларнинг илмий, амалий, хусусан, журналистлик фаолиятини ўрганишда асосий эътибор ҳануз маърифий мавзудаги мақолаларига қаратилаётгани афсусланарли. Тўғрироғи, жадидларни шахс сифатида ўрганмаслик, фактларни чуқур таҳлил қилмаслик уларнинг миллий сиёсий арбоб сифатидаги сиймоларини пардалади. Ҳолбуки Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирий каби жадид карвонбошилари аввало мустамлакачиларга қарши кураш дастурини ишлаб чиққан сиёсий арбоб эдилар.

Агар шундай бўлмаганда Россия империясининг «охранка»си уларга «панисломист», «пантуркист» каби тамғаларни босмаган бўларди. Ҳокимият болшевиклар қўлига ўтгач (Беҳбудий қатлидан сўнг), НКВД томонидан аввалги айбловларга «англизпараст» («инглиз жосуси») айблови қўшилди, 1923 йилга бориб уни эслагувчилар ишдан ҳайдалиб,

қамалди. Чиркин сиёсатни қарангки, икки йилдан сўнг бугунги Қашқадарё, Сурхондарё ҳудудидаги миллий озодлик ҳаракатларини (1925 – 1935-йиллар) бостириш мақсадида Қарши шаҳрига Беҳбудийнинг номини беришди, тўғрироғи, унинг номидан фойдаланишди.

Мустақиллигимиз арафасида ҳам жадидчилик, жумладан, Беҳбудий мавзуси мафкуравий тазйиқ остида бирёқлама

талқин қилинар эди. Истиқлолга эришганимиздан кейин унинг номи оқланган бўлса-да, «панисломист», «пантуркист», «англизпараст» тамғаси олиб ташланмади. Бу Фитрату Чўлпонлар эътироф қилиниб, уларнинг устозлари Бехбудий ва Мунавварқори эътибордан четда қолганида англашилди. Ҳатто мустақилликка эришганимизга ўттиз йилдан ошган эса-да, уларнинг номларини эҳтиёт бўлиб ишлатадиган олимларимиз ҳануз йўқ эмас.

Худосизлик ҳукм сурган СССР даврида Бехбудийнинг муфтийлиги, Мунавварқорининг Қуръонни ёд билиши, яъни диндорликлари уларнинг юрт миқёсидаги эътирофларига тўсқинлик қилган бўлса керак деган фикрда эдик. Маълум бўлдики, Бехбудий Самарқанд жадидларига карвонбоши, Мунавварқори Тошкентда жадидларга йўлбошчилик қилган, вақти келганда «Ҳақ олинур, берилмас» каби даъватларни айта олган инсонлар ҳам эди. Қолаверса, бу инсонлар Зоҳирий, Фитрат, Чўлпон, Қодирий каби кўплаб сафдошларни атрофига жамлаганди.

Энди жадидчилик тарихини ўрганишда янги даврга қадам қўйилди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси, атоқли адиб ва жамоат арбоби, ношир ва педагог Маҳмудхўжа Бехбудий таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори жадид боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишда янги босқичга асос бўлди.

Қарор номланишининг дастлабки сўзларига эътибор берамиз: «Туркистон жадидлик ҳаракатининг асосчиси». Асосчиси деган сўзнинг маъзани чақишдан аввал ҳаракат атамасининг тағзаминида ётган ғоя хусусида тўхталамиз. Хўш, жадидлик ҳаракатининг моҳиятида қандай маънолар яширин? Нега шу пайтгача

унинг фақатгина маърифий ҳаракат эканлигига урғу берилган? Бу каби саволларга жавоб бериш учун бир асрдан зиёд бўлган даврга, аввало чор Россиясининг Туркистонни мустамлакага айлантириши ва кейинроқ болшевикларнинг ҳокимиятга келиши фурсатларига ўзгача назар билан қарашга тўғри келади.

Дастлаб жадид (*арабча – янги*) атамаси замиридаги маънолар ҳақида. Албатта, олимларимиз айтган маърифат, хусусан, таълим беришнинг янги усулини жорий этиш деган ғояни инкор қилишдан йироқмиз. Лекин бу фикрнинг ёлғиз ўзи янги ҳаракатнинг асл маъзи эмас. Асосий англашилмовчилик ҳам жадид истилоҳининг фақат таълимдаги янгилик мазмуни билан ки-

фояланишида деб ҳисоблашдан келиб чиққан. Бунинг сабаби шундаки, миллий истиқлол ғояси акс этган ҳар қандай ҳаракат ва тарғибот чор даврида ҳам, болшевиклар замонида ҳам нафақат қораланган, балки қамоғу қатағон билан жазоланган.

"Маҳмудхўжа Бехбудий".
Аралаш техника. 2025
Зиёда ҚОДИРОВА



Миллий истиқлол ғояси акс этган ҳар қандай ҳаракат ва тарғибот чор даврида ҳам, болшевиклар замонида ҳам нафақат қораланган, балки қамоғу қатағон билан жазоланган.



**"Маҳмудҳўжа
Беҳбудий Қаршида".**
Акрил. 2025
Чоршанби ШАМСИЕВ

Жадид намояндаларининг янги ўқи-тиш тизимига қаршилик қилганларни «қадимчилар» дея аташган. Савол туғилади: қадимчилик ҳаракатми? Уларнинг низоми ё шунга ўхшаш дастури бўлганми? Йўқ, албатта. Ўша давр газета-журнал ва архив материалларини ўрганиш уларнинг кўринмас кучлар томонидан ёлланган фитначилар эканлигини кўрсатмоқда...

Самарқанд масжидларидан бирида чор ҳукумати тайинлаган имом жадидларни, хусусан, Беҳбудийни кофир деб эълон қилади, буни жума намозига борган кўпчилик эшитади. Исломи арконларини мукамал билган муфти, мактаблар учун «Исломи тарихи» дарслигини ёзган олим Маҳмудҳўжа Беҳбудийга бу гап етиб боради, албатта. Беҳбудий ўша имом ҳузурига бориб, қўйган айбловига асос сўрайди. «Кўринмас куч» буюртмасини бажарган фитначи эса тониб, «бу гапни айтмаганман» деб туриб олади.

Яъники, жадидларга кимлардир атай, кимлардир кўр-кўрона қаршилик қилган. Бироқ улар дастур тузиб, ҳаракат ташкил этмаган.

Жадидлар-чи? Уларнинг ҳаракат низоми бўлганми дейишингиз мумкин. Россия империяси мустамлака халқларга сиёсий партия тузиш у ёқда турсин, сиёсатга аралашган кишиларни аввал тавба қилдиришган ва махсус хизмат назоратига олган. Маҳмудҳўжа Беҳбудий ҳам ана шу жараённи бошидан ўтказган эди. У 1908 йилда «Таърих ва жўғрофия» сарлавҳали фелэтон ёзгач, айтган сўзлари учун изоҳ, тўғрироғи, тавба талаб қилишган. Беҳбудий тавба қилмаса-да, қуйидагича шарҳ билан чиқишга мажбур бўлади:

«Русияни ким ва қандайлигини билмайдурғон нодонлардан эмасмиз ва аммо «Таърих ва жўғрофия» унвонлик мақоламиз таърих ва жўғрофия ўқумоқни диний жилва этдирмоқ ва ёинки сарф илмий ва воқеий бир мақола эди. Сиёсий ва таассубий эмас эди...» («Туркистон вилоятининг газети», 1908 йил 18 декабр).

Беҳбудийга биров «сиёсатга аралашма, сўзингни қайтиб ол» демаганида, у «Тавзеҳ» («Изоҳ») сарлавҳали изоҳ шарт бўлмаган мазкур мақоласида юқоридаги фикрини ёзган бўлармиди?

Россиядаги 1905 йил талотўплари на- тижасида чор ҳукумати автократик зан- жирларни бироз бўшатишга мажбур бўла- ди. Ана шу имкониятдан фойдаланиб, жа- дидлар, хусусан, Маҳмудхўжа Беҳбудий ўша пайтдаги Туркистон халқлари учун маданий давлат – маданий мухторият та- лаб қилган. Унинг 1907 йилда Россия ду- маси мусулмонлар фракциясига топшир- ган «Туркистон маданий мухторияти» деб номланган лойиҳасини ўқиб, мозийдаги муҳим воқеликларга сабабчи бўлган иж- тимой-сиёсий вазиятлардан хабардор бўлиш мумкин.

Бу жуда йирик лойиҳа учун Беҳ- будий қанча изланган, фикрлаган, мас- лаҳатлашган экан деб ўйлаб қоламан ҳар гал уни ўқиганимда. Маданий мухторият де- йилгани билан ҳужжатда сиёсату иқтисод ҳам, ди- ну ҳуқуқ ҳам, қисқаси, Туркистон халқлари ҳа- ёти билан боғлиқ барча масалалар ўрин олган.

Лойиҳада қайд этил- ган моддалар мазмуни- дан англашиладики, ма-

даний мухторият асосида сиёсий мух- торият масаласи ҳам турибди. Масалан, унинг бир моддасида шундай ёзилган: «Туркистонга кўчманчиларнинг олиб кирилиши тўхтатилсин». Бу ўлкани кенг миқёсда руслаштириш сиёсатига қарши тўғридан-тўғри эътироз эди!

Ёки бошқа бандида «Оврупойи Русия мусулмонларидан зиёдароқ автономияни Туркистонга берилмоғи лозимдур» дейди ва бу фикрни «туркистонлилар ҳануз дохилан ўзини ўзи идора эдар ва Оврупойи Русиядаги қардошларимиздан ихтиёрлидурлар» деб асослайди.

Туркистон нисбатан озодроқдир де- моқда Беҳбудий. Негаки, Бухоро амир- лиги, Хива хонлиги қоғозда мустақил давлатлар ҳисобланган. Аслида ундай эмасли- гини Беҳбудий билса- да, вазиятдан ҳуқуқий жиҳатдан зийраклик би- лан фойдаланган.

Лойиҳадаги «Турки- стон мактаблари ва мадрасалари ҳукумат назоратидан озод бўл- сун» талабини олайлик.

— — — — —
«Туркистонга
кўчманчиларнинг олиб
кирилиши тўхтатилсин».
Бу ўлкани кенг миқёсда
руслаштириш сиёсатига
қарши тўғридан-тўғри
эътироз эди!
— — — — —



«Беҳбудий».
Офорт. 2025
Аслиддин КАЛАНОВ






FIGURE 7.3 First issue of *Ayina* (southern Central Asia).



Мактаб ва мадрасаларнинг чор ҳукумати назоратида бўлгани ҳақидаги ҳужжатлар архивларда ўрганилишини кутмоқда. Мустамлакачилар маҳаллий халқнинг саводли бўлишига мутлақо қарши бўлган. Масалан, мадрасага мударрис тайинлашда маҳаллий халқ орасидан билимли, ватанпарварларга эмас, балки порахўр, калтабин, чаламулла, мустамлакачининг ҳар қандай топшириғини ортиғи билан бажарадиган нусхаларга эътибор қаратилган.

Юқорида тилга олганимиз – тарихга қадимчилар номи билан кирган ва жадид мактабларига қарши ҳужумлар айнан ана шу «тайинланган»лар томонидан амалга оширилган. Қолаверса, эски мактабларда бола-нинг умрини бекорга ўтказадиган тартиблар, ўқитиладиган дарслар мазмунига ҳам мустамлакачилар ана шу манқурт гу-машталари воситасида аралашган. Ма-салан, география, тарих, аниқ фанлар таълим дастурига киритилмасдан, бола-

ларнинг ёшига мос бўлмаган адабиётлар ўқитилган. Битирувчилардан халқнинг корига ярайдиган яратувчи мутахассис эмас, бу дунёнинг фанийлигини барвақт тан олиб, фикрламай, ўз устида ишламай, эпласа, маишатга бериладиган қултабиат етиштирилган.

Бу ҳақда Бехбудий кейинроқ, «Нажот» га-зетасининг 1917 йил 7 ноябр сонисидаги мақо-ласида шундай ёзади: «Миссионерлар тара-финдан ва ёинки биз-ни йўқ ва нобуд бўли-шимизни ва шариати муқаддасимизни ҳукм-дан қолишини истай-дургон эски ва мустаъ-бид ҳукумат одамла-ри тарафидан шундай закунлар чиқардики, масалан, “Ҳар бир 25

яшар туркистонлилар қози ва волост-ной бўлиши мумкиндур” деган закун қўйилди... Бу закун бизга саводсиз ва илмсиз қозиларни оқча ва ришва (пора – Ҳ.С.) ила сайланмоғига ёрдам этди. Эски золим ҳукуматнинг иши ва дин бузгувчи одамлари ва миссионерла-



Мадрасага мударрис тайинлашда маҳаллий халқ орасидан билимли, ватанпарварларга эмас, балки порахўр, калтабин, чаламулла, мустамлакачининг ҳар қандай топшириғини ортиғи билан бажарадиган нусхаларга эътибор қаратилган.



ри мадрасаларимиз ва мактабларимиз тўғрисида ҳам бизни ҳайвониятга ва жаҳолат майдонига ҳам йўқ ва маҳв бўлиш чуқурига судрайдургон зақунлар вазеъ этдилар. Мударрисни ҳеч нима билмайдургон ёш талабаларни мадрасага сайлаб қўйиш тадбирларини зақун қилиб чиқордилар... Мударрис на таълим этар, на бошқа-бошқа ишларга назорат қилур эди. Натижада уламо озайди. Ахлоқ бузулди, уламо иснодиға жоҳил ва хоинлар, соф саводсиз кишилар қози бўлди. Тадрис ва афтодаи ожиз кишилар муфти, мударрис бўлди. Бир мулла ҳам қози ва ҳам мударрис ва ҳам оқсоқол бўлуб, талаба, мирофаъчи ва аҳоли ишларини сактага учратди. Бошқа тарафга қарасанг, қози ва мударрислик учун истеъдодномаси бўлган уламомиз оч юрадур. Оҳ, золим ҳукумат ва миссионерлар бизға налар қилдилар!..».



Аслида Беҳбудий миллатни йўқ қилишга, мангу қулликда сақлашга мўлжалланган катта фитнаға қарши ушбу бандни ҳужжатга киритган эди.

Ҳужжатдаги «Рус ҳарфи мусулмон миллатиға жабрий бўлмасун» деган талабни таҳлил қилиб кўринг. Бу ҳарф оқибатида қанча миллатлар ўз еридан, тарихидан мосуво бўлгани мисолида Беҳбудий талабининг нақадар тўғри эканлигини бугун зиёли кишилар яхши англайдилар, албатта.

«Наҳр ва катта ва кичик ариқ сувларини тақсими аҳолини иттифоқи ва машварати ила бўлсун (қайд: ҳозирги рус миробини тақсими кайфияси аҳолиға кўп зарар келтирадур)».

Ҳолбуки, Туркистон тоғларидан бошлаб Орол денгизигача бўлган масофада сувни тўғри сарфлаш бўйича заминимизда асрлар давомида катта тажриба тўпланган ва буни ҳар бир даврнинг донишлари яхши билган. Қолаверса, бугун сув масаласида исталган минтақада фитна, жанжал чиқариш мумкинлигини англаб турибмиз. Лекин ўша пайтдаги ахборотсизлик муҳитида мустамлакачи олдиға қўйилган бу талабни қандай тафаккурдаги инсон битганлигини бир тасаввур қилиб кўринг.

Умуман, ҳужжатдаги ҳар бир бандни чуқур таҳлил қилиш мумкин, улар сирдан маданий кўринса-да, асосан сиёсий талаблардир. Шу боис у чор ҳукумати маъмурларининг ғаладонида қолиб кетган, жамоатчиликдан яширилган.

Мурожаати эътиборсиз қолганини англаган Беҳбудий унинг мазмунини газетада мақола тарзида чоп эттирган. Мақола билан мазкур ҳужжат қиёсланганда эса у «Туркистон вилояти газети»нинг миссионер муҳаррири Николай Остроумовнинг қайчисига йўлиққани маълум бўлди.

Жадидлар миллатнинг умумий савиясини кўтаришни тараққиётнинг асосий омили деб билган ва бу жиҳатда адашма-

ган. Лекин уларнинг эзгу ниятларини сезган ўта айёр мустамлакачилар турли йўллар билан тўсқинлик қилган. Шу боис улар маърифат байроғи остида ҳаракат қилган.

Беҳбудий «Самарқанд» газетасида (1913 йил 30 июл сони) «Миллатлар қандай тараққий этарлар?» сарлавҳали мақола чоп эттирган.

«Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадойликда. Бошқа миллат уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъакс авомға тобеъдур? Бунинг охири харобдур», – деб ёзади Беҳбудий.

Мақоладан иккита гап иқтибос сифатида олинди, холос. Ҳар бир сўзида ҳикмат бор. Мағзини чақадиган бўлсак, нақадар залворли, қайсидир маънода, даҳшатли хулоса келиб чиқади. Бу сиёсатга тааллуқли ёки сиёсий хулосага келтирадиган фикр эмасми?

Россия империясидаги 1917 йил феврал воқеаси (Николай подшонинг тахтдан қулаши)дан кейин жадидлар маърифий «либос»ларини ечиб, сиёсий ҳаракат бошлади.

Афсуски, жадидлар кутганидек бўлмади – миллат сифатида шаклланмаган қавм бўлиниб кетди. Беҳбудий бу жараённи шундай тасвирлайди:

«Самарқанд халқи иккига бўлинди. Билкулли иккига эмас, юзга бўлуниб, халқнинг кўнгли совуб, баъзиларнинг сўз ва ҳаракатидан нафратланиб, тарқалиб кетдилар». Хурриятни асраб қолиш учун Беҳбудий зор қақшаб халққа мурожаат қилади. Уни ўқиб изтиробга тушмасликнинг имкони йўқлигини англайсиз:

«Азиз ҳамшаҳарларим, мўътабар аҳли ватаним, ҳаммангиз бир бўлуб, халқ ва диннинг ривожини учун бирлашуб, орада-

ки нафратларни ташлаб, худонинг берган хуррият неъматидан нафъиланмоқ ҳаракатида бўлмоқ керак ва алан бизнинг бу ҳаракатсизлигимиз биздан хурриятни кеткуриб, яна бошқаларга бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз ва бизнинг авлодимиз ҳамда халқи олам бизга раҳмат ўрнига лаънат ўқурлар» («Улуғ Туркистон». 1917 йил 12 июн).

Фақат маърифий ҳаракатнинг ўзинигина мақсад қилган инсон шу гапларни матбуот орқали айта олармиди?

«Туркистон мухторияти» сарлавҳали мақоласи унинг катта сиёсий арбоб бўлганлигини англатади: «27 ноябрда Хўқандда Туркистон мухторияти умумий муслмон сиездида эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсин! Камина ҳам мажлисда бўлиш учун ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!» («Хуррият» газетаси, 1917 йил 19 декабр).

Беҳбудийнинг сиёсий арбоб бўлганлиги унинг ҳалок бўлиши эълон қилинган (ҳокимиятга ўрнашган болшевиклар уни қоралашга улгурмаган) даврда етти кишилиқ нуфузли комиссия хулосасида ҳам эътироф этилган:

«Муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий мунтазам бир таҳсил кўрмадиги ҳолда хидмат машқининг ўтига чидай олмасдан, ўзининг сабот ва ғайратига таяниб бутун хидматни ўз бўйнига юклади. Маҳмудхўжа юртнинг эҳтиёжига қараб муҳаррир-да бўлди, муаллим-да бўлди, газетчилик қилди, мактаб китоблари ёзди, тиётрчилик қилди, сиёсий ишларга ишлади, халққа сиёсий фикр берди, халқнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини ислоҳ қилмоқ учун иқтисодий ва ижтимоий олим бўлиб халққа фикр



«Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадойликда. Бошқа миллат уламосига тобеъ экан, бизни уламо билъакс авомға тобеъдур? Бунинг охири харобдур», – деб ёзади Беҳбудий.



тарқатди. Фиқҳи ислом, ҳадис ва таф-сир билан шуғулланиб, сўйлайтурғон ва ёзадурғон нарсаларини шаръий далил-лар билан исбот қилди» («Меҳнаткашлар товуши» газетаси, 1920 йил 8 апрел).

Яна бир фикр. Маҳмудхўжа Беҳбудий та-рихга муносабат масаласида ўта закий эди. Туркистоннинг парчаланиш сабаблари ҳақида унинг фикрларига қулоқ тутайлик:

«Таърих деюрки, бир замон келдики, уламо ва умарои ислом жубун ва танбал, айши бепарво, дигар тарафдан бир-бир-лари ила муҳолиф бўлдилар. Таълим ва тадриси уламои дин лодонлар мажлиси-ни таржиҳ (*устун – Ҳ.С.*) этдилар. Умаро ва салотини ислом ноҳақ ерға юз минглаб аҳли ислом қонини тўкуб, тараф-тараф бўлдилар. Уламо бўлса умаро нониға ва маошиға кўз тикиб, муқобилларининг такфирларига қадар илгари кетди-лар. Хусумати мазҳабийа ва таъсиб илмийяға аҳамият бердиларки, насро-ният оламидаки ва папалиқ замонинда-ки ихтилофларға монанд низолар олами исломни парчаланмоқиға сабабият бер-ди» (Маҳмудхўжа

Беҳбудий. Таърих ва жўғрофия // «Туркистон вилоя-тининг газети», 1908 йил 30 ноябр).

Беҳбудий пла-нетар масштабда фикрлайдиган сиё-сатдон эди. Унинг ислом ва дунё, туркийлик ва жа-ҳон мавзуларида ёзганлари сақла-ниб қолган. Катта ҳажмдаги маълумотларни жамла-ган «Саёҳат хоти-ралари» йўл очер-кида макр, зулм ва ёлғон асосига

қурилган гегемон давлатлар сиёсатлари-дан юраги зада бўлган Беҳбудийнинг даст-лабки қибла аталмиш ал-Ақсо масжиди зиёрати давомида Оллоҳга қилган нола – ўтинчининг бир парчасини ўқиб кўрайлик:


«Илоҳо! Бу азиз ва фаъол бандала-ринг хурматиға бизга басират бер! Эши-тар қулоқ, англари ақл бер! Оҳ, у эзгулар қандай эканлар? Биз на ҳолдамиз? Оҳ, қадар анбиё, авлиё, машоҳирлар ке-либ, биз, инсонлар учун шариатлар, тариқатлар, маърифатлар ваъз этиб, биз-ни ҳақиқатга даъват этиб эканлар. Биз, гумроҳлар, йўлдан чиқиб, ҳазизи нафсо-ниятга куллиян чўмубмиз. Букун ўзла-рини маданият ва инсониятни энг олий табақасинда деб ёлғондан даъво этадур-ган инсонлар ваҳшониятни энг асфал да-ражасинда қўл ва аёқ урарлар. Миллиён-лар ила бани одамнинг боиси кулфати ва мусибати бўлурлар.

Эй, Оллоҳи азимуш-шаън! Бу магар санинг газабингмидур? Афу эт, биз, ин-сонларни ҳидоят эт! Ер юзинда сулҳ ва салоҳи умумий ато айла, инсонларга ин-

соният бер! Золим-ларни қаҳр эт, маҳв бўлсун зулм, яша-син адолат ва ҳақ-қоният, омин...».

Бу оддий инсон-нинг ўтинчи эмас. Унда закий сиёсий арбобнинг инсония-ят дунёқараши ту-банлашгани, мада-ният тарқатиш баҳо-насида миллион-лаб тақдирларнинг оёқости қилинаёт-гани, Парвардигор, унинг пайғамбарла-ри, анбиё ва авлиёлар даъватига амал қил-маганлар аҳволи хусу-сидаги ўтинчидир.

"Сизларга васият қиламан".
Қогоз, эстамп, гел ручка, акрил. 2025
Дилшод АЗИЗОВ



“

Мен билмаган бир сир бор, уни кашф этишим билан ҳамма нарса осон бўлиб қолади. Дунё менга юзланади!



**– Ташландиққа тош тегмас...
Қўшнисининг ўйлаб-ўйламай
айтилган бу таънаси Боқий Мир-
зонинг юрагини тимдалаб ўтди.**

**Пастки лабини узиб олгудек тиш-
лади, аммо бир оғиз эътироз бил-
дирмади. Ич-этини кемирди. Нега
«ташландиқ» бўлиши керак?! Ота-
онаси бор бўлса...**

**Акаси, опаси, тоғаси, амакиси,
амма, хола...**

**Худо қариндошдан қисмаган.
Боз устига ҳазрат Навоийнинг
«Насойимул-муҳаббат» асари уни
бир зум ҳам ёлғизлатиб қўймайди.
Қўшнининг чучмал таънасига
бу улуг зотнинг ва табаррук ки-
тобнинг нима алоқаси бор дерсиз?**

«НАСОЙИМ...» ПИНЖИДАГИ

Азиз НОРҚУЛОВ

УМИР

Балли! Саволингизга жавобни мутолаа давомида топасиз.

...Болалигида унга ҳеч ким эгалик қилмагани рост. Ушбу отилган таъна тоши балки эгасининг ёдидан кўтарилгандир, лекин уни туну кун безовта қилади. Кўнглига тошдек ботади, сабабларини қидиради.

Ичига беркиниб олган хавотир му- дом у билан бирга яшайди. Эсини та- ниб-танитай ота-онасига алағда бўлиб юрарди. Кечаси улар то мол-ҳолга қараб қайтгунларича ухлай олмасди – дуо қилиб ётарди.

Бир гал улар суҳбатлашиб кириб ке- лишди:

– Болалар улғайишди, кўп овқат ейдиган бўлиб қолди. – деди отаси кутилмаганда – Кичик ўғил билан қизни укамга берайлик.

– Ундай қилманг, ўзи яқинда Боқийни роса урдим. Укангизникида очофатдек овқатланди. Имо қилай десам, қарамай- ди ҳам.

– Нима қилибди, амакиси бўлса?

– Овсиним ёқтирмайди-да...

Ота-онага фарзанднинг егани малол келиши мумкинми?..

Боқий Мирзо ўйларининг охирига етолмайди. Улар ота-онадан беш фарзанд эди: қиз, ўғил, ўғил, қиз, қиз...

Худо уни ҳам шу тартибда сийлади, фақат иккинчи ўғли тўққиз ойлик ҳомила чоғида нобуд бўлди. Бу билан тақдир ким ортиқчалигини уқтираётгандек.

Аммо Боқий Мирзо... яшаяпти!

Ёшликдаги «керакмаслик» ҳисси бутун умр таъсир қиларкан. Бундай тоифадаги ёшларнинг кўпчилиги айбдорлик туйғуси билан улғаяди. Беихтиёр атрофдагиларга ёқишга, кўнглини олишга ҳаракат қилиб, ўзини унутади.

Боқий Мирзо меҳр кўриш илинжида яқинларига борини бағишлади. Улар эса шундай бўлиши керакдек қабул қилди. Руҳий кемтиклик ортса ортдики, камаймади.

«ОНАНГ КЎНГЛИ ШОДЛИГИН МЕНГА БЕР»

Бу кемтикликни тўлдириш учун ҳар бир одамдан, ҳар ҳодисадан нажот кутиб яшадди: «мен билмаган бир сир бор, уни кашф этишим билан ҳамма нарса осон бўлиб қолади. Дунё менга юзланади!»


Сен тўла ишонган хаёл ҳақиқатга айланади. Шундай бўлди. Китоблар олами ва реал дунё орасидаги фарқ Боқий Мирзонинг юрагини изтиробга тўлдирадди. Ана шу тафовут унга илоҳий тасаллини ҳам топиб берди.

Алишер Навоийнинг «Тўла асарлар тўплами» 10-жилдини ўқиб ўтирганди. «Насойимул-муҳаббат» тазкирасидан бош кўтара олмай қолди. Инсонлар ҳаётидаги бурилиш нуқталари, дарвешлик ҳаётини танлаганларнинг кароматлари, гуноҳга ботишдан сақлаб қолаётган ҳодисалар, чорасизликдан топилаётган чора, имконсизликдан ҳосил бўлаётган имконлар...



– Болалар улғайишди, кўп овқат ейдиган бўлиб қолди. – деди отаси кутилмаганда – Кичик ўғил билан қизни укамга берайлик.

Мутолаа давомида ўз-ўзига ваъда берди: «Бу китобда 770 та авлиё ҳақида маълумот бор экан. Ҳозир кўзимни юмаман, хаёлимга қайси рақам келса, ўша зотнинг ҳаётини мукамал ўрганаман. Ўғитларига бир умр амал қилиб яшайман».



Фикридан севиниб кетди. Китобни пинжиги босиб, мушоҳада қилди: «394» – шоша-пиша варақлай бошлади. Бу рақамда қайси улуғ аллома ҳаёти ҳақида битилган, нималар қайд этилган экан?..

Шайх Мўмин Шерозий эканини топиб, ютоқиб ўқиркан, мағзи хотирасига бир умрга муҳрланди: *«Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуруиб хирқасини ямайду эрди, салом қилдим ва ўлтурдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: онанг бор? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозаматига бор... Мен эллик ҳаж қилибмен – бошланг, оёқланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!».*

Боқий Мирзо ҳам Шайх Мўмин ундаганидек, бутун эътиборини онасини, отасини рози қилишга қаратди. Ўзини унутди, яшашнинг мазмун-моҳияти ота-онаси бўлди. Ҳамма нарсани унутиб, муҳаббатини изҳор қилиб яшади. Фамхўрликлари ўлароқ илмий, маънавий, моддий сийловлар ҳам олди. Шу-шу Боқий Мирзо «Насойимул-муҳаббат»ни қўлдан қўймайди. Ундаги ҳар бир воқеликка жиддий эътибор қаратади, хулосалар чиқаришга ошиқади.

“

Не дарди бўлса ичига ютди. Бировлар урушиб берса раҳмат айтди, тепганга раҳми келди. Юзига тупроқ сочганларнинг юзига тик боқмади...



Инсон зоти умр бўйи ҳам руҳан, ҳам жисман бир «елка»га муҳтож яшайди. Ёлғизлик фақат Оллоҳга хос. Одам боласининг бош қўядиган ёстиғи бўлмаса, фоний дунёнинг синовларига дош бериши душвор. Мана бир неча йилларки ҳаёт сийлаганида ҳам, калтаклаганида ҳам мазкур тазкира унга мададкор бўлиб келаяпти. Кўриб тургани, яшаётгани ушбу оламдан бошқа бир дунё яратиб беради. У ерда сўзсиз суҳбатлашасиз, макон ва замон чегарасини ҳатлаб ўтасиз. Улуғ зотлар, авлиёлар ҳамроҳлигида дилингиз равшан тортиб, маънан юксалиб бораверасиз. Буюк бир қудратга яқинлик ҳосил қиласиз.


Майда-чуйда ташвишлар билан андармон бўлиб, мутолаадан узоқлашсангиз «Насойимул-муҳаббат» оҳанрабодек ўзига чорлайди. Эртаклардаги сеҳргарнинг жони яшириб қўйилган сирли сандиққа ўхшайди. Сатрлар оша тўйиниб борасиз, руҳий қувватингиз ортади. Бандасидан умид қилмай қўясиз. Аксинча, улуғ неъматни бошқалар билан баҳам кўргингиз келади. Одамлар... одамлардан эса нуқул ташвиш ва дилхиралик келади.

ТАСЛИМИЯТ ҚУДРАТИ

Бу каби ташвиш ва дилхираликларни фақат «Насойимул-муҳаббат»гина аритади. Тазкирани ўқимаган кун ўзини яшадим деб ҳисобласа бўлармикан деган хаёлга боради гоҳида. Бу мулоҳаза бир қарашда адабий олифталikka ўхшар. Аслида тазкира Боқий Мирзога ўзини жамлашга, тафаккур қилишга, руҳий оламда илдамроқ илгарилашга ундайди. Дунёнинг арзимас муаммолари-ю ўткинчи ҳавасларидан чекинишга тиришади.

Одатий кунларимизни яшайверамиз, тонг отади, кун ботади. Ишдан, ўқишдан уйга шошамиз, яна кўчага отланамиз. Аксарият ҳолларда бир дам нафас ростлаб ўзимизни, ҳаётимизни таҳлил қилишга ҳафсала йўқ. Бундан-да муҳим вазифаларимиз кўп. Кеча-кундуз тиним билмаймиз, аммо ишимизда унум бўлмайди. Муҳимни номуҳимдан, асли сохтадан ажратишга вақт сарфламай қўйдик.

Боқий Мирзо тазкирани ўқиркан, ҳар гал ўтаётган ҳаёти, хатолари кўз ўнгида намоён бўлади. Вақтни беҳуда совургани, нафсга жиловни бергани, шайтонга эш бўлганини илғайди. Қалби дунёдан тортилади. Гўзал бир маънавий олам оғушига фарқ бўлади. Ҳар қандай гуноҳ келтирадиган лаззат ёки фоний дунёнинг бошқа чалғитувчи нағмалари арзимас бўлиб қолади. Айни шу руҳий ҳолатда муқаррар таслимият ҳосил бўлади. Бу таслимиятда бемисл қудрат ва завқни туяди у.



ЯШАЛМАГАН БОЛАЛИК

Таслимият ва таваккулда яшаш осонлашади. Ўзингни тақдир измига топширасан ва ҳаётингни давом эттирасан. Боқий Мирзо вилоят сафарларидан бирида машхур психолог билан учрашиб қолди.

– Қайсидир ёшингизда меҳрга тўймай қолгансиз. Марказимизга борсангиз муолажа ўтказамиз. Ҳар бир йилингизни қайта қабул қилиб, муҳаббат билан тўйинтириб чиқасиз. Ана ундан кейин орзу қилганингиздан зиёда марраларни забт этасиз, – деди руҳшунос.



Кўзда ёш билан, ўтган-кетганга жовдираб уйга қайтаркан, йўл бўйларига яшолмай қолаётган болалигини сочиб келарди.



Тавсиядан таъсирланиб болалик хотираларини қайта тиклашга уринди. Қачон, қайси ёшимда, қандай ҳодиса бўлди экан?

Бешинчи синфнинг ёзги таътилида отаси оромгоҳга боришини гаплашиб қўйганини айтди. Шу қадар севиндики, дарҳол тараддудни бошлаб юборди. Кийимларини тахлади, ўқиш учун китоблар олди. Худойберди Тўхтабоевнинг «Сеҳрли қалпоқча»сини оқ қоғоз ва ручкага қўшиб, алоҳида жойлади.

Оромгоҳда ота-онасига ёзадиган миннатдорлик мактуби ҳақида ҳам ўйлашни бошлади!

Кутилган кун келди. Мактабдан чиққан автобус йўл бўйидан ўқувчиларни йиғиб келаётганини айтишди. Сочини ҳўллаб тараб, онаси, опаси, акаси билан хайрлашиб, кўчага отланди.

Минг бир хаёлда бетоқатлик билан автобусни кута бошлади. Иккита «Дамас», етти-саккизта енгил машина ўтди. Ў, ў, ҳув ана автобуснинг сариғи кўринди. Жилмайганча қўлидаги чамадонни сиқиброқ ушлади. Не тонгки, ҳар қанча бақириб-чақиринишига қарамай автобус тўхтамади. Боқий Мирзо етиб олиш учун шу қадар югурдики...

Кўзда ёш билан, ўтган-кетганга жовдираб уйга қайтаркан, йўл бўйларига яшолмай қолаётган болалигини сочиб келарди. Кейинлар англасаки, отаси уни шунчаки юпатиб қўйган, алдаган экан...

Унинг ўзи билан баб-баравар орзулари улканлашиб борди. Синфдошлар дунёни забт этишни, саёҳатларга чиқишни режалаштирарди. Бунинг учун хорижий тилни ўрганиш керак. Репетиторга боришди. Тил ўрганиш учун эса пул керак эди.

Ота-онасига бу ҳақида истиҳола билан айтди. Таклифи ўтмади: ҳар ой сенга икки минг сўмни қаердан топамиз?..

Кунда-кунора ичиладиган тўрт-беш минг сўмлик ароқнинг эса кети узилмасди.

Мана, Боқий Мирзо ёши қирқни қоралабдики, ўша кемтиклар ўрнини тўлдира олмайди. Тил курсларига қатнайди. Гўё сертификатни қўлга киритса, болаликка қайтадигандек, ҳаёти янгидан бошланадигандек... Ўша жароҳатлардан буткул халос бўладигандек.

Ҳаётининг турли пучмоқларидан турфа ҳодисалар чиқиб келаверди. Биринчи курслигида қишни палтосиз ўтказди. Университетдан чиқиб, ижара уйига шошарди. Кимдир раҳми келиб қарашидан

“

«Ҳеч қанақа дардингиз йўқ-ку, жўра, нега бунча мунгли ёзасиз?»

ийманарди. Ҳозир соҳил бўйида қуёшга товланиб ётса ҳам бу ҳақида ўйласа музлаб кетгандек бўлади.

Дафтар олишга пули бўлмади. Маъруза ва семинарларни қоғозларга ёзиб юриб, битириб олди. Зимдан кузатиб юрган курсдоши ўқув йили охирида маҳоратига тан берганини билдирди. Боқий Мирзо унга ҳақиқатни айта олмади.

Бир чимдим меҳр илинжида қанча одамларнинг ортидан чопди. Ҳатто ўзига ўзи меҳр бериш хаёлига келмас, эҳтиром умидида бошқаларни авайлаб яшарди. Ҳаёт ҳам басма-басига бошида тегирмон тошини айлантитарди. Аммо у сира нолимади. Не дарди бўлса ичига ютди. Бировлар урушиб берса раҳмат айтди, тепганга раҳми келди. Юзига тупроқ сочганларнинг юзига тик боқмади...

Ўзини, илми ва маҳоратини фидо қилган кишилари эса айбини ахтаришга тушди. Бирор кимса «ҳолинг қандай?» дея кўнглига қулоқ солмади. Йиллаб қишлоғига, яқинларининг олдига минг бир дард билан бориб, ситам халтаси очилмай, оғирлашиб қайтди.

Неча йиллар шу зайл ўтди: «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим...».



АДАБИЁТ – ИЛОҲИЙ ИЗТИРОБ

Қанча ёстиқлар кўз ёшидан ивиди. Неча даврлар ич-ичидан йиғлади. Одамлар нега яшашга мунча ўч деган хаёлга борарди у. Саргардон, аламлар ичида яшагандан ўлиб кетаверган маъқул-ку!? Мутолаа қилса ҳам фақат изтироб ҳақидаги ибораларга дуч келаверарди:

«Энг улуг ўлик ҳам изтироб чекишдан маҳрум» (Хайриддин Султоннинг «Нуқта» ҳикоясидан).

«Адабиёт – илоҳий изтироб» (Назар Эшонқул).

Аксарият ҳолларда аламларининг боисини топа олмасди. Профессор Узоқ Жўрақулов «Худудсиз жилва» китобида бу ҳолатни «исмсиз изтироб» деб атайди. Ана шу исмсиз изтироб Боқий Мирзонинг умрини еди.

Бундай изтиробнинг моҳиятини, ўзга бир ҳодиса эканини кейин тушунди.

Қизиқ! У шу тўхтамларга келган онларида тенгқурларидан бири шундай савол берди: «Ҳеч қанақа дардингиз йўқ-ку, жўра, нега бунча мунгли ёзасиз?». Бошқаси эса «Шу қадар бахтли инсонсизки, сизга ҳамиша ҳавасим келади. Ташвишингиз йўқ» деди.

Бундай гапларга ишонгиси келади. Кўксини кўтаради. Ўзини катта-катта муваффақиятларга муносиб кўради...



“

Қанча ёстиқлар кўз ёшидан ивиди. Неча даврлар ич-ичидан йиғлади. Одамлар нега яшашга мунча ўч деган хаёлга борарди у.

ТИЗГИН

Одамзот қалби доим қалқиб туради. Нафратингизга мубтало инсонни зум ўтмай ардоқлашга тушишингиз, тегрангизни зулмат қуршаган ҳолда чароғонликка чиқиб, ирғишлашга тайёр бўлиб қолишингиз ҳеч гапмас. Ушбу сатрларни мутолаа қилаётган айни дамда сизга дунёнинг энг бахтиёр одами бўлиш баробарида яшашга арзигулик ҳеч вақо йўқдек туюлиши оддий ҳол бўлиб қолади.

Ана шундай ҳаёт дашти шаббодасида у ёндан бу ёнга эврилаётган кўнгил долғаларини «Насойимлумуҳаббат» бир маромга солиб, тизгинлаб туради. Ҳамма синоат Оллоҳнинг назарида экани равшанлашади.

«СЕН АВВАЛ КЎНГЛИНГНИ ТУЗАТ!»

Тазкира Оллоҳ таолонинг наздида қул билан подшоҳнинг бир қийматдалигини, кўнгил тақвоси бўлса қулнинг даражаси Тангрининг назаргоҳи туфайли юқорилигини қалбингизга сингдиради.

Асардан парча:

«Хожа Хайрча бир қул эди. Ул дуо қилса, ҳар ким шифо топарди.

Бир донишманд тиши оғриб, олдига борди. Хайрча ўқиб, дам солди. Ўша заҳоти оғриқ тўхтади. Донишманд деди:

– Қироатингни тузатайин, тўғри ўқий-
диган бўл.

– Сен аввал кўнглингни тузат!».

Покланаётган қалб билан дунё меҳри-
дан узоқлашиб, авлиёлар билан бирга
илоҳиёт оламида сайр қиласиз, ўткинчи
ташвишлардан чекинасиз. Илоҳий имко-
ниятлар буй кўрсата бошлайди. Саҳифалар
маънавий оламга тортқилайди, оламни,
одамни кашф қилишга ундайди.

Мутолаа давомида кўзимиз илғамай-
диган маънавий тасарруфни ҳис қиламиз.
Беихтиёр қалбингизни, ўзингизни улар-
нинг измига топширишга тараддудланасиз.

Ҳазрат Навоий улуғлар ҳақида тўхта-
ларкан, фалончини кўруб эрди деб ўта-
ди. Яъни кишининг даражаси кимлар би-
лан учрашгани, суҳбатини олгани билан
баҳоланади. Пайғамбаримиз саллоллоҳу
алайҳи вассалламни кўрган, гаплашган-
ларгина саҳоба даражасига кўтарилган
каби руҳий камолот ҳам қайси ав-
лиёлар билан устоз-шогирдликка кўра
баҳоланади.

Авлиёлар ҳақида маълумот берар
экан, Алишер Навоий «қардошидан бу-
зургроқ эрди», «отамнинг менда бир
сирри бор эрди» каби иборалар билан
оиладаги ришталар, фарзандлар ўртаси-
даги фарққа ишора қилади. Уларни ўқиб,
ҳаётингизни тафтиш қила бошлайсиз,
улуғлар гўё ўзингни ўзинга таништи-
раётгандек туюлади.

ҲАҚИҚАТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Тазкирадаги бирор зот бадийлик
маҳсули эмас. Ҳар бири биз қатори шу
ҳаётда яшаб ўтган, изтироб ва риёзатлар
чеккан. Аммо бизлардан кўра ўзга олам-
лар умиди ила боқий изтироб булоғига
талпинганлар. Шу боис ҳам сирлар эшик
очган. Дунё чиркинликларидан, алдовчи
фитналаридан узоқлашган ҳар қандай ин-
сон сабр ва тақво йўлидан кейин бу каби
мўъжизаларга гувоҳ бўлиши шубҳасиз.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд «Иймон –
қалбни Оллоҳдан бошқа ўзига ром этувчи
фойдали ва фойдасиз нарсалардан узиб,
Ҳаққа боғлашдир», «Бизнинг тариқимиз
суҳбатдур ва хилватда суҳратдур ва
суҳратда офат» дейди.

Улуғларимиз ўлимни бир ташриф-
дек, Ҳаққа – дўстга етишишдек қабул
қилган. Тасаввуримиздагидек айрилиқ
эмас, висолдир. Мутолаа соф ҳавони
сипқоришдек гап, мия томирларига му-
саффо қон югуради.

Том маънода инсоншунос адиб Фёдор
Достоевский «Ҳақиқатга элтувчи энг яқин
йўл – изтиробдир» деганида ҳам шу каби
эзгин ва ёруғ туйғулар ташрифидан хабар
берганга ўхшайди.

ҲАЁТ ЖИЛОВИ

«Шу ёшимгача фақат Навоийни
ўқийверганимда энг тўғри йўлни тут-
ган бўларканман» – бу саксон ёшни
қоралаган зиёлининг хулосаси. Боқий
Мирзо ҳам жиловини «Насойимул-му-
ҳаббат»га тутқазди. Унда на майл бор, на
инкор. Навоий бобо илкига олди, қаён
тортса шу ён кетгувчилардан.

Хаёллар қай манзилларга судрайди.
Шундай маҳал «Насойимул-муҳаббат»га
ошиқади. Сув сепилган иссиқ тупроқдек
кўнглининг ҳовури босилади. Адашиб-
улоқиб юрганингиздан хижолатлик пай-
до бўлади. Ичкарироқ, чуқурроқ киришга
одимлайсиз.

Бир гал танаффус анча чўзилди. Яна
мутолаага киришаркан, шундай сатр-
лар чиқиб келди: «...икки қилич бир қинда
бўла олмас, бизнинг суҳбатимиздан йироқ
бўл!».

Титраб кетди. Қалбини ҳамиша
Оллоҳга боғлашга, беҳудаликлардан
тийилишга, «Насойим...» пинжигга оши-
қишга ўз-ўзига сўз берди. Тазкира юра-
гидаги руҳий кемтикликларга ҳам кифоя
қиларди.

АМАЛ ДАФТАРИ ҚОШИДА

Нафақат бизнинг қаҳрамонимиз, аслида бутун бани башар ана шу руҳий кемтикликни тўлдириш учун борини бахшида қилишга тайёр бўлади гоҳида. Яшашга ҳоли, ҳаётни давом эттиришга бир қултум сувчалик қуввати қолмайди. Юрагини босиб ётган андуҳлар уни занжирлаб ташлайди гўё. Вақт эса шафқатсизлик билан қалбни қурумлар билан тўлдиришга тиришади.

«Насойимул-муҳаббат» мутолаа давомида дилларни шу қадар поклайдикки, кишини секин-секинлик билан бўлса ҳам руҳий эркинликка олиб чиқади. Кўнглингизда пайдо бўлаётган ҳар қандай эврилишларни бир ўзанга солиб, ғуссаларни аритади. Қалбингиз ҳам, олам ҳам равшанлашади.

Алишер Навоийдек улуғ зотга қанчалар яқинлашаётганимиз, асарларидан нақадар баҳраманд бўлаётганимизга қараб ҳам ҳаётимизнинг равишини англаб олса бўлади аслида. Бу ҳам бўлса тақдирнинг бизга ажаб тухфаси ва нодир ишорасидир. Бу ҳақида хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Энди... инсоф билан қарасак, биз бугун нималар билан машғулмиз?

Жамоат транспортларида кузатсангиз, аксарият одамлар телефонга мубтало. Маънилироқ иш билан машғул бўлса майли, кўзингиз тушиб қолса қайсидир ўйин домидалигини кўрасиз. Унга кетаётган кўз нури – кўпчиликнинг назарига илинмайди. Аммо бу ёруғ дунёни бир бора кўриш учун қолган умрини фидо қилишга тайёр кўзи ожизлар бисёр.

Улардан чекиниб, муҳаббат насимларига эш бўлсангиз, шаббодалар жонон зулфининг ҳидини келтира бошлайди. Мавлоно Муҳаммад Амин ёзади: *«Шамол эсди-ю жонон зулфининг ҳидини келтирди, бизнинг эски хароб ишқимизни янгилади. Эй шамол, у билан ошнолигинг бор, зинҳор бирор бегона атрофида айланма».*



«Насойимул-муҳаббат» билан юракнинг дўстлашуви асносида ўзингизни ўзингиздан қизғана бошлайсиз.

Ўлимдан аввал ўлимга тайёргарлик кўрасиз. Ўзингизни ўзига тақдим этиш тадоригига тушасиз. Самимий ҳисларингиз албатта муносиб жавобини топади.

Ёзган сатрлари Парвардигорга маъқул бўлган алломаларимиз борлигини биласизми?!

Таъкиранинг Саъдий Шерозий бобида шундай таъриф келади: *«Бир кеча воқеада андоқ кўрдик, осмоннинг эшиклари очилди ва малоика нур табоқлари била нозил бўлдилар. Ул сўрдиким, бу не нурдур? Дедиларки, Саъдий Шерозий учундурки, бир байт айтибдур ва ул байт Ҳақ (с.т.) ҳазратида қабул тушубдур ва ул байт будурки:*

*Хушёр наздида дарахт яфроғлари,
Ҳақ маърифати дафтарин вароғлари.*

Мук тушиб амал дафтаримизни варақлар эканмиз, фоний дунёнинг катта-ю кичик муаммолари писанд бўлмай қолади. Атрофдагиларнинг таънадашномлари ҳам гоҳ-гоҳида қулоққа чалинади. Аммо сира пинагингиз бузилмайди. Ахир сиз – «Насойим...» пинжидасиз.

ҚАЛТИС САВОЛЛАРГА НОЗИК ЖАВОБЛАР



Саволларга
Ўзбекистон
муслмонлари
идораси Фатво
маркази бош
мутахассиси
**Абдулатиф домла
Турсунов** жавоб
берди.


1

– Яқинда бир киши «Тандирни қиблага қараб ўрнатиш керак, йўқса барака бўлмайди, қиблага орқа бўлиб нон ёпилмайди» деганини эшитдим. Бу қанчалик тўғри, бидъат эмасми?

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Тандирни қайси томонга қаратиб қуришнинг динга алоқаси йўқ. Қайси томон қулай бўлса, ўша томонга қаратиб қурилаверади.

Саволдаги каби эътиқодда бўлиш шумланишдир. Динимиз шумланишдан қайтарган.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи ва саллам бундай деган: «Касаллик юқиши йўқ, бойқушдан шумланиш йўқ, руҳларнинг қушга айланиб юриши йўқ, сафар ойида шумланиш йўқ» (Имом Аҳмад ва Имом Ибн Можа ривоятлари). Валлоху аълам.



2

– Турмушга чиққан қиз фарзандли бўлса, онаси унга бешик олиб бориши шартми? Олиб бормаса, у дунёда ёстиқ кучоқлаб ётаркан деган гап бор эмиш. Мен туққанымдан сўнг онамга бешик олиб овора бўлиб юрмасликларини айтиб, уйда бешик бор дегандим. Улар шу гапни айтишди. Шу гап қанчалик тўғри?

– Шариатда ундай гап йўқ. Фарзанд туғилса, унинг нафақаси отасига вожиб бўлади. Нафақа деганда фарзанднинг емоқ-ичмоғи, кийим-кечаги ва шунга ўхшаш зарурий эҳтиёжлари назарда тутилади. Жамиятимизда ношаръий шакланган бидъатлардан бири сиз саволда айтган бешик тўйи масаласидир. Яъни, боланинг бешиги ва яна унга қўшимча бир талай нарсаларни қиз томоннинг зиммасига юклаб қўйишдир. Аслида бу муаммолар отанинг муаммоси. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай таълим берган:

«Уларни (фарзандларни) маъруф ила едириб, кийинтириш туғдирганнинг зиммасидадир» (Бақара сурасининг 233-оятидан).

“

Фарзанд туғилса, унинг нафақаси отасига вожиб бўлади. Нафақа деганда фарзанднинг емоқ-ичмоғи, кийим-кечаги ва шунга ўхшаш зарурий эҳтиёжлари назарда тутилади.



3

– Бир танишим жуда ҳам семириб кетди, энди семизлик соғлигига зарар бераётган экан. Бир ишончли шифокор ошқозоннинг бир қисмини кесиб ташлаш керак дебди. Жарроҳлик амалиёти ундан яхши чиқиш кафолати билан қилинар экан. Семизлик дардидан қутулиш мақсадида бундай амалиёт ўтказиш мумкинми?

– Саволда сўралган ушбу жарроҳлик амалиётида рухсат берилган ва тақиқланган ҳолатлар бор. Чиройли бўлиш, кўркам кўриниш учун бўлса, жоиз эмас. Чунки бу ишлар зарурат ҳисобланмайди. Танадаги нуқсонни тўғрилаш мақсадида бўлса, жоиз бўлади. Чунки бу ҳолат заруратга айланади.

Замонамизнинг кўзга кўринган уламолари ошқозонни кичрайтириш амалиётига бир неча шартлар билан рухсат берган:

1. Бу шунчаки озиш ёки тананинг шаклини чиройли қилиш учун бўлмаслиги керак.

2. Бу амалиёт натижасида бошқа касалликка дучор бўлмаслиги керак.

3. Семизликни йўқотишнинг мазкур амалиётдан бошқа чораси бўлмаслиги керак.

4. Аврат масаласига риоя қилиш керак.

Уламолар мазкур фатволарига фикций манбаларда келган қуйидаги ибораларни асос қилиб келиб келтиради:

- бирор аъзога тушган қорасон касаллиги бошқа аъзоларга тарқаб кетмаслиги учун шу аъзони кесиб ташлашда гуноҳ йўқ. Қорасон касаллиги теккан қўлни кесишда, қориннинг ичини даволаш мақсадида қоринни ёришда гуноҳ йўқ («Фатавои Оламгирия»);
- ортиқча ёғли шиши бор инсон шу шишни олиб ташламоқчи. Агар бундай муолажалар аксар ҳолатда ҳалок бўлиш билан тугаса, жоиз эмас. Агар ундай бўлмаса, яъни аксар ҳолатда муваффақиятли ўтса, зарари йўқ. «Хизонатул-муфтийн»да шундай келган («Фатавои Оламгирия»).
- Ортиқча аъзони кесиб ташлаш каби ишлар Аллоҳ таоло яратган нарсани ўзгартиришга кирмайди. Балки у айб ёки беморликни йўқотиш қабилидан ҳисобланади («Фатҳул-мулҳим»).

Одам озаман деб ошқозонини кестириши ёки жарроҳлик столига ётишига зарурат йўқ. Семириб кетмаслик учун спорт билан мунтазам шуғулланиш, парҳез қилиш, доимий ҳаракатда бўлиш, нафсни тийиш ҳар жиҳатдан фойдалидир.



“

Одам озаман деб ошқозонини кестириши ёки жарроҳлик столига ётишига зарурат йўқ.

4

– Дўстларимиз билан қўл бериб кўришамиз, хайрлашаётганда ҳам шундай қиламиз. Бир дўстимиз «Икки марта қўл берилмайди, яъни саломлашганда қўл бериб кўришдик, хайрлашаётганда ҳам қўл берилса, макруҳ бўлади» деди. Чиндан ҳам шундайми?

– Суҳбатнинг охирида, хайрлашаётган чоғда ҳам учрашув аввалидагидек қўл беришиш жоизлиги ҳадисларда келган. Чунончи, Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ саллоллоху алайҳи ва саллам қачон бирор киши билан видолашса у кишининг қўлини тутиб турар, то у киши ўзининг қўлини қўйиб юбормагунча унинг қўлини қўйиб юбормасди ва “Аллоҳдан динингни, омонатингни ва охирги амалингни омонда қилишини сўрайман” дер эди» (Имом Термизий ривояти).

Уламоларимиз ана шу ва шу каби ҳадисларга суяниб, хайрлашаётган пайтда ҳам қўл беришиш мустаҳаб эканлигини айтган.

“

**Суҳбатнинг охирида,
хайрлашаётган чоғда
ҳам учрашув аввалидагидек қўл беришиш
жоизлиги ҳадисларда
келган.**



5

– Мен устачилик қиламан. Бир киши «Сешанба куни янги иш бошлама, зиён кўрасан, ишинг юришмайди. Чоршанба куни иш бошласанг яхши бўлади» деб китобда ўқиганман деб қолди. Аммо қайси китобда ўқиганини айтмади. Унинг шу гапига ишонса бўладими?

– Сешанба ё ҳафтанинг бошқа бирор куни иш бошлаган кишининг зиён кўриши ҳақида бирор ҳадис ёки диний асарда маълумот учратмадик. Балки динимиз ҳафта кунлари ва ойлардан шумланишдан қайтарган. Баъзи олимлар аҳамиятли ишларни чоршанба куни бошлашни тавсия қилиб, бунга «Қайси иш чоршанба куни бошланса албатта мукамал бўлади» мазмундаги ҳадисни далил қилиб келтирган. Лекин муҳаддис уламолар ушбу ривоят тўқима эканини таъкидлашган («Мавзуоту Мулла Али Қори», «Ал-Мақосидул-ҳасана», «Аснал матолиб» ва бошқа китоблар).



Чоршанбадан бошқа кунда иш бошлаган киши албатта зиён кўради деган эътиқодда бўлиш нотўғри. Шариатга мувофиқ ҳар қандай ишни хоҳлаган кунда бошлаш жоиз. Ҳафтанинг қайсидир кунини кутиш шарт эмас.

Шунингдек, Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Киноний ўзининг «Танзихуш-шариа» деган китобида мазкур ривоят тўқима эканини айтиб ўтгандан кейин «Саҳиҳ ҳадисларда Аллоҳ таоло нурни чоршанба куни яратгани ривоят қилинган. Илм ҳам нурдир. Агар илм нур яратилган кун – чоршанба куни бошланса, Аллоҳ Қуръони каримда айтиб ўтганидек, ўз нурини (жумладан, илм таҳсилани ҳам) итмомига – ниҳоясига етказди деб яхши гумон қилиш мумкин» дейди. Бу билан илм таҳсилани чоршанба куни бошлаш хайрли экани келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, чоршанбадан бошқа кунда иш бошлаган киши албатта зиён кўради деган эътиқодда бўлиш нотўғри. Шариатга мувофиқ ҳар қандай ишни хоҳлаган кунда бошлаш жоиз. Ҳафтанинг қайсидир кунини кутиш шарт эмас. Мусулмон инсон иши ривож топишини истаса, бунинг сабабларини ушлаши, ҳалол меҳнат қилиши, алдовдан ва бировнинг ҳақидан ҳазар қилиши ва Аллоҳ таолодан ишининг баракасини сўраши лозим бўлади.




6

– Маҳалламиздаги қабристонда мевали дарахтлар бор. Уларнинг мевалари пишган вақтда кўпчилик қатори биз ҳам кириб еб турамыз. Баъзилар бу иш жоиз эмас деб қолди. Шу масалада динимизда нима дейилган?

– Бу ҳақда Бурҳониддин ибн Моза роҳимаҳуллоҳ шундай зикр қилган: «Қабристондаги дарахтларнинг ҳукми иккига бўлинади: 1) улар ер қабристонга айлантирилишидан олдин экилган бўлиши мумкин; 2) улар ер қабристонга айлантирилганидан кейин экилган бўлиши мумкин. Агар дарахтлар ер қабристон қилинишидан олдин экилган бўлса, эккан одамнинг мулки бўлади. Шунинг учун дарахтларнинг эгаси тирик бўлса, унинг розилиги билан ёки ундан сотиб олиб, кейин истеъмол қилиш жоиз бўлади. Агар дарахтларнинг эгаси улардан одамлар ейишини мубоҳ қилган (рухсат берган) бўлса, у ҳолда сўрамасдан ейиш ҳам жоиз. Аммо эгасининг нияти маълум бўлмаса ёки эгаси вафот этган бўлса ва нима мақсадда эккани номаълум бўлса, у ҳолда улардан ейиш жоиз бўлмайди.

Агар дарахтлар ер қабристонга айлантирилганидан кейин экилган бўлса, ушбу ҳолатда ҳам улар эгасининг мулки ҳисобланади. Шунга кўра бунда ҳам эгасининг ниятига боғлиқ бўлади. Агар эгаси маълум бўлмаса ёки унинг нияти маълум бўлмаса, у ҳолда улар қабристоннинг мулки бўлгани учун уларни сотиб, пули қабристоннинг эҳтиёжлари ва таъмири учун ишлатилади» («Муҳийт»).

Демак, қабристондаги меваларни ейиш ёки бошқа экинларни олиш уларни эккан эгасининг ниятига боғлиқ бўлар экан. Агар бошқалар ейиши ёки фойдаланиши учун эккан бўлса, улардан ейиш жоиз бўлади. Аммо ўзи учун эккан бўлса ёки нияти маълум бўлмаса ё ким эккани



маълум бўлмаса, у ҳолда уларни пулга сотиб олиб, ейиш ёхуд унинг даромадидан фойдаланиш жоиз бўлади, холос.

Таъкидлаш жоизки, баъзилар қабристондаги мевали дарахтларнинг томири маййитнинг қони ва нажосатидан озуқа олгани учун уларни ейиш макруҳ деган даъволарни қилишади. Бунга жавобан уламолар ушбу даъво ўринсиз деб ҳисоблашган. Чунки дарахтларнинг илдизлари гарчи нажосатдан озуқа олса ҳам, истиҳола (бир нарсанинг бутунлай бошқа нарсага айланиши) йўли билан бошқа моддага айланади ва уларнинг меваларини ейиш ҳеч бир макруҳликсиз жоиз ва ҳалол бўлади деганлар («Аҳкомул-жаноиз»).

Шундай бўлса-да, қабристонга мевали дарахтларни экмаслик тавсия қилинади. Зеро, уларнинг томирлари қабрлар ўпирилишига олиб келиши мумкин. Валлоҳу аълам.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Тақлидчи ва

Ш

а с

шарҳи

«Дунё
деразаси»дан
назар

Ким қанча яшаса ҳам ҳосиласи «дунё деразаси»дан бир боқишлик муддат бўлиб қолаверади. Муҳими, ўша деразадан қандай боқишда. Изидан келаётганларга ибрат олишга арзирли мерос қолдира билишида. Ана шунда у бу дунё деразасидан мазмунли боқиб кетган бўлади. Бугун профессор Шомирза Турдимов билан ана шу мавзулар хусусида суҳбатлашдик.

– Инсон тақлид қилиб ўсади, яшайди деган гап бор. Чунки тақлидчилик ҳар қандай тирик мавжудот ривожланишининг асосий усулларидан бири. Энг ажабланарлиси, одам мияси ўзиники бўлгани билан ундаги маълумотларнинг аксари жамоавий онг хосиласи экан. Демак, инсон онги жамоавий тушунчалар, рамзлар ва ишончлар сандиги, уларни ишлаб чиқарадиган ва тарқатадиган воситадир. Шу ўй-хаёллар таъсирида сиздан сўрамоқчи бўлганим: жамоавий онг шаклланадими ёки тайёр хосилами?

– Энг аввал инсон ҳаётида тақлиднинг ўрни масаласига тўхталсак.

Ҳақиқатан ҳам тақлид болалиқда ҳаётий тажрибаларни ўзлаштиришнинг энг асосий воситаси. Болалар фольклори, ўйинларининг жуда кўп қисми тақлид асосида экани шуни исботлайди. Лекин инсон ҳаётида тақлиднинг даражалари бор. Агар инсон бир умр тақлидчи бўлиб қолса, унда шахс шаклланмайди. Чунки шахс дегани инсоннинг ўзини ўзи намён этиши ва ҳимоя қилишидир. Шахс бўлиб етилмаса, инсон омманинг ичида йўқолиб кетади. Ҳақиқий катта шахслар йўлбошловчи бўлади.

Маълум миқдордаги баъзи шахслар омманинг ниқобида юради. Омма ва оммавий онг деган тушунчалар ҳам мавжуд. Булар нима ўзи? Ҳар бир атаманинг аниқ чегараларини белгилаб олиш даркор. Оммавий онгнинг аҳамияти айниқса ҳайвонлар ҳаётида яққол билинади. Биологларнинг тасдиқлашича, агар оммавий онг бўлмаса, ҳайвонларнинг мавсумий кўчиши содир бўлмайди.

Сиз сўраган саволга келсак, инсоният ҳаётида жамоавий онг қаердан пайдо бўлади, қандай ривожланади деган масаладан бошлаш керак. Шу ўринда бир ўхшатишни келтирмоқчиман, аммо айтиб қўяйки, ҳар қандай ўхшатиш айбли бўлади, чунки у битта масалани изоҳлайди ва фақат ўша масала юзасида ўзини



*Шахс бўлиб етилмаса,
инсон омманинг
ичида йўқолиб кетади.
Ҳақиқий катта шахслар
йўлбошловчи бўлади.*

оқлайди, аммо бошқа тарафдан айбли бўлиши эҳтимоли кўп. Юмалоқ фавворани кўз олдимизга келтирайлик. Унинг умумий сатҳи, отиладиган ўрни бор, лекин отиладиган жойи умумий сатҳдан баланд бўлади. Умумий сатҳ жамоавий онг деганимизга тўғри келади ва маълум маънода омманинг фикр даражасини белгилаб ҳам беради. Сув отилиб чиқадиган жойни ШАХСнинг онгига қиёслаш мумкин. Шахсларнинг оммадан ажралиб туриши уларнинг отилиб чиқишида кўринади.

Машҳур Тесла айтади: «Менинг миям радиоприёмник, бутун кашфиётларнинг ҳаммасини тепадан, ана шу ядродан оламан, лекин у ядронинг қаерда эканини аниқ билмайман, аммо борлигига иймоним комил». Динда ҳам бу атаманинг муқобили бор. Лавҳул маҳфузда бутун



II

*Муҳаббатнинг ҳам даражалари борки,
юксак севгига эришган билан авом
севгисига эга бўлганларнинг кўнгли
бир-бирига мос келмас.*



дунё тақдири битилган дейилиши ана шу тушунчага тўғри келса керак. Мен диншунос эмасман ва бу нарсаларга аниқ жавоб бера олмайман, бироқ маълум миқдордаги англамларимдан Тесла айтган ядро Лавхул маҳфуз бўлса керак деб ўйлайман.

Барча инсонларнинг тақдири олдиндан битиб қўйилган деган оддий ифодадан оладиган хулосамиз шуки, инсон ҳаётида ўзлаштирадиган нарсаларнинг ҳаммаси бир-бирини такрорлайди. Инсоннинг «тақдири азалий, иймони амалийдир». Тақдирнинг азалийлиги қачон туғилишимиз, қачон ўлишимизни билмаслигимиз бўлса, иймоннинг амалийлиги бажарган амалларимизда кўринади. Шунингдек, кулли ақлимиз амал билан, тажриба билан, фикрлаш билан кўп нарсага эришиш имконига ҳам эга. Қолаверса, шахс сифатида шаклланишимизда амаллар муҳим ўрин тутуди. Агар одам тақлид доирасида қолиб кетса, у шахс бўлолмайди. Тақлидчилар умумий сатҳдан нарига ўтолмайди. Инсоннинг имконида доимо янгиланиш эҳтиёжи бор.

«Муҳаббат эски нарса, ҳар кўнгил уни янгиртар» дейдилар. Муҳаббатнинг ҳам даражалари борки, юксак севгига эришган билан авом севгисига эга бўлганларнинг кўнгли бир-бирига мос келмас. Сабаби, сувнинг тепадан тўкилиши бор, тепага отилиши бор. Шу каби ҳар бир тушунчанинг қайси ўринда, даражада турганини баҳолаш муҳимдир.

– Фикрлаш ҳар кимнинг шахсий доирасида рўй беради, аммо амалиётда оммавийлик ҳукмрон. Шу сабабданми ривожланиш кўпчилик қабул қилган йўналишда амалга ошади.

– Шаҳарда яшашнинг ўз қоидалари, кенг далада яшашнинг ўз амаллари бор. Икковининг шарт-шароити бир-бирига тўғри келмайди. Масалан, шаҳарда йўл ҳаракати светофор орқали бошқарилади ва буни ҳамма қабул қилади, қабул


қилмаган жаримага тортилади. Аммо чўлинг ўртасида светофор ўрнатиш ақлдан ташқари нарса. Шу каби кўпчилик қабул қилган йўналиш – жамият қабул қилган йўналишдир. Кийим кийиш жамият ахлоқ нормаларига мос келади, аммо ўрмонда яшайдиган одам учун бунинг аҳамияти йўқ. Бундай қоидалар жамиятнинг ривожланишига хизмат қилади. Ахлоқ диннинг асоси эканлиги бекорга эмас, чунки одамга уят, ҳалол-ҳаром деган тушунчалар сингдирилган бўлиши керак. Шу тушунчалар поймол бўлганда жамият издан чиқади ва ривожланиш тўхтади.

Шахснинг баъзи ҳаракатлари оммага тўғри келмаслиги мумкин, чунки шахс омма учун яшамайди. У ўзи учун яшайди, омма у учун қизиқ эмасдек. У қарашларини омманинг мезонлари билан ўлчамайди. Шуниси эътиборлики, фольклорда ҳам, мумтоз адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам хослар деган тушунча бор. Фольклорда эранлар, ҳомийлар «айбли» тасвирланади. Бунинг сабабини жуда оддий тушунтириш мумкин. Агар омма бир одамни эран деб билса, шу одамда катта қувват борлигини сезса, албатта уни суиистеъмол қилишга ҳаракат қилади. Ҳаётда ҳомийларнинг қувватини омма суиистеъмол қилмаслиги учун табиат дейсизми, худо деб оласизми, умуман борлиқни тартибда ушлаб туруви бир қудратли КУЧ уларнинг ҳаракатини яширади.

Масалан, эртақда ҳомийлик қилувчи бўрининг чўлоқ бўлиши шундан. Аслида бу бўрининг қуввати жуда катта. Буни эса фақат қаҳрамонгина англайди, лекин бошқара олмайди, ўзи бошқарилади. Бу кучни англаганнинг даражаси ҳам ҳомийнинг даражасига яқинлашиб қолган бўлади. Булар сирни ошкор қилмайди, ошкор қилса қувватдан маҳрум бўлади. Шу учун айтиладики, хосларнинг йўли ТИФ йўлидир, агар хато қилса, тиф уни кесиб кетади. Худди шу каби ҳар кимнинг фикрлаши шахсий бўлса-да, ривожланиш



Шахснинг баъзи ҳаракатлари оммага тўғри келмаслиги мумкин, чунки шахс омма учун яшамайди. У ўзи учун яшайди, омма у учун қизиқ эмасдек. У қарашларини омманинг мезонлари билан ўлчамайди.





||

Хосларнинг йўли ТИФ йўлидир, агар хато қилса, ТИФ уни кесиб кетади.

умумий бўлади. Хосларнинг фикрлари кўпинча омманинг мезонларига тескари келади. Хоснинг хослигини омма билмаслиги керак, мана шу – мезон.

Агар билса, унинг хослиги йўқолади ва кучи қолмайди.

Ҳар бир даврнинг ўз эранлари, чилтанлари бўлади, бу ҳақда авом ва хос ўртасидаги фарқни сезган, билган, ҳис қилган одамлар гапиргани маъқул, биз оддий одамлармиз, фольклорда тасвирланганини айта оламиз, холос.

– Инсон табиатида ботиний онг, яъни интуиция (савқи табиий) аксарият ҳолларда онгли фикрлашдан келади. Шундай ҳолда қай бирига қулоқ солган маъқул?

– Интуиция дегани инсоннинг асл ва табиий ҳолатига уйғунлигидан келиб чиқади. Бирор нарса қилишдан аввал хаёлингизга келган оний фикр «йўқ» деган бўлса-ю, сиз унга қарши бориб, тескарисини қилсангиз, у кўпинча амалга ошмайди. Баъзи одамларнинг ички сезгиси сувдек тиниқ бўлади. Интуиция, сезиш табиатга уйғунлиқдан дарак беради. Ўтмишнинг одамлари табиатга ҳамиша яқин бўлган. Табиатга яқинлик табиий қонуниятларга бўйсуниб яшашни билдиради. Инсоннинг ҳалқуми тоза бўлса, табиатга терс бормади. Ҳалқуми тоза дегани ҳалол еб, ҳалол яшаш демақдир. Кишининг ўйи, сўзи, амали уйғунлашиш керак, бу эса ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди.

Одамда жузъий ва куллий ақл бор. Жузъий ақл – қўриқчи. Ақлнинг даражалари халқэртақларида айтиб қўйилган. Уч ака-уканинг биринчиси жузъий ақл эгаси бўлиб, у танаси нимани буюрса, шуни қилади. Унинг борадиган жойи ошпазга



Компьютернинг рақамли кодлари орқали программалар яратилганидек, сўздан ҳам қувват яралади.



ўт ёқувчиликдир. Иккинчиси ҳаммомга боради, ақли етарли, фақат танасини тозалайди-ю кўнгилни тозаламайди. Кенжа эса борсакелмас йўлдаги ақл ва муҳаббатни танлайди. У ялмоғиз – нафсни енгиши керак. Нафсни эса ўлдириб бўлмайди, уни енгиш мумкин. Ялмоғиз – нафс сувга чўктирилади. Сув эса кўнгил ойнасидир. Халқ кўшиқларида:

*Эшик олди ойдин кўл,
Ойна солсам ботмайди.
Мен ёримга хат ёзсам,
Жавоблари келмайди*

деб айтилади. Бу ерда ҳам кўнгилнинг ойнага ўхшатилиши бор. Кўнгил ойнаси қанчалик тоза бўлса, унинг тубидаги хазиналар шунчалик кўринади.

– «Тилни шахслар эмас, халқ яратади» деган нақл бор. Сўзларни ҳам одатда халқ топади. Айрим сўзларни олимлар, ёзувчилар ёки тилшунослар яратган бўлиши мумкин, лекин шу сўзлар ҳам омма фойдалана бошлагандан кейингина тан олина-

ди, муомалага киради. Шундай экан, сўзда алоҳида шахсларнинг эмас, балки жамоанинг онги ўз аксини топади. Одамзотнинг жамоавий донолиги халқ ижодида барҳаёт. Сўзнинг мажик хусусияти ҳам айнан кўпчиликка тегишли эканида, унда кўпчиликнинг улуши борлигида, шундай эмасми?

– Маълумки, Момо Ҳаво Одам Атонинг қовурғасидан яралган, яъни қайта ишланган «маҳсулот». Одамнинг фаришталардан устунлиги унга барча нарсаларнинг исми ўргатилганида эди. Исми фақат сўзгина эмас, у ҳар бир нарсанинг қуввати ҳамдир. Сўзнинг қувватини фолклорда магия деймиз. Компьютернинг рақамли кодлари орқали программалар яратилганидек, сўздан ҳам қувват яралади. Лекин биз сўзни мардикордек ишлатамиз, ўтмишдагилар сўзнинг поэтик қувватини сезишган, тирик сақлашган. Масалан, «қип-қизил нартдек юз» деган иборани олайлик. Нарт – узумнинг шохаси. У соғлом бўлса, қизариб туради. Юзнинг



Фолклордаги бирор кўшиқ ё эртақ бир одамнинг тақдирдан сўзламайди, у бутун халқнинг тақдирини гапиради, унда бутун халқнинг қуввати йиғилган.

ҳам тозаси қизариб, нурли бўлиб туради. Халқ эса ўшатишларнинг барини табиатдан олган. Инсон сўз яратиши мумкин, аммо яралган нарсалар асосида яратади. Сўз яралишининг ибтидоси, структураси у ёқда турибди. Инсон эса бор сўзлардан сўз ясай олади. Мен «ла» сўзи ҳақида кўп гапирман, ашула, ялла, алла, ўлан, лапар ва ҳоказо. Бу сўзларнинг барининг ўзагида «ла» турибди. Буни жуда қадимий сўз, оҳанг бўлса керак деб ўйлайман. Чунки у куйга, ирга ўхшайди. Буни аниқ биламан деб айтолмайман, чунки «биламан» дейиш инсон имкониятларини чеклаб қўяди. Нарсаларнинг устидан ҳукмронлик қилиш, уни енгишдек кўринса-да, аслида енгилишдир. Нарсалар ва одамларни борлигича қабул қилиш керак, лекин ҳукм чиқариш шарт эмас, ҳукм фақат Оллоҳдан.



||

Рауф Парфининг қанчалик қувватли шоир эканини кўпчилик билади. Унинг бир гапи бор: «Одамни қамаб қўйиш мумкин, лекин унинг руҳини занжирлаб бўлмайди».

Фолклорни халқ яратади, оммавий онг шундай яралади. Инсон каналлари илҳом ҳолатида ядро билан боғланади. Ижод ва ижро йўли ядрога боғланган пайти сўз ҳам, шакл ҳам, куй ҳам осонгина қуйилиб келади. Буни ўргатиб бўлмайди. Жалолиддин Румий билан Шайх Табризийнинг бир-бирига муҳаббатини «пастдаги»лар тушунмайди, уни англаш учун ўша даражага яқин келиши керак. Одамнинг гапираётган сўзига қараб баҳолаш мумкин, лекин унинг онгида қандай фикрлар кечаётганини кўриб бўлмайди. Одамлар бир-бирини тўлиқ англай олмайди. Инсон интуицияси, сезгиларини сўз билан ифодалаш мушкул, бу ерда сўз ожиз қолади.

Фолклордаги бирор қўшиқ ё эртак бир одамнинг тақдиридан сўзламайди, у бутун халқнинг тақдирини гапиреди, унда бутун халқнинг қуввати йиғилган. Биз шу қувватга боғланамиз ва улар англанини англаймиз. Бунинг ҳам даражалари мавжуд. Қанчалик катта даражада англанса, шунчалик қувватга эга бўлади. Масалан «Аҳмадлар» деган эртакни олайлик. Ундаги Аҳмад сувчи, Аҳмад тошчи ва Аҳмад камалак каби кўмакчиларнинг барча қувватини Аҳмад қахрамон енгиб, уларнинг бор кучини ўзига сингдириб олади. Натижада йиғма Аҳмад пайдо бўлади. Шу каби инсоннинг қуввати унинг эгаллаган билимлари билан эмас, балки борини жонли қабул қилишига боғлиқ.


– Кишининг руҳий ҳолати шундайки, у қаерда бўлмасин, нима қилмасин ҳар доим ёлғиз эмаслигини онгли ёки онгсиз равишда ҳис қилади. Шу боис одамлар орасидами, ўзими, чўлдами, тоғдами – қатъи назар ўзини якка сезмайди. Ҳар доим руҳий олам билан алоқадорлик бор. Ушбу жамоавий руҳий ҳолатнинг шаклларга кириши, сўзга айланиши фолклорнинг кучини, яшовчанлигини таъминловчи омил деб биламан. Сизнинг бу борадиги фикрларингиз?

– Рауф Парфининг қанчалик қувватли шоир эканини кўпчилик билади. Унинг бир гапи бор: «Одамни қамаб қўйиш мумкин, лекин унинг руҳини занжирлаб бўлмайди». Яна бир энг қизиқ гапи: «мен тушимни бошқара оламан» деб айтади. Мен буни бекорга айтмаяпман. Шахс қанчалик ўзини-ўзи англаса, билими шунга етса, у катта қувватга эга бўлади ва унга одамлар билан суҳбатлашиш шарт эмас. Туш билан ҳушнинг унга фарқи қолмайди. Туш билан ҳушнинг фарқи шуки, тушда замон ва макон йўқ, ҳаммаси аралашиб яхлит сингишган бўлади. Одамга бекорга туш ва ҳуш берилмаган деб ўйлайман. Чунки бу ҳолат одамни навбатдаги босқичга тайёрлаш. Навбатдаги босқични биз фақат тахмин қиламиз, чунки ҳеч ким бориб қайтмаган. Тушларни таҳлил қиладиган бўлсак, шунинг ўзи бизга кўп билим ва тажрибаларни ўргатади. Сўз, ҳолат, замон, макон ҳақида ҳам мен шуғулланадиган соҳанинг шу тажрибалар ичида тургани

хурсанд қилади. Одамнинг одамга муносабати ҳам унинг қайси даражада турганини билдиради. Уни яшириб бўлмайди – сўздан, ҳаракатидан, амалидан билиниб туради. Бу ерда фалончи дейиш шарт бўлмайди, чунки унинг фалончилигини ўзи гапириб, билдириб қўяди. Сўзларни, ҳаракатларни биров изоҳлаши шарт эмас, буни англамаганлар амалга оширади. Ҳар бир ҳаракат одамнинг ўзидан гапирди.

||

*Расм чизишга қизиқаман, лекин
рассом бўламан деб ҳаракат
қилмаганман. Ҳеч қачон фалончини
чизаман ёки фалон рамзни чизаман
деб ўйламаганман, қўлим ўзи чизиб
кетаверади.*



– Аксарият ижодкорлар услуб, шакл ҳақида бош қотирадидлар. Ўзига хос овоз, йўналишга эга бўлиш – ҳамма ижодкорларнинг орзуси, маслаги. Сизнинг фолклоршунос бўлишингизга нима туртки бўлган ҳамда услубингиз рамзлар билан ўралганининг сабаби нима?

– Мен ёшлиқдан фолклоршунос бўлман деган ниятда ўқишга кирганман. Эргаш отанинг ишини давом эттирамиз деб ўйлаганмиз. Эргаш Жуманбулбунинг юбилейидан сўнг унинг ижодига қизиққанам сабабли фолклоршунос бўлишим кераклигини англаганман. Бу қондан ўтгандир балки. Одамлар ўқиб ўрганадиган нарсаларни мен эшитиб ўсганман. Дастлаб Хоразм халқ қўшиқларини ўқиганман. Қўшиқда айтиладики:

*Шойи рўмолимни шамолга ёйдим,
Тилло дузувимни бўйнимга осдим,
Тут остида ётган экан бўз бола,
Опажон, билмайин оёгин босдим.*



Кўп қўшиқларда рўмол образига дуч келавердим. Ва уларнинг барини бир жойга йиғиб кўрдимки, рўмол ўз маъносидан келмаяпти. Рўмолнинг оила рамзи эканлигини, унинг маросимдаги ўрни ва халқ қўшиқларидаги мазмунининг уйғунлигини кўрдим. Шундан сўнг бошқа рамзларга қизиқиб кетдим. Шу тариқа рамзни жаҳон адабиётшунослигидаги

мезонлар асосида ўрганиб чиқдим. Ҳар бир жанр, ҳар бир асарнинг семантикасини ўрганишга эҳтиёж туғилган. Барча нарсаларнинг моҳиятида рамзлар ётганини интуиция орқали сезганман. Ёшлигимдан «Гўрўғли» дostonларини ўрганиш асосий мақсадим бўлган. Чунки Қўрғон дostonчилиқ мактабини ва унинг тарихини ўрганишда «Гўрўғли» дostonлари муҳим ўрин тутди. Унинг моҳиятида ўлиб тирилувчи миф турганини англаб етгач, асос – ўзанга тушиб олганман. Мен деелев жадвал тузгани каби «Гўрўғли» дostonлари моҳиятини, унинг структурасини ягона жадвалга солиб олдим.

Расм чизишга қизиқаман, лекин расмсом бўлман деб ҳаракат қилмаганман. Ҳеч қачон фалончини чизаман ёки фалон рамзини чизаман деб ўйламаганман, қўлим ўзи чизиб кетаверади. Буям бир неъмат деб биламан.

– Ижод азалдан инсон тақдири, унинг эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги ўрнини доим кўрсатиб келган. Инсоннинг моҳияти унинг курашувлари замирида очилиб борар экан, асли унинг маъно-моҳияти нимадан иборат ўзи?

– Дунё динларини олайлик, уларнинг бари Оллоҳ ягоналигини тарғиб қилади ва пайғамбарларга бу йўлда курашиш кераклиги айтилади. Ижод инсоннинг ўзини намоён қилиши бўлиб, эгаллаган билим ва тажрибалари юзага чиқади. Шу ўринда яҳудийларнинг бир латифаси эсга келади. Бир Закий Закия деган одам туғилибди, яшабди ва худонинг олдига борибди. Худо ундан сўрабди:

– Сен кимсан?

– Мен Закий Закияман.

– Тўғри, сени Закий Закия қилиб жўнатганман, лекин менинг олдимга Закий Закия бўлиб келмадинг, сен Закия эмассан, – дебди худо.

Маноқибларнинг охирги нуқтасини олиб қарайлик, ҳаммасида инсоннинг зиммасига қандай вазифа юкланган бўл-

са, ўша вазифани уддалаб бориши туради. Руҳнинг эзгу ҳолатда манзилига етиб бориши муҳим. Энг мукамал илоҳий билимлар тепадан тушса, инсон эгаллаган билимлар тепага бормоғи лозим. Инсон муқаддас китобларда айтилганидек яшаса, ўйи, сўзи, амали бир бўлса, адашмайди. Бу йўлда инсон аввало ўзи билан ўзи курашиши керак. Булар айтиб келинган гаплар. Ўзингни англа, ўзингни намоён қил деган гаплар янги гап эмас. Қўшиқларда айтилади:

*Амударё оқар кетар,
Қирғоғини йиқар кетар,
Бу дунё бир деразадир,
Ҳар ким ундан боқар кетар.*

Бунда жуда чуқур маъно бор. Амударёнинг оқиши умрнинг ўтиши бўлиб, дунё деразасига бир келиб, боқиб кетиш ҳамманинг бошида бор. Муқаддас битикларда айтилганидек, моҳият инсоннинг ҳаёт йўлини муносиб яшаб ўтишидадир. Бутун билимлар инсон ҳаётда муносиб яшаб ўтишига қаратилган. Аллада боланинг онгига оҳанг ёзилади. Топишмоқ ва туталда оламни образли тасаввур қилиш бошланади. Эртақда билимлар англанади. Ўйинда эса боланинг жамиятга қўшилиши йўллари ўргатилади. Масалан, «Одамтой» эртагини олайлик. Унда қўли, кўзи ва оёғи йўқ бир қизни олиб қочиб, қалъага борганда кун кўриш учун овга кетишади. Қиз ҳар куни уй тозалаб, битта майиз топади ва буни мушуги билан бўлиб ейди. Бир куни мушук келмайди. Қиз майизни еб қўяди. Мушук келиб сўраса, еб қўйганини айтади. Мушукнинг жаҳли чиқиб, оловни ҳўллаб, ўчириб қўяди. Қиз олов излаб ялмоғизнинг олдига боради. Кампир бит қовуриб ўтирган бўлади...

Эртақдаги қалъа ниманинг рамзи, майиз нега битта? Буларни англаш эртақдаги билимни очади. Буларни бола қандай бўлса шундай, борича қабул қилади. Халқимиз бежиз «болага беш ёшгача под-



Аллада боланинг онгига оҳанг ёзилади. Топишмоқ ва туталда оламни образли тасаввур қилиш бошланади. Эртақда билимлар англанади. Ўйинда эса боланинг жамиятга қўшилиши йўллари ўргатилади.

шодек муносабатда бўл» демайди. Шу пайтда унинг гард қўнмаган онгига барча билимлар ёзилади. Ўн тўрт ёшгача қулдек ва кейин дўстдек бўлиш уқтирилади. Ана шу пайтда ўсмирнинг шахси шаклланади, тақлид даври тугаб, фикрлаш жараёни бошланади, шу даврда у билан ҳамфикр бўлиш жуда зарур. Масалан, Навоийнинг тўққиз ёшида «Мантиқут-тайр»ни ёдлаб олгани бежиз эмас, ҳеч ким унинг бошида туриб «ёшинга муносиб асар ўқи» демаган, чунки қўнгли шунга тўғри бўлган.

Навоий бобо нимани идрок қилган билмайман, лекин ёзган асарлари шундан далолат берадики, у космик планда фикрлаган.

Шу нарса аниқки, адабиёт ри-вож-ланмай-ди, адабиёт янгиланади. Эски нарсалар янги шаклга киради, холос. Чунки ривожланиш учун кейингиси аввалгисини инкор қилиши керак. Ҳар бир даврнинг ўз адабиёти бўлади. Навоий даврини биз адабиётнинг энг чўққиси деб биламиз, аммо ҳар бир даврнинг ўз юлдузлари бўлади. Темирийлар салтанатининг маҳобати Навоийнинг поэтик тафаккурида кўринади.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур, устоз!

Жамила АСҚАРОВА суҳбатлашди.

БОЛАЛАР

САЙЁРАСИДАГИ

З

И Л

З И Л

А

Л

А


Р

Шилинган тиззалар, ғурра пешона, юздаги чандиқлар... Ұйинқароқ болалиқдан қолган жароҳат излари... Беғубор дамлардан хотира бундай «безаклар» деярли барчамизда бор. Улар бизга болалиқдаги шўхликларни эслатиши мумкин, аммо жароҳатлар руҳиятимизда ҳам бўлса-чи? Улар бизга маҳзунлик, оғриқ ва ғам олиб келаверса-чи? Руҳий жароҳатларга малҳам суриб қўйишнинг имкони йўқ. Аксинча, *улар* ҳаётимизни ағдартўнтар қилиб, ўтмишнинг ёқимсиз кунлари ҳақида эслатаверади... Сўнгги вақтларда болалиқда орттирилган руҳий оғриқлар ҳақида сўз кетганда кимнингдир энсаси қотиб, уни рад этади, кимдир бунга жиддий ёндашади. Хўш, аслида болалиқ руҳий жароҳатларининг ўзи нима? Унинг ҳаётимизга таъсири қандай?

Боланинг кўнглига ёқмаган ҳар ишни «психологик жароҳат» дейиш нотўғри.



Унинг бирон талабини қондирмаслик ёки инжиқлигини кўтармаслик билан унга психологик жароҳат етказилмайди. Масалан, музқаймоқ олиб берилмаса ё қилмишига яраша дакки берилса, у психологик жароҳат олган бўлмайди. Чунки психологик жароҳат деб ҳиссий мувозанатни бузадиган ва ҳаётга таҳдид соладиган воқеаларга айтилади.



Инсон ўн саккиз ёшгача олган руҳий зарбалар унинг болаликдаги психологик жароҳатлари сифатида қайд этилади. Психологик жароҳатнинг стрессдан қандай фарқи бор?! Ҳар бир бола туғилишидан бошлаб доим стрессли вазиятларга дуч келади. Масалан, гўдак нота ниш жойда бегоналар орасига тушиб қолди, тинмай йиғлапти. Биз бундай ҳолатни бегонасираш деб атаймиз. Ёки болакай хонада бир ўзи қолиб кетди – бу ҳам унинг учун стресс. Биринчи марта катта итга рўбарў бўлиш ёки онасидан илк бор дакки эшитиш... Қайсидир бола бу каби стрессларни йиғи ёки хархаша билан, қайсидир бола уни оддий, сезмай ўтказди. Демак, аксарият болалар стрессли вазиятларга ўз-ўзидан мослашиб кетаверади.

“

РУҲИЙ ЖАРОҲАТЛАРГА МАЛҲАМ СУРИБ ҚЎЙИШНИНГ ИМКONI ЙЎҚ. АКСИНЧА, УЛАР ҲАЁТИМИЗНИ АҒДАР-ТЎНТАР ҚИЛИБ, ЎТМИШНИНГ ЁҚИМСИЗ КУНЛАРИ ҲАҚИДА ЭСЛАТАВЕРАДИ...

Психологик жароҳатлар эса бола бардош бера олмайдиган жиддий салбий таъсир бўлиб, уни «ҳазм қилиш» учун болада етарли куч ва ички ресурслар бўлмайди. У ўша вазиятга мослашолмай, изоҳини тополмай, ўзини тинчлантира олмайди. Масалан, мактабда ё оилада бола калтакланди ёки автоҳалокат бўлди, бола ота-онасидан ҳақоратли сўз эшитди... Буларнинг барчаси инсонга психологик жароҳат етказиши мумкин.

ОТАМ СОЧИМНИ ТАГИ БИЛАН ҚИРИБ ТАШЛАГАН



Жайрона ҲАСАНОВА,
актриса:

– Ота-онам бир-бирини севиб турмуш қуришган. Шифокорлар онамда юрак нуқсонини аниқлашган ва бола туғиш хавфли эканини айтишган. Аммо онам мендан воз кечмаган. Ҳомиласи етти ойга етганида унда юрак хуружи бўлади. Онам ўн тўққиз ёшида, мени дунёга келтирибоқ оламдан ўтган. Аввалига онамнинг йўқлиги сезилмаган, чунки отам мен учун ҳамма шароитни яратган. У қаттиққўл ва интизомни яхши кўрадиган инсон эди. Иши сабаб ойда бир ё икки марта уйга келарди, холос. Отам мени болалигимдан ёлғиз яшашга ўргатган. Энагаларим бўларди, улар овқатимни қилишар, кир-чиримни ювиб, кейин уй-уйига кетишарди. Отам сафарга кетган вақти ҳам энагаларим мен билан бирга тунаб қолишмас

эди. Бир сафар энагам мендан «Бир ўзинг яшашга кўрқмайсанми?» деб сўраганида отам эшитиб қолиб, «Нега қизимнинг фикрини бузаяпсан?» деб уни роса уришгани эсимда. Ўн бирга тўлганимда отам бошқа аёлга уйланди. Турган гапки, бу менга ёқмади. Уйда бор эътибор менга бўлишига ўрганиб қолган эдим-да. Ўгай онам билан зиддият кўп бўлган.

Отам билан ҳам сирдош бўлолмадим, кўп гап қайтариб, ўзимникини маъқулласам, калтак ердим. Балки отам ўздан кейин менинг руҳан кучли бўлишимни истаядир. Шунинг учун мени ёлғиз яшашга ўргатгандир, билмадим. Аммо бу қалбимга оғир ботди. Ҳанузгача ёлғизман. Ўттиздан ошдим, лекин турмуш қуролмадим. Дугоналарим бор, аммо улар уйимда икки кундан ортиқ қолса, ўзимни безовта ҳис қиламан. Ёлғизликка ўрганганман. Бу ҳис шу

даражага етганки, меникига бир неча кунга келган дугоналаримга «Кетадиган вақтинг бўлибди а?!» деб айтишим ҳам мумкин. Биласизми, ота-она фарзандига яхшилик қиламан деб, унга зиён етказиши ҳам мумкин экан.

Тажрибасизлик сабаб катталар болаларга психологик жароҳат етказишади. Масалан, мен болалигимда кўшиқчи бўлишни орзу қилганман, лекин отам бунга қарши эди. Бир сафар кўзгу олдида сочимни ёйиб, тароқдан микрофон ясаб, кўшиқ хиргойи қилаётсам, отам кўриб қолган. Ўша пайти жаҳл устида сочимни таги билан қириб ташлаган. Ҳис қилган руҳий оғригимни сўз билан ифодалаш қийин. Отам мени бирор аниқ фанга йўналтиришни истар эди. Ўзим мутлақо қизиқмаган соҳа бўйича лицейга киришга мажбур бўлдим, лекин дарслардан тинимсиз қочардим. Концертларда ёрдамчи бўлиб юриш ўша лицейда ўқишдан қизиқарли эди мен учун.

Кейинроқ ўгай онам боланинг ўз танлови ва қизиқишини эшитиш кераклигини тушунган. Болалигимга назар ташлаб, ота-оналар боласига яхшиликни мақсад қилиб, кўп хатоларга йўл қўйиши мумкинлигини англайман.

Мадина ЖЎРАЕВА,

«Muslimaat.uz» диний-
маърифий сайти психологи:



**“ ОТА-ОНАСИ
ХАДДАН ТАШҚАРИ
ТАЛАБЧАН БЎЛГАН
БОЛА ВОЯГА ЕТГАЧ
«ПЕРФЕКЦИОНИЗМ»-
ГА ЙЎЛИҚАДИ
ЁКИ, АКСИНЧА,
ЎЗИНИ ЎЗИ ҚАБУЛ
ҚИЛА ОЛМАСЛИК
КАСАЛЛИГИГА
УЧРАЙДИ.**



– Баъзилар «Болалик психожароҳатлари деган нарсани авваллари йўқ эди. Бу психологлар уйлаб топган уйдирма» дейди. Аслида болаликни англаш катта ёшда ўзини тушунишга, ота-онасини ва бошқаларнинг ўзига муносабатини тушунишга ёрдам беради. Мен ҳар нарсани болаликка тақайверишга қаршиман, лекин болалик даври шахс ривожланишининг асосий негизи ҳисобланади. Масалан, болалигида меҳр етишмаган киши улғайгач, муносабатларда ҳаддан ташқари ёпишқоқ ёки, аксинча, масофа сақлайдиган, ёпиқ бўлиб қолиши мумкин.

Ота-онаси ҳаддан ташқари талабчан бўлган бола вояга етгач «перфекционизм»га йўлиқади ёки, аксинча, ўзини ўзи қабул қила олмаслик касаллигига учрайди. Айтиш керакки, бизнинг менталитетда мижозлар психолог қабулига келишининг ўзи катта гап. Ташхис қўйиш ва кейинги босқичлардаги муолажалар вақтида кетма-кетлик сақланади, мижознинг жароҳатлари идентификация қилинади. Унинг эмоцияларига эрк берилади, психолог билан биргаликда жароҳатлар хавфсиз кўринишда эсланиб, яшаб ўтилади ва бу жароҳатлар унинг бир қисми экани, бу билан унинг шахси белгиланмаслиги тушунтирилади. Охирги босқичда мижоз ўзини эркин ва кучли ҳис қилиши устида иш олиб борилади. Албатта ҳар бир босқичда мижознинг кайфияти яхши бўлишига эътибор қаратилади.

БЕМОР

БОЛАЛАРНИНГ МУНГЛИ СЎЗЛАРИ



Муаззам ИБРОҲИМОВА,
болалар психологи, ёзувчи:

– Саратонга чалинган болалар билан суҳбатлашсам, аксарияти оиласидаги носоғлом муҳит ҳақида гапиради. Ота-она, қайнона-келин ўртасидаги можаролардан ташқари, молиявий беқарорлик, ота ёки онанинг боладан узоқлиги ва бошқа ҳолатлар... Уларни таҳлил қила туриб, саратон касаллиги бошланишининг сабабини тушунгандай бўламан. Бемор болаларнинг руҳий дунёсига назар ташлаб эса бу тахминларим ўз тасдиғини топади.

Ўн олти яшар бемор ўсмир ноласи:

– Уйда ҳеч қачон хотиржамлик бўлмаган. Отам ароқ ичиб, жанжал чиқарарди. Касал бўлиб қолганимдан сўнг эса у баттар авжига чиқди. «Тўйиб кетдим. Топганим доридармонингга кетаяпти...» деб таъна қилади. Онам бечора қийналиб кетди...

Ўн ёшли А.:

«Отамни тўққиз-ўн марта кўрганман холос. У чет элда ишлайди. Онам «Отанг тўйимиздан кейин ишлагани кетган» дерди. Уйимиз роса чиройли. Бувим «Уйни отанг юборган пулга кўрганмиз» деб мақтанади. Отам йилда бир келиб, бир ой турмасдан кетиб қоларди. Чунки бобом «Бор, ишла, ўғлим. Укангни уйлантириб, синглингни чиқарволайлик. Тўй қилиш осон эмас» дерди. Амаким уйланиб, аммам узатилди. Бироқ ҳалиям отам чет элда. Энди у менга қиммат дорилар учун пул жўнатапти. Мен отамни соғинавериб касал бўлганман. Афсус, буни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди...».

Икки яшар қизалоқнинг онаси айтади:

«Қизимда саратон қачон бошланганини билмаман.

Ўша куни уни чўмилтириб, роса эркалатиб, бешикка белаб, алла айтаётган эдим. Шу вақт нимадандир тажанг ва ширакайф келган эрим устимга столни отиб юборган. Стол қарсиллаб бешикка урилган. Қизим кўзларини катта-катта очган ҳолатда қотиб қолган. Ҳозир қизим саратон билан курашяпти. Уйда ўнта мол бор, лекин қайнотам ақалли биттасини сотиб боламининг даволаниши учун пул қилиб бермади. Одамлар хайрия қилишяпти. Қайнотам менга «Тила, ялин, сўра» дейди. Моллар қайинукамга уй қуриш учун боқиляётган экан».

Саратонга чалинган яна бир ўсмир қиз айтади:

«Баъзан шу одам менинг отамми деб шубҳаланиб қоламан. Эсимни таниганимдан буён уйимизда бирор кун тинчлик бўлганини эслай олмайман. Онам бир оғиз гапирмаса ҳам отам бирор сабаб билан жанжал чиқараверади. Мен кучли ва иродали қизман. Агар отам бунақа бўлмаганида аллақачон саратонни енгган бўлардим...».

Ўн тўрт ёшли У. айтади:

«Мени бувим уч ёшимда онамдан тортиб олган. Бобом эрта ўлгани учун бувим «Шу боланг менга шерик бўлади» деб онамнинг бағридан юлиб олиб, хонасига олиб кириб кетган. Мен ўша машъум кунни кечагидек эслайман. Қўл чўзиб изиллаб йиғлаб юборган онамнинг таниш ҳидидан айрилиш менга осон бўлмаган. Бир ҳовлида яшаб, онанинг бағрида ётмаслик нима эканини биласизми? Уч ёшли гўдак учун бундан оғир зарба бўлмаса керак. Шундан сўнг онам жаззакчи, қўпол, шартаки бўлиб қолган. Бувим эса онамдан хафа бўлиб, уни ҳар кеча менга ёмонлаб ётарди. Аста-секин меҳрибон онам ҳақидаги меҳрим, ҳиссиётларим нафратга айланиб, қалбим қорая бошлади. Кейин касал бўлиб қолдим. Мана беш йилдан бери бетобман. Жарроҳлик амалиёти, кимёвий ва нур муолажаларини олдим. Касалхоналарда ҳам бувим олиб ётади. Кимдир «Онаси қани? Нега болани ўзи олиб ётмайди?» деб сўраса, бувим онамни обдон ёмонлайди гўё мен кардай. Дунёдаги энг меҳрибон буви қиёфасига киради. Лекин мен барибир онамни дейман. Агар вақтни ортга қайтаришнинг иложи бўлганида, онамнинг бағридан юлиб олинган ўша кунимни ҳаётимдан ўчириб ташлаган бўлардим. Онамнинг бўйнидан маҳкам қучиб, ҳеч қачон ундан узилмасдим. Менга қиммат ва оғир муолажалар қилишади. Аслида энг яхши даво мени онамга қайтариш эканини ҳатто касалхона психологи ҳам билмайди...».

Муаззам ИБРОҲИМОВА,

болалар психологи ва ёзувчи:

– Юқоридаги ҳикояларнинг саратонга қандай алоқаси бор дейсизми? Оиладаги доимий стресс, қўрқув, депрессия болалар онкологияси билан бевосита боғлиқ. Келинг, стресснинг физиологик таъсири билан танишайлик. Стресс – организмнинг хавфга жавоб реакцияси бўлиб, унинг таъсири бир неча асосий тизимга тарқалади. Биринчиси – нейроэндокрин тизим. Стресс вақтида кортизол ва адреналин гормонлари ишлаб чиқарилади, мунтазам стресс эса болаларнинг иммун тизимини сусайтиради. Халқона тушунтирсам, тасаввур қилинг, иммун тизими тананинг ҳимоя девори дейлик. Касалликлар эса унга ҳужум қилувчи ташқи душманлар. Узоқ давом этган стресслар ҳимоя деворини заифлаштиради. Душманларга қарши ҳимоя механизмлари сусайгач, исталган касаллик бемалол болага ҳужум қилиши мумкин, оддий ОРВИдан тортиб, саратонгача!

Иккинчидан, ДНК ва ҳужайралар мутацияси. Сурункали стресс ҳужайраларда оксидланишни келтириб чиқаради, бу эса хавфли ўсмаларга сабаб бўлади. Бу жараённи ҳам оддий тилда тушунтириб бераман. Танамизни битта маҳалла деб тасаввур қилсак, унда бир-бири билан аҳил яшаётган маҳалладошлар бор. Бир куни маҳаллага унинг азалий қадриятларини билмайдиган оқсоқол тайинланиб қолди. Ҳалиги оқсоқол маҳалланинг фойзини қочирди. Натижада баъзиларнинг феъли айниб, унга ўхшаб ўзгара бошлади. Айниганлар сони тобора ошиб, асрлар давомида маҳаллада бардавом бўлган тартиб-интизомни тан олмай қўйишди. Энг ёмони, маҳалла ўзаро уруш-жанжаллар, низолар маконига айланди. Саратон ҳужайралари ўша «оқсоқол» шарофати билан айниган ва тананингизни заифлаштирган маҳалладошлар кабидир.



ФАРЗАНДИМИЗГА

ҚАНДАЙ БОЛАЛИК БЕРАЯПМИЗ?



Гулрух АДҲАМОВА,

Тошкент шаҳар 1-психоневрология
диспансери патопсихологи:

– Аслида болага энгил тарсаки тортиш ҳам зўравонликнинг бир шакли. Бу кейинчалик унда безовталик, ваҳимага тушиш каби иллатларни келтириб чиқариши мумкин. Кўпинча ота-оналар бу энгил тарсакиларнинг асорати бўлиши мумкинлигини ўйламайди. Чунки улар ҳам шу тарзда тарбияланган. Аммо бу иллат занжир кўринишида давом этиши керак эмас. Жисмоний зўравонликни бошдан кечирган одамлар депрессия ва руҳий касалликларга кўпроқ мойил бўлишини кўп тадқиқотлар исботлаган. Бундай одамлар кўпинча спиртли ичимликларга ружу қўйишади ёки зўравонликка, бақиришга, бошқаларга жисмоний зарар етказишга мойил бўлиб қолишади.

Канадалик олимларнинг тадқиқотлари шуни исботлайдики, болалигида жисмоний зўравонликка

учраган одамлар психосоматик, онкологик ва юрак-қон томири тизими касалликларига мойил бўлади. Болани нафақат ота-онаси, балки мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари, ўқитувчилар, ҳатто синфдошлари, дўстлари ҳам уриши мумкин. Бундай вазиятда ота-она ҳимоячи сифатида ҳаракат қилиши ва фарзандига бу жароҳатларни энгишга ёрдам бериши керак. Бугун зўравонликдан ташқари, кўп болалар бепарволик каби ҳиссий зўравонликдан ҳам азият чекмоқда. Сукунат ёки араз билан болани жазолаш руҳиятга ёмон таъсир қилади. Бола доим ота-онанинг эътиборига муҳтож. Араз орқали бошқарилган болалар кейинчалик ёлғизликка тоқат қила олмайди-ган, ўзига ишончи оз ва ёпишқоқ ҳис-туйғулар билан зарарланиб яшайди.



Шунингдек, улар барча муносабатларда – ишда, дўстликда, ҳар қандай мулоқотда ўзини намоён қила олмай, муносабатлардан қочиши, қизиқишни йўқотиши ёки, аксинча, кимгадир қаттиқ боғланиб қолиши ва кўпроқ эътибор талаб қилиши мумкин.

Баъзи ўзбек оилаларида болалиқдаги психожароҳатларнинг турли кўринишларини учратиш мумкин. Масалан, орамизда таёқ ёки камар билан саваланган болалар ҳам бор. Калтакланиб, жисмоний зўравонликда ўсаётган гўдаклар ҳозир ҳам кам эмас. Айрим оилаларда болани оч қолдириш орқали тарбиялаш усули бор. Бу жисмоний тазйиқ. Болага бепарволикни айтмай қўя қолайлик. Бу калтаклаш ёки оч қолдиришдан да ёмонроқ жароҳат ҳисобланади. Болага меҳр бермаслик! Агар бола «Сен мен учун йўқсан», «Сени ортиқ яхши кўрмайман», «Сени нега туғдим-а?» каби гапларни ўз ота-онасидан эшитиб улғайса, у ҳаёти давомида ҳиссий зўравонлик қурбони бўлиб яшайди. Бундай инсонлар жамиятда, оилада ва шахс сифатида ҳам ўзини тополмай қийналади. Бизнинг танамизга овқат, сув қанча керак бўлса, меҳр ва эътибор ҳам шунча зарур.



«Отам мени ҳеч қачон эркаламаган, у мени доим бошқалар билан солиштириб, ерга ураверарди» деган шикоятни кўп эшитаман. Ваҳоланки, Муҳаммад пайғамбаримизнинг (саллоллоҳу алайҳи васаллам) ҳаётига назар ташласак, у зот ўз меҳрини, ҳис-туйғуларини очиқ ифода этишни хуш кўрган. Биз тарбияда на диний, на дунёвий илмларни тан оламиз-да, кейин пушаймон бўлиб юрамиз.



**ОРАМИЗДА ТАЁҚ
ЁКИ КАМАР БИЛАН
САВАЛАНГАН БОЛАЛАР
ҲАМ БОР. КАЛТАК-
ЛАНИБ, ЖИСМОНИЙ
ЗЎРАВОНЛИҚДА
ЎСАЁТГАН ГЎДАКЛАР
ҲОЗИР ҲАМ КАМ ЭМАС.
АЙРИМ ОИЛАЛАРДА
БОЛАНИ ОЧ ҚОЛДИРИШ
ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШ
УСУЛИ БОР**




Ҳар бир инсон ўз оиласида ижобий психологик муҳитни яратиши керак. Бу нафақат болаларимиз, балки ўзимизнинг ҳам иммун тизимимизни соғломлаштиришга ёрдам беради. Агар бизга соғлом фарзанд керак бўлса, ишни ўз руҳий ҳолатимизни назоратга олишдан бошлашимиз даркор. Оиладаги руҳий мувозанат ҳамма нарсани тартибга солади.

Феруза РАЙИМЖОН қизи

ЭРКИН АЪЗАМ

ТОМОШАБИНИЛИК ТЕАТРДА ЯРАШАР!

Х алқимизнинг улкан адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам бу йил жавзода 75 ёшга тўлди. У кишининг хулқ-атвори, қалами ва амалининг бирлиги барча мухлисларни бирдек ўзига тортиб келади. Талабаликда ёзган ҳикоясидан тортиб қиссалару романгача, матбуот юзини кўрган кичик фикралардан катта-кичик мақолаларгача – барча матнларнинг тагостида ҳассос адибнинг ўқтам, ҳақгўй юраги уриб турганини сезади одам.



“Қўлёмалар ёнмайди”
деганларидек, чин адибнинг
қора меҳнат, теран ҳаётий
тажрибалар асосида қоғозга
кўчган ҳар бир сатри
эскирмас, ҳамиша ўқувчига
руҳий мадад беролади.
Муддао ҳам шу-ку асли.

Бундан ўн-йигирма-
ўттиз йил аввал турли
муносабатлар билан
ёзилган ушбу битикларнинг
бугун ҳам оҳори, таъсири
кетгани йўқ, аксинча, ортиб
бормоқда.

**Журналхонларимизга
ушбу сабоқларни ҳавола
этарканмиз, қадоққўл
адибимизни, қилқалам
муҳаррирни, кенгфеъл устозни
қутлуғ ёши билан самимий
табриклаймиз!**



▼
Рекламага тушмаган нима қолди?
Инсоф, уят, андиша эмас, фирромлик,
қаллоблик шиорга айланиб кетмадимми?

Нимаики ҳадеб кўз-кўз қилинавερса,
билингки, ё бир иллоти, ё нозикроқ бир
сабаби бор!

▼
Ширин сўз – жон озиғи, кимга ёқмайди
дейсиз! Аммо у хушомаду ялтоқиликка
айланиб кетса-чи? Унга ғараз, таъма ара-
лашса-чи?..

▼
Бундай асарнинг «устиди» кўпин-
ча бутун бошли бир бригада меҳнат
қилади – ҳашар. Устоз учун, устознинг
шон-шухрати йўлида. Устознинг ўзи эса
қўлига қалам олиб бирор нима ёзишига
шубҳа қиласиз.

Ундан кейин, ана, нашриёту таҳ-
ририятларда енг шимариб адабий негр-
лар, мардикорлар ўтирибди...

Кимга керак бундай «эъжод»? Қў-
лингиздан келмаса, китоб ёзмай ўтсан-
гиз ҳам биров уришмайди. Дунёда ном
қолдиришнинг бошқа йўллари кўп.

...Китобингизни ўзингиз ҳам ўқиган-
мисиз, устоз?

▼
«Улғайган, шаклланган миллатгина
ўзига тик қарай билади». Кимнинг гапи
бу? Фикр моҳиятан тўғри бўлса, ким айт-
ганининг нима аҳамияти бор? Ким гапи-
раётганига эмас, нима деётганига қара
деб ўғит беради улуғ Навоий.



Т

**Табассум бировга яра-
шар, бировга ярашмас.
Лекин гап бунда эмас.
Гап – унинг
самимийлигида!**



Ибн Арабий шогирди билан кетаётса йўлда бир киши учраб, унга роса ҳақорат ёғдирибди: сиз ундоқсиз, сиз бундоқсиз. Устоз сукутини бузмаганини кўриб шогирд таажжубланган экан, «Кўявер, ахир мен у айтгандақа эмасман-ку» дебди Ибн Арабий.



Пештахта тўла чала китоб, экранни хом-хатала филм босган, бу ёқда қўлбола «юлдуз»лар базми!.. Бозор санъати, бозор адабиёти! Бозордан ҳам кўнглингиз қолиб кетар экан.

«Ишқ бошқа, ҳавас бошқа» деган гап бор элда. «Ойнаси бор кишининг бари Искандар эмас» дейди ҳазрат Навоий.

Ўртадан чизиқ тортиш мавриди келмадимикан?



Ўтган аср бошларида Беҳбудий ҳазратлари миллат фарзандларини икки эмас, тўрт тилни эгалламоққа даъват этган. Биз эса тўрт эмас, ўн тилни билишни орзу қиламиз. Аммо фарзандларимизнинг дастлабки таълимни она тилида олиши, миллий мактабда, миллий руҳда тарбия топиши тарафдоримиз, холос.

Бизга нима бўлди? Одатдаги бегонапарастликми бу ёки яна манний кашаларни соғиниб қолдикми? (Оббо, ўзбекча ўқиганимиз тагин панд берди-ку: «манная» бўларди шекилли...)



Биз – одамлар, токи тирик эканмиз, бир-биримизга ёрдам беришимиз керак...



...бағоят эътиборли бир зот илк танишганимизда дафъатан каминани бағрига босиб, «Миллатни сиз мендан ҳам кўпроқ яхши кўраркансиз!» деб қолди. Худони яна шоҳидликка қўйсам гуноҳ бўлмас, аммо қарангки, шу чоққача миллатни севиш-севмасликни ўйлаб кўрмаганманми (шоир эмасман-да), бу туйғуни тарози-га солмоқ ҳам хаёлимга келмаган экан. Ахир уни яхши кўрсам-кўрмасам – ўзимники, ўзимга муносабат эса ўзимнинг ихтиёримда. Шундай эмасми?





Замонавий ашқол-дашқоллар кўмагида уч-тўртта хиргойи билан чиқиб, ҳали гўр ёш-ялангнинг чапагини олган бугунги «юлдуз»ларни шахс деб, миллат шарафига лойиқ санъаткор деб бўладими? Аммо, таажжубки, Абдулла Қаҳҳор ёки Ҳабиб Абдуллаев кимлигини сўрасангиз бармоқ тишлаб қоладиган аксар ёшларимиз гап ановиларга келганда сайраб кетади – номма-ном санаб беради. Аҳвол шу.

«Шуҳрат – чолвордаги кўзга ташланиб турадиган зар ямоқдир» деган экан бир вақтлар Пушкин. Чолвордаги зар ямоғи бор одам шахс аталаверадими?



«Унвону мукофотлар ортидан югурманг, лойиқ кўрилсангиз – олингу унутинг, кўрмагандек бўлиб юраверинг» деган экан бир донишманд. Ибратли гап, тўғрими? Лекин негадир эсдан чиқиб кетаверди-я?



Эртага ҳам кун бор. Эртага ҳам, худо хоҳласа, тонг отажак, бобо қуёш юз кўрсатажак. Унга тик қарамоқ-ку мушкулдир, бир-бировимизнинг юзимизга, кўзимизга қараш азобидан қўрқайлик, бугуннинг завқи билан маст юрган эй ҳозирийлар!



Ҳозирги ёшлар шундай гапиреди, домла! Чунки улар биз ёзган китобларни ўқиган, биз ишлаган киноларни кўра-япти... у ёғи ўзингизга маълум. Ахир телефон гўшагини олиб, ўзбекона тавозе билан «лаббай» демоқнинг ўрнига «эшитаман» («слушаю») деймиз-ку тўраларча! Ҳолбуки, биров бизга «Эшитмайсан, қулоғинг оғир, карсан» деяётгани йўқ. «Малакасини оширди», «маҳоратини оширди» деган гап турганда хунукдан-хунук, бемаъни – «ўз устида ишлади» («над собой работал») деб қўллаймиз. «Ош бўлсин» эмас, «ёқимли иштаҳа» демоқ билан маданий кўринмоқ бўламиз.

...Афсуски, савол саволлигича турибди: қачон ўзбекча гапирамиз?



Қора-қура қизларга Мажнуннинг кўзи билан боқинг!



Ёшлик тақлидга мойил бўлади.

4

Чамаси Лев Толстой айтган: «Ҳукм қўлимда бўлса, маъносини яхши билмаган сўзини ишлатган ёзувчига минг дарра буюрардим».





Адабиёт, санъат – ҳаёт бўрон-ларида чорасиз қолган инсонга таскин қидирувчи, умид бахш этувчи, эзгуликка даъват қилувчи қудратли куч, доно маслаҳатгўй. Ундан воз кечиб бўладими, айтинг!

Халқимиздаги бир одат менга унча маъқул эмас. Бегонапарастлик. Ўзимизни ўзимиз гоҳо ёмон кўрамиз, қадримизга етмаймиз. Мана, масалан, россиялик хонанда Кристина Орбакайтенинг кечагина ўтган концертини олайлик. Концертдан бир ой олдинги рекламаларни кўриб ақлингиз шошади. Билетнинг нархи осмондан сал берироқ.

...Бу тарғиботдан, менимча, ўртада турган даллол манфаатдор, холос. Агар у ўзбек бўлса, юраги ўзбекона бўлса, бу ишни қилмас эди.

▼
Ҳикоя – жуда санжоб ва нозик жанр.

...Хўш, нимани ҳикоя қилиб ёзса бўлади? Ҳамма нарсани! Кўрган-билганингиз – ҳаммасини! «Мана шу кўз олдингизда турган сиёҳдондан ҳам ҳикоя ясаб беришим мумкин» деган экан буюк ҳикоянавис Чехов.

...Ҳикоя ёзмоқ учун энг аввало нима керак дейсизми?

Инсоний дид ва истеъдод керак!

Бунинг эса мактабини билмаймиз.

▼
Эскишаҳар жинкўчаларида адашиб-улоқиб юрган унча-мунча жайдари «қўшиқчи»ларни кўпчилик яхши биларди-ю, Асқад Мухтор номи асосан адабиёт мухлисларигагина маълум эди. Нега бундай? Адиб ўзини ҳар ёнга урмагани, ўта маданиятли, камтарину камсуқум бўлгани учунми? Ё бунинг бошқа сабаблари ҳам бормиди?

Ана шу сабабларни мулоҳаза қилиб кўриш бугун бизга тан. Токи бу сабаблар сабоқ бўлсин!



▼
Абдулла Қаҳҳорнинг «ёмонлиги» – унинг бешафқат қалами, ёзган асарларидаги айрим нусхаларга мурасасиз нафрати, ҳаётнинг, адабиётнинг софлиги йўлида ҳалол туриб айтган мардона сўзлари, холос!

▼
«Ғоявийлик дедик, партиявийлик дедик... бизлар ютқаздик. Ёзганларимиз бугун ғариб кўринади. Энди келди чинакам ёзиш даври. Сизлар ёзинглар энди...».

«Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Бухоронинг жинкўчалари» каби ажойиб адабий обидалару теран фалсафий шеърлар муаллифи бир гал бизга ўкинч билан ана шундай деган эди. Бундай мардона эътирофга нима дейсиз!



▼
Одамзод нега бундай экан-а: тириклигида бировни ҳадеганда эслайвермаймиз, боши ёстиққа текканда йўқлаб боргани гоҳо вақт тополмаймиз – ўлгандан кейин эса, мархум номдорроқ бўлса, таърифини осмону фалакка етказиб, кўтариб-кўпиртириб хотиралар ёзамиз, гўё шу йўсин қарзимизни узган бўламиз. Аммо бефойда.

▼
Хўш, ўртада – майдонда ким қолди? Айбдорнинг бир ўзими? Дарвоқе, айбдор уми ёки «Қани бу ёғи нима бўларкан, кўрайлик-чи?» дегандек бетараф турган бизми? Ана шундай лоқайд томошабинлик кайфияти хароб этмасми жамиятни?! Уни гунгу соқов оломонга айлантормасми?! «Машраб осилганда қаёқда эдинг? Чўлпон отилганда қаёқда эдинг?» дея боз таъналар отмасми келажак авлод?!

▼
Томошабинлик театрда ярашар!

▼
...чинакам адабий мунаққид ҳасаду бахиллик дардига мубтало, муайян асар муаллифининг белини синдирмоққа қасд қилган болтабардор эмас, адибнинг яқин маслаҳатгўйи, ҳомийси, адабиёт гулшанининг холис, ҳассос бир гулчини бўлмоғи даркор.

▼
Ватан – шунчаки бир жўғрофий тушунча-ю миллат – мавҳум омма эмас.

...Оилангизга қарамасангиз, ота-онанинг дуосини олмасангиз, ёр-дўстга ҳамдам бўлмасангизу, нуқул «ватан, ватан!» дея ҳайқириб юрсангиз... қанақа ватан учун курашаяпсиз ўзи?!

Хижолатдан қизара билган банда нақадар голиб!



Балзакдан мужда




Б

уюк француз адиби Оноре де Балзак эллик бир йил умр кўрди. Ёлғиз яшаб, умри поёнида уйланди ва уч ойдан сўнг вафот этди. Зурриёд қолмади. Лекин ундан 97 жилд адабий мерос қолди. Ўша даврнинг етук адиблари – Андре Моруа ва Стефан Цвейг «Оноре де Балзак» номли ҳужжатли роман ёзган. Балзак қабри устида Виктор Ҳюго шундай деган эди: «Давримизнинг энг буюк адибидан жудо бўлдик!».

Ёзувчи нафақат бадиий ижод, ижтимоий ҳаётда ҳам жуда фаол бўлган. Бир романи Санкт-Петербургда берухсат чоп этилгач, у қалам аҳли ҳуқуқлари борасида каттагина мактуб ёзади ва уни «Ревю де Пари» журналида эълон қилади. «XIX аср француз ёзувчиларига мактуб» эълон этилгач, Франция қироли Луи Филипп ва парламент муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида қонун қабул қилади. Кейинчалик бу қонун тамойиллари Европа ва дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам жорий этилади.

Балзакнинг ушбу мактубини сал қисқартириб эътиборингизга ҳавола этишдан мақсадимиз кишилик жамияти, зиёлилар турмуш тарзида муҳим бурилиш ясаган бу ҳуқуқнинг асосларидан сиз азиз журналхонларни воқиф қилишдир.

Тахририят



Оноре де БАЛЗАК XIX АСР ФРАНЦУЗ ЁЗУВЧИЛАРИГА МАКТУБ

Pro aris et focis!

Жаноблар!

...Ҳеч бир даврда ижодкор бунчалик азият чекмаган, ҳеч замон санъаткор бунчалик қадрсизланмаган эди: ҳолбуки, ўтган бирон асрда омма бунчалик маърифатли, фикр бу қадар катта қудратга эришмаган. Инқилоб гўё адабиёт ва санъат мусофирчиликка юз тутишини олдиндан билгандек сизнинг асарларингизни жамоат мулки деб эълон қилди. Албатта, бу иш замирида улуг ғоя жо бўлган. Аммо жамият даҳога қарата «Сен бизни бойитасан, ўзинг эса қашшоққа айланасан» дегандай бўлаётир.

Ўтган замонларда вазият бошқачароқ эди: қадимда қироллар ва ё халқлар улуг одамларга таҳсин ўқиб, кечикиб бўлсада, ҳурмат-эҳтиром кўрсатган. Инқилоб эса буларни рад этди. Даҳо учун зафар шоҳсупаси жаллоднинг кундаси бўлиб қолди!

Хабарингиз бор, инқилоб Франциянинг энг улуг шоирларидан бири – Андре Шенйе, қолаверса, Лавуазйе ҳамда Малзербуга ҳукм чиқазди. Ўша пайтда анчайин эркин бўлган матбуот миқ этмади. Бу бизга даҳшатли сабоқ эди. Шундай сабоқки, у халққа нафақат қонундан ҳам маънавият зарурроқ эканлигини исботлаб қўйди. Маънавият – Руссонинг улуг шиори ҳам шу эди.

Алқисса, жаноблар, сиз – шоирлар, муסיқачилар, драматурглар, носирлар, барча-барчангиз – мамлакатнинг шон-шуҳрати йўлида тер тўкаяпман деган



фигрда яшовчилар; аср руҳини яратаётганлар; шон-шараф нурларига тўйинган ҳаводан симирмоқ учун мискинлик гирдобидан юксакка парвоз қилганлар; парвоздан қўрқиб, шубҳа-гумонлар ботқоғига ботиб ўлиб кетадиганлар; хомхаёлларга маҳкум бечоралар ва ирода кучи ила зафар қучаётганлар – биронтангиз энди ўзингизга меросхўр бўла олмайсиз.

Қонун тужжорнинг молига, жисмоний меҳнат, гоҳида эса қабиҳлик эвазига топилган бойликка ҳам эҳтиром кўрсатади. Қонун деҳқоннинг ер-мулкни, йўқсилнинг уйини-да ҳимоя қилади, аммо фикрлаш қобилиятига эга шоирнинг меҳнатини мусодара қилади...

¹ Қурбонлар ва кулбалар қут-баракаси ҳимоясига (лотинча).



**Даҳо учун зафар
шоҳсупаси жаллоднинг
кундаси бўлиб қолди!**


Аслида... биз мамлакатга маънавий хазиналар ҳады этамиз: турган гап, биз бўлмасак миллат бундай бойликка эга бўлмасди. Бу хазиналар тупроқдан бино бўлмаган, жамият битимларига ҳам боғлиқ эмас, бироқ мана шу машаққатли меҳнат мукофотида мамлакат унинг мевасини мусодара қилмоқда. Корнел ҳамма омборни бойликка тўлдирди – у ёғин-сочиндан қўрқмайдиган ҳосил кўтарди ва асрлар давомида актёрлар, ноширлар, қоғозфурушлар, муқовачилар.. шарҳловчиларни таъминлаб келмоқда. Энди эса бу мамлакат Корнел авлодларини унинг ҳайкали пойида тиланчилик қилмоққа маҳкум этди. Изтиробдан ўксиганларга нисбатан кўнгли раҳм-шафқатга тўлган шахарлар, ўз даҳоларингизни беадад таҳқирланг! Уларни ҳар куни таҳқирланг, ана шунда изтироб чекаётганларни қутқариш ҳақида камроқ ўйлайдиган бўласиз!



Меросдан маҳрум қилишнинг ҳали ҳеч ким таъкидламаган бир жирканч тарафи бор: гапга уста ёзувчилар фикримизни илиб кетсалар керак – биз унга ишора берамиз, холос. ...Баъзи иқтидор эгалари йиллардан ўзиб яшаса, улуғ даҳолар асрлардан ўзиб кетади. Кеча Виконинг қуёши чарақлаган эди, эртага Балланш томонда офтоб чиқади. Волтер ҳамда Шатобриан каби аждодлар таъбири билан айтганда умри мобайнида боши узра шуҳрат нурлари порлаган кимсалар унчалик кўп эмас. Людовик XIV даврида киборларнинг тор ва сараланган доираси ўзининг улуғ одамларига нисбатан ҳаддан зиёд шафқатсиз, адолатсиз муносабатда бўлди. Расин ўн олти йил қўлига қалам олмади. Ҳозир биз содда, кўнглига яқин эртақларига маҳлиё бўлиб юрган Перронинг доврўига ўша буюк асрда ҳеч ким эътибор қаратмаган. Лафонтен «Қуёшнинг тўйи» масалида Людовик XIV устидан кулиб, теран пичинг билан дадил мазах қилганини ҳеч ким тушунмаган. Ўша замонда жасоратли, соддадил одам «Бизнинг ғанимимиз – бизнинг ҳукмдоримиз» деб ҳайқириши, бунинг учун Бастилия зиндонига қамалмай қолиши мумкин эди!

...Шу десангиз, жаноблар, қашшоқликда ҳаёт шами сўниб бораётган мутафаккир, шоир, драматургнинг муваффақият шуъласи йилт этган рисоалари, шеърлари, китоблари, комедиялари, драмаларини қонун ўғирлаб олмоқда. Қонун уларни бир қўли билан ўғирлаб, иккинчи қўли билан бошқаларга беради... Кимга? Айтсам ҳатто ёввойилар ҳам кулиб юборган бўларди! Айтайми-айтмайми? Ҳа, барибир сир бўлиб қолмайди-ку. Мана, эшитинг – қонун уларни *ноширлар* қўлига топширади. «Агар жоним



Қонун тужжорнинг молига, жисмоний меҳнат, гоҳида эса қабихлик эвазига топилган бойликка ҳам эҳтиром кўрсатади.





Ўша замонда жасоратли, соддадил одам «Бизнинг ғанимимиз – бизнинг ҳукмдоримиз» деб ҳайқириши, бунинг учун Бастилия зиндонига қамалмай қолиши мумкин эди!

узилса, менинг шуҳратим лоақал болаларимга, оиламга, қариндош-уруғларимга бахт келтиради!» деган фикрдан иқтидорли одам ҳатто ўлим тўшагида ҳам таскин топмайди ҳозир.

Зодагон оилада бойлик тўнғич фарзандга мангу бириктириб қўйилган, банкирлар эса кенжа фарзандларга бўлакча мерос қолдиради – меҳнат билан топилган мулк олдиндан тақсимлаб қўйилади; фақат тунги бедорлик ва ижодий фикргина мерос ҳуқуқидан маҳрум. Бурунги замонда бу ўлмас мерос борасида ҳеч қандай қонун йўқ эди. Лекин қироллар сўз шаҳзодаларига саройдаги энг ҳашаматли кўшклардан жой ажратиб, хазиналаридан тортиқ берган. Эгниларидаги зарбоф тўнларини устига ёпиб, ўз тожини улар бошига кийдирган. Ҳозир-чи? Рудолф Ҳабсбург Пелликога зимистон турмани раво кўрди; прусс қироли ва Россия императори анъаналардан бўйин товлади; Франция ғоя ўғрилари ҳамда фикрга давлат солиғини солаётган одамларга пул тўламоқда...

Монархия фикр билан муроса қилиб дунёни бошқаришни эплай олмади! У ақл дунёсини, ахлоқ дунёсини, диний дунёни, сиёсат дунёсини пухта ўйлаб бўғиш йўли билан қайта тиклашни эплай олмасдан ҳалок бўлди. Кечаги кун жаноблари, ким сизларни қирол қилиб сайлади? Ахир тушунсангиз-чи, ақл-зако граф Турга нисбатан донгдорроқ! Фикр худодан, алалоқибат ўзига қайтиб боради. Фикр қироллардан юқори туради; фикр уларга тож кийдиради ёки тождан маҳрум этади.

Барча соҳаларда улуғ янгиликлар жорий этган Наполеон ўн йиллик мукофотларга асос солган эди. Қани ўша мукофотлар? Инқилоб туфайли биз хароб бўлдик. Асл қироллар, тириклигимизда бизнинг ғанимимизни ейиш учун етарлича узоқ вақт ҳукмдорлик қиладиган қироллар аллақачон бу дунёни тарк этди. Рафаэлга Юлий II етишмаяпти. Бизнинг палаталаримиз бор. Ў, жаноблар! Бу палаталар бошлари узра Энгр плафонларини² эмас, булутни афзал билишади, улар сизларга қараб «Рака»³ деб ҳайқиришмаганми? Ягона адабий муассаса бўлмиш академия бизни ҳимоя қилишга қодир эмас; у нукул муҳокама қилишни ва гапга чечанликни билади, холос.

Бу бизни шундай хулосага олиб келадики, на палаталарга, на академияга суяна оламиз. Қонун нафақат даҳрий, балки бешафқатдир. Замонамиз хасталиги – сиё-

² Плафон – бу ерда: нақшдор ёки ганчкор шифт.

³ Рака – насронийлар черковида: авлиёлар жасади сақланадиган мақбара.

сатдаги тошбағирлик. Нима кўп, ғазнага дохил қонунлар кўп; нима кўп, жазоловчи қонунлар кўп; аммо ҳеч қанақанги низом йўқ; устига устак, низом билан қонун ўртасидаги фарқни илғай оладиган ақлнинг ўзи йўқ. Бунақа ақлдан умидвор бўлманг! Ҳокимият аллалаб етиштирган ва пала-тадаги қобилиятсиз одамлар хорида биронта ҳам овоз айрича янграмайди!

Энди сармоя тўғрисида, пул тўғрисида гаплашайлик! Ўзининг унвони билан гердаювчи асримизнинг, ўзини ғоялар асри деб атовчи даврнинг тафаккурига моддий тус бериб, уни тарози палласига қўйиб кўрайлик! Ёзувчи машаққатли меҳнатсиз ҳеч нарсага эриша олмайди аслида. Бу – вақт ё пулда ифодаланадиган сармоя. Билим *формулага* айланмасдан аввал *буюм* бўлган, драма ижтимоий *кечинмага* дўнмасидан илгари *қимматбаҳо тажриба* эди.

Ижодкорнинг яратиги – буюк бойлик. У тиним билмай қалам қитирлатади. Одамларга завқ-шавқ улашадиган сармояни ишга солади.

Оқибатда заводларни юргизиб юборади. Лекин жамият буни тан олмайди. Маънавий бойликлар борасида гап кетса машина, нон, ипак, пахтани диққат билан кузатувчи мамлакатимизнинг қулоғи эшитмай, кўзи кўрмай, қўллари ишламай қолади.

Жаноблар, бизни меросдан маҳрум қилиш инсофсизлик! Лекин сиз хўрлашнинг ўзигина фикрга етказиладиган энг оғир жароҳат экан деб ўйламанг. Яна бир бошқа, даҳшатлироқ жароҳат борки, ундан Оврўпа ҳам, Франция ҳам сира уялмайди. Бу ёғини сўрасангиз, Франция ақл-заковат бобида Оврўпадан баландроқ туради ва уни жоҳиллардан нафақат қурол-яроғи, балки асарлари билан ҳам ҳимоя қила олади. Бундан бу ёғига Франция бир қўли билан жанг қилса, иккинчи қўли билан қалам тебратади.

“

Фикр қироллардан юқори туради; фикр уларга тож кийдиради ёки тождан маҳрум этади.

Қулоқ солинг! Тужжор той-той пахтани Ҳаврдан Санкт-Петербургга жўнатади. Мабодо, бирон фақир кемага чиқиб, пахтага қўл теккизса, уни осишга ҳукм этадилар. Барча мамлакатларга бу-





Нима кўп, ғазнага дохил қонунлар кўп; нима кўп, жазоловчи қонунлар кўп; аммо ҳеч қанақанги низом йўқ; устига устак, низом билан қонун ўртасидаги фарқни илғай оладиган ақлнинг ўзи йўқ.

юмлар, шакар, ёзув қоғози, мусаллас бемалол етиб бориши учун бутун Оврўпада умумқонунлар ишлаб чиқилган. Кемалар, тўплар, флот, матрослар, жамики кучлар той-той товарнинг хизматига камарбаста. Агар қароқчи савдо кемасини талайдиган бўлса, ҳар ёққа жар солинади, ҳамма қароқчини қувишга тушиб, тез орада уни ҳибсга олиб, дорга осадилар...

Лекин китоб пайдо бўлса борми, урди худо! Китобга худди қароқчига қилгандай муомалада бўлишади. Унинг ортидан қувишга тушадилар; жониқиб излашади; йўргакдалигидаёқ, корректура ўқиладигандаёқ қўлга киритишади; нишона нусхаси эълон қилинмай туриб қайлардадир ўғринча нашрдан чиқади.

Қароқчи қатлдан қочиш учун доҳиёна тадбирлар қўллайди; ёзувчининг китобдаги доҳийлиги эса уни жаллодлар қўлига тутиб беради! Германия, Италия, Англия, Франция хасислик билан китобга чанг солади. Зотан, ҳар ёқда ўғирлик содир бўлаётган экан, нега Франция бошқа мамлакатларга тақлид қилмаслиги керак? Илло, Францияда муаллифларга нисбатан кодекс қандай бузилса, тафаккурнинг омонатгина мевасига нисбатан Оврўпада ҳам умумқонунлар шундай бузилмоқда.

Агар бизнинг овозимиз қудратлироқ кучга эга бўлганда, овозимизни келажакнинг фикрловчи одамлари эшита олганида эди, шикоятларимизга жавобан умумий ҳайқиреқ янграган бўларди. Ҳозир эса тўрт томондан бизга қараб шундай деб қичқиришади: «Наҳотки мамлакатингиз сизга ҳомийлик қилмаса?». Йўқ! Мамлакат ўзининг дегрезлари ташвишини қилади, узумфурушлари ҳақида ўйлайди. Она касал боласи устида юм-юм йиғлаганидек, давлат ҳам ип-газламалар устида кўз ёш тўкади; божхоналар, status quo⁴ тўғрисида қайғурадиган ташкилотлар бор. Шу тариқа давлат жамики моддий нарсаларга ақл-идрок билан муносабатда бўлади, бироқ... ақл-идрок маҳсулини писанд қилмайди: бу мамлакат Франциядир.

Ҳа, жаноблар, икки қулоғингизга ҳам қуйиб олинг. Франция учдан бир қисми чет элда босилган китобга тўла. Чет элликлар орасида энг ярамас, энг диёнатсиз ўғри – дўстларимиз дейилмиш қўшнилари. Уларга яқиндагина қонимизни, бойликларимизни, иқтидорли ва жасур одамларимизни бердик. Эвазига улар миннатдорлик ўрнига ўғирлик қилиб бойимоқдалар. Биздан олисда амалга ошган ўғирлик туфайли бу ерда худкушликлар юз бермоқда.

Бахтиқаро француз ношири китобларингиздан бирини адабиётимизни ўлимсанги ҳолатга туширган кутубхоналарга

⁴ Жорий вазият (лотинча).

аранг сотади. Белгия эса Оврўпа киборларига бизнинг китобимизни сувтекин пуллайди. Бирон-бир олифта саёҳатдан қайтаётиб, Белгияда олти франкка сотиб олган Хюгонинг тўла асарлар тўпламини кўрсатиб мақтанади. Мамлакатимизда божхоналар ишлаб турибди. Бироқ улардан нима наф? Ўзи божхона дегани арзимаган нарса экан! Босма нашрларни мамлакат ичкарасига олиб киришни тақиқлаб қўйишдан ҳам осони бор эканми?

Мана, ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг, исталган чегарага боринг-да, ўз асарларингизни сўранг; худди сиз аллақачон бандаликни бажо келтиргандек асарларингиз умум мулкига айланганига гувоҳ бўласиз. Ҳали бу ҳолваси. Яқинда бир йирик ёзувчи китобини нашрдан чиқартирди – жаноб Ламеннинг «Тақводорнинг сўзи» деган китоби чоп этилди. Бу китобдан ўн минг нусха сотилибди эмиш. Бу ёғини суриштириб борсангиз, ношир беш юз нусха ҳам жўнатмаган Тулузада асар қайта босилибди. Бундан хабар топган ношир оёғини қўлга олиб ўша ёққа чопади. Лекин шаҳарга келиб, кўнгилдагидек натижага эришолмайди. Чунки ўғирликни қилган айбдор сохта одам бўлиб чиқади, шу боисданми, далил-исботлар йўқ қилинган.


Ў, мабодо, гап битта-ярим памфлет устида кетгандами, жамият қирол прокурори қиёфасида зўр ғайрат ила жиноятнинг изига тушган бўларди, қайта босилган китобнинг ҳарфлари билан жаноб де Ламеннинг китобидаги ҳарфларни бирма-бир таққослаб чиқарди, ҳарф қуввчи корхона эгасини топиб, «Манави ҳарфларни кимга сотгансиз?» деб гирибонидан оларди. Шу тарзда, дастгоҳма-дастгоҳ сўраб-суриштириб, «а» ҳарфи ёки курсив «п» ҳарфи қийшиқ қуйилгани сабабли турмада чиришга мажбур бўладиган айбдор топиларди...

Узун гапнинг қисқаси, «Тақводорнинг сўзи» китобининг ўн минг нусхаси йигирма минг франк бўлади. Лекин жиноятнинг изига туриш учун шикоят аризаси керак. Хўш, қай биримиз шикоят қиляпмиз? Финг деб оғиз очдикми?..

Жаноблар, бу ўринда ҳукумат ҳатто ўз манфаатларини тушуниб етмаяпти. Ҳукумат бизнинг адабий журналлардан солиқ олади. «Ревю де Монд» каби бизнинг аламли фиғонимизни қабул этган журнал сизнинг бирон сатрингизни эълон қилишдан аввал ҳар ой давлат ғазнасига саккиз юз франкка яқин солиқ тўлаши шарт. Саккиз юз франк-а! Саҳифаларингизга белгиланган қалам ҳақининг учдан бир қисми-я! Фазна солиқ тўлашни талаб қилади, бироқ ҳукумат ўзига солиқ тўлайдиган журнални ҳимоя



Маънавий бойликлар борасида гап кетса машина, нон, ипак, пахтани диққат билан кузатувчи мамлакатимизнинг қулоғи эшитмай, кўзи кўрмай, қўллари ишламай қолади.



“

**Баъзи олибсотарлар
отда юрганда,
буюклардан ҳам
буюкроқ бўлган
шоирлар пиёда юрибди.**

қилмайди. Мевасини олиш учун дарахтни кесадиган ёввойи одам ёки отига ем бермаган Арлекин сингари ҳукуматнинг ҳам бу қилган иши аҳмоқлик эмасми?


Бинобарин, оилаларимизни қонунсиз равишда меросдан маҳрум қилиш билан жазолаш – шудир бизни кутиб турган келажак; адабий қароқчилик масалаларини умумий ҳуқуқий меъёрлардан чиқариб ташлаш – бугунимиз; мамлакат ичида ҳеч қанақасига қўллаб-қувватланмаслик – ҳукуматнинг фаолияти мана шу; одамларнинг бахту иқболи учун деёлмайману, лекин уларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун сайланган ҳукуматнинг иши шу!


Жаноблар, баъзи юзакироқ ақл соҳиблари айтишлари мумкинки, бирон-бир даврда адабиёт ёки тафаккур сиёсат соҳасида ҳам, пул муомаласида ҳам катта бойлик яратган эмас. Бунга Этьен, Скриб, Шатобриан, Тйер, Гизо, Ламартин ва бошқаларни мисол келтириши мумкин. Лекин жаноблар, ўзимизга қарши хулоса чиқармаслик керак – ақлий меҳнатга интиладиган ожиз ва касалманд одамлар одатда иззатталаблик қилиб, камдан-кам ҳолатда ўз меросига эга чиқади. ...Адабиётни Аъроф деб қабул қилган одам юксак мансаблар жаннатига ўтиб кетаверади. Бундай одамлар дурдона асарлар яратиш билан бирга бошқа ишларни ҳам дўндирадидлар. Лекин биронта буюк шоир ўзининг ижоди, нотиклик санъати ва асарлари ортидан келган маблағ туфайли машҳурликка эришган бўлса, ҳамма шоирни ҳам шунақа деб бўлмайди.

Биз асримизга шуни эслатиб қўйишимиз керакки, баъзи олибсотарлар отда юрганда, буюклардан ҳам буюкроқ бўлган шоирлар пиёда юрибди.

Китобларни бесўроқ қайта босиш Виктор Ҳюгони қандай хонавайрон этаётган бўлса, Алфред де Мюссени ҳам шундай хароб қилмоқда. Гапнинг индаллосини айтганда, де Винйига ҳам, Жюль Жаненга ҳам, Нодйега ҳам, Жорж Сандга ҳам, Меримега ҳам, Курйега ҳам, Бартеlemiга ҳам, Беранжега ҳам, умуман, ҳаммамизга катта зиён-заҳмат етказмоқда. Бир ўйлаб кўринг, келажакнинг эгаси бўлмиш янги авлод етишиб келаяпти, шундоқ экан, улар учун бизнинг чекимизга тушган қисматдан кўра гўзалроқ истиқболни тайёрлаб қўйсақ, беҳад олийжаноб ва ҳимматли иш қилган бўлмаймизми?!.

Хўш, бизни эзиб, қийнаб келаятган аламли икки дардимизни дoston қилиб бўлдик, ана энди учинчисига ҳам навбат келди. Гарчи учинчисини яширмоққа уринсақ-да, иситмаси ошкор қилиб қўяди. Ахир бу дард юрак-юрагимизни кемириб келмоқда. Бу қонун томонидан, ҳукумат томонидан ёки замона зайли билан етказилган жароҳат





эмас, бу бизни еб битираётган, адабиёт-нинг жисми жонини ўлдираётган саратон хасталигидир.

Айтайлик, бирон-бир ёзувчи ўн беш йил ишлайди: ўн йил қийналади, озиб-тўзади, тишини тишига қўйиб муҳтожликка чидайди; анча-мунча меҳнат ва маблағ сарфлайди, дамодам кўз ёши тўкади; дунёни, одамларни танийди, теварак-жавонибни ўрганади, кўплаб мусибатларни бошидан ўтказди; ҳар бир жумла устида тер тўкади, худди Бюффон каби корректурага пул тўлайди. Мана, ниҳоят, у персонажлар яратади, интригалар ўйлаб топади, драма қоралайди – китобини чиқазади, бироқ кўз очиб юмгунча китобини бошқалар ўмариб, театр пиесасига айлантиради. Қўлингиздан косов олишга ярамайдиган одам сира виждони қийналмай энг қимматли мулкингизга чанг солган бўлади: у ҳатто бу қилиғидан хотинингизни тортиб олганидан ҳам камроқ хижолат тортади. Жазман аёлнинг розилиги билан бу ишга қўл уради, драма бобидаги разил эса сизнинг ғоянгизни ўғирлайди. Шунинг учун ҳам бу хиёнатни кечириб бўлмайди.

Бу ўтакетган пасткашлик, унинг келтирадиган зарари тагин шуниси билан ортиб кетадики, ҳали ҳеч ким китобга айлантирилган пиесани кўрмаган. ...Биз китобни мутолаа учун чоп этамиз, уни



Кўрмайсизми, ҳар сафар гап той-той маҳсулот устида кетса, қонун дарров жуда аниқ ишлай бошлайди! Аммо гап ёзилган саҳифалар, ғояга тақалса, адлия суд жараёни нима эканини тушунмай қолади.

драма ёки комедия шаклига келтиришни хоҳламаймиз. Бу ўйлаб кўрилиши зарур бўлган масала. Муаллифнинг розилигисиз ғояни, китобни, сюжетни ўғирлаб олиш ўн саккизинчи асрда ҳаммининг ғазабини кўзгаган бўлар эди, чунки ўшанда адабий одоб-ахлоқ нозик нуқтада турарди. Драма муаллифи жуда яхши биладикки, китобга ўта оғир меҳнат сарфланади, сабр-тоқат билан услубга ишлов бе-


рилади (услуб эса бутун бошли одамнинг ўзи, унинг инъикоси, моҳиятидир). Бироқ китоб бир ярим франк ҳам фойда келтирмайди, ваҳоланки, мана шу китобдан ясалган пиеса уч баробар кўпроқ даромад беради. Пиеса муваффақиятсизликка учраганда шундай! Агар у омадли чиқса, бутун бошли қишлоқдан тушадиган солиқдан кам даромад келтирмайди. Бир сўз билан айтганда, бу ҳолатни Лафонтен

«Бертран билан Ратон» масалида кифтини келтириб тасвирлаган. Мен тезроқ масаланинг молиявий тарафини ҳал қилмоққа ошиқаяпман.

Гапимиз қанчалик содда туюлмасин, айтамизки, фикримизни қийма-қийма қилишлари, бурдалашлари, яланғочлашлари, қатл қилишлари, саҳна чироқлари алангасида қовуришлари ва «Роше де Канкал» ресторанида олифталарга тортиладиган тансиқ таом сифатида театр шинавандаларига намоийиш этишлари учун эълон қилмаймиз. Мисол учун давлат Магдалиналик Мария черковини қуради. Иморат солишдан аввал тарҳини халойиққа намоийиш этади. Францияда давлат ҳар доим халқдан қўрққан, ҳукумат битта-яримта масхарабоз деворга ёки ёдгорликка кўмир билан ажи-бужи расм чизиб қўймаслиги учун ёки, айтайлик, Кредвил деганлари ўзининг сирли имзосини ўйиб-чизиб қолдирмаслиги учун панжаралар ўрнатади. Шунчалик экан, нима учун ажойибу фаройиб китобларни ҳимоя қилиш борасида «*Театр учун пьеса шаклида қайта ишлаш ман этилади*» деган адабий-муниципиал қонун ишлаб чиқиш мумкин эмас?

...Агар китоб бир бўчка мусаллас бўлса эди, уни асраб-авайлашарди. Мабо-до қўшнингиз мусалласингизни сузиб-тиндириб, унга яна сув қўшиб сотиб юборса, демак, у оғир жазога лойиқ жиноят қилган саналарди. Нимасини айтай, жаноблар, тижорат судлари одо-колонни норанж мойи қўшмай сотганларга катта жарима солади, негаки бу Фарина⁵ ишлаб чиқарган маҳсулотни қалбакилаштириш. Кўрмайсизми, ҳар сафар гап той-той маҳсулот устида кетса, қонун дарров жуда аниқ ишлай бош-

⁵ Йоҳанн Мария Фарина (1685–1766) – келиб чиқиши италиялик бўлган аттор, одоколон ихтирочиси.



...Агар китоб бир бўчка мусаллас бўлса эди, уни асраб-авайлашарди.

лайди! Аммо гап ёзилган саҳифалар, ғояга тақалса, адлия суд жараёни нима эканини тунунмай қолади; унинг қонунлари нуқул бизга

қарши тиш қайрайди!

Бозордаги от жаллоби каби ёзувчи асарига ёпишадиган уч ёки тўртта устаси фаранг ишлаб топган пул энг оғриқли жароҳат эмас, зотан, бунақалар Роланднинг отига ҳамла қилавериб ўрганиб қолишган. Агар бизнинг фикримиз қандайдир аҳамиятга эга бўлганида, уларга қарата сиз каби «*Шон-шухрат каминага! Ақча уларга!*» деган бўлардик албатта. Лекин, жаноблар, театр пиесаси ўзининг ортидан кўплаб балоларни эргаштириб юради. Асаримизни чекка бир овлоқ қишлоқда мароқ билан ҳузурланиб мутолаа қилишаётган бир замонда уни театрда хуштак чалиб обрўсизлантириш ҳеч гап эмас. Шартр кўчасида сизни кўрарга кўзлари йўқ, Блуа кўчасида эса сиз қойилмақомсиз.



Шу ўринда биз мусибатларимиз орасида энг каттасига йўлиқамиз, бу моддий зарар ё маънавий қалбакилаштиришдан-да ёмонроқ жароҳатдир. Жаноблар, комедияларни томоша қилаётганларнинг сони китобхонларнинг сонидан зиёдроқ.

Илло, инжа бадий асарларга баҳо бериш учун кенг маълумот, оби-тобига келган ақл, тинчлик-хотиржамлик ҳамда мияни зўриқтириш керак. Драматик асарни кўриш учун эса овқат ҳазм қилаётиб мудраб ўтиришнинг ўзи кифоя. Парижда ўн иккита театр бор. Агар даромад келтирмаса, биронтаси ҳам фаолият юритмас эди. Ҳар бир театр залидан кунига ўртача ўн икки минг франк тушум бор; хуллас, Париж драматик адабиётга қарийб ўн миллионлик тушум бериб туради. Бунга чекка ҳудудлардан келадиган даромадларни ҳам қўшиш лозим. Хўш, жаноблар, «Мубталолик», «Париждаги Биби Марям ибодатхонаси», Алфред де Мюссенинг нафис шеърлари, «Қора докторнинг маслаҳатлари», «Индиана», «Ўлик эшак», «Богемия қироли ва унинг етти қасри тарихи» каби йиллар давомида ёзиладиган катта адабиётнинг бюджети қанча бўлади деб ўйлайсиз? Фредерик

Сулейга, Эжен Сюга, Анри Монйенинг кичик асарларига, ака-ука Тйерриларга, жаноб Барантга, жаноб Вилменга, собир Монтейлга қанча улуш ажратадилар? Уятнинг ўзи шармандалиқдан қизариб-бўзариб, юракларимизнинг тубига чўкиб кетсин-ей! Биз бу қалтис савдога киришишга журъати етган Париждаги ўнта нашриёт *бутун Франция бўйлаб* бир миллион франк ҳам даромад олмайди деб таъкидлаймиз. Биласизми, нима учун мамлакатимизни муртад деймиз? Бу гапни бизни моддий манфаатдорликда айбашларидан қўрқмасдан айтамиз. Масала ҳаддан ташқари катта ва жуда ҳам кичкина; ўта ғаройиб ва ватанпарварликка зид; аломат ва инсон қалбига яқин; у бизга хос – у давримизнинг инъикоси, замонамизнинг ипидан игнасиғача эгаллаган пасткашликни фош қилади.

“

Довюррак одамгина санъаткор бўла олади.

Жаноблар, Франциядай гўзал мамлакатнинг нафосатли ва зебо аёллари Эжен Сю, Нодье, Гозлан, Жанен, Виктор Ҳюго, Жорж Санд, Меримени ўқиб чиқиш учун сабр-тоқат билан кутиб турадилар. Яъни, аввал бу китобларни биронта шилайпадўз хотин кечаси дугоналари даврасида ё тўшақда ёнбошлаб





**Жаноблар,
комедияларни томоша
қилаётганларнинг
сони китобхонларнинг
сонидан зиёдроқ.**

олиб ўқиб чиқиши ёки колбасапазнинг рафиқаси китобни мойли қўллари билан варақлаб якунига етиши ёхуд талаба йигит чўбуғининг бадбўй ҳидини синдириб, саҳифаларини беҳаё расмлар ва бемаза ҳазиллари билан тўлдириб чиққунча кутишади. Ҳар бир сатрига умрини қурбон қилган муаллифнинг китоби Францияда қариндош-уруғлар ва танишбилишлар ўртасида қўлма-қўл юради. Ҳа, биз бор-йўғи икки су⁶ миқдоридagi кутубхона ҳақини тўламайдиганларни назарда тутаяпмиз. «Менга “Биби Марям ибодатхонаси”ни бериб турунг, менга “Жак”ни жўнати!» дейишади бой-бадавлат одамлар. Ҳолбуки, кареталари⁷ шароб учун икки су сўраб тиланган мискинларни босиб-янчиб ўтиб кетаверади. Ҳа, шундай, ўша мискинлар учун шароб адабиётдан афзалроқ. Ҳар бир киши Одри, Арнал, Буффени тинглаш учун қирқ франк тўлашга тайёр, операга тушиш учун уч луидорни оғринмай чўнтагидан чиқзади. Лекин бизда саҳҳофга ўн икки франк жўнатиб, ҳали китобхон қўли тегмаган, саҳифалари очилмаган энг қизиқ янги асарни мутолаа қилиш, мутолаа завқидан бир неча кун ёки бир неча соат давомида ўй-хаёлларга берилиш, мамлакат тарихи ёки инсон умри ҳақидаги хотиралар билан танишиш одат тусига кирмаган.

⁶ Су – Францияда: пул бирлиги.

⁷ Карета – тўрт филдиракли, соябонли арава.

Франциянинг ўн минг бадавлат хонадонидида, йигирма минг ўзига тўқ аҳолисидида дардманд биродарларимиз нашр эттирадиган йигирмата ажойиб китобни сотиб олишга юз франк топилмайдими?! Йўқ, улар яхшиси пулларини журналистикага сарфлайди! Ассалом, гўзал Франция! Ассалом, олийҳиммат Франция! Ассалом, заковатли Франция! Улуғ одамларни қадрлаган ватан! Мана шу ажойиб эпиграмма учун ҳам ташаккур!

Зодагонлар, сизлар ўликсиз! Тенглик ғалаба қозонди: герцогиня «Самандар»ни тикувчи хотин ўқиб тугатишини кутиб туради; ҳа-да, кутиб туради, нима, истеъдодга сариқ чақани раво кўрсинми?! Аслида ўша сариқ чақа иқтидор эгаси беминнат олиши мумкин бўлган ҳақ! Лекин бундай бўлмаслиги учун герцогиня тиланчилик қилишга ҳам рози. Шундай шаҳарлар борки, у ерларда «Ревю де Пари»нинг январ сони декабрда ўқилади. Посон хонимлар «Тийрамоҳ»нинг энг гўзал жойига келганда тушкира бошлайди, нега деганда битта-яримта буржуй китобни варақлаётиб тамаки кулини саҳифалар орасига қоқиб қўйган бўлади. Қай биримиз миллионер одамнинг «Мен фалон китобни тополмаяпман, қачон қарама кимдир илиб кетган бўлади!» деб нолиганини эшитганмиз?

Масхарабоз актёрлар ижро этадиган тўмтоқ асарларни ёзадиган уддабурон қобилиятсизларга ўн миллион, асл истеъдод соҳиблари меҳнатига эса беш юз




франк – асримиз масаланинг шу тариқа ечилишини тўғри деб ўйлайди. Хўш, шу масала билан танишиб чиққач, нимага қўл урасиз? Албатта театрга-да! «Вилхелм Телл»даги «Қуроллан!» деган шиор мисоли, адабиётда Ad circenses!⁸ деган хитоб янграйди. Ҳа, сиз нимани хоҳлагандингиз? Бир томондан, қачон қарама, аҳмоқлар ширасини сўрадиган доимий мўл-қўл солиқ, иккинчи томондан, гўзал асарларга қўпол ва дағал лоқайдлик. Китобни ёзиш учун бутун умрингизни сарфлайсиз, театр пиесаси учун эса бир неча ой кифоя. Қай бирини танлаш борасида иккиланмоқ учун ким бўлиш керак? «Тентак бўлиш керак», – дейди Шоссе Дантен. «Иқтидор керак», – дейди танланганлар. «Улуғ одамларни қадрлаган ватан!». Мана, ўзингиз қаранг, мингдан зиёд муаллиф театр учун асар ёзади, лекин уларнинг биронтаси ҳам ёдда қоладиган образни саҳнага олиб чиқмаган. Чунки ким бизнинг асримизда ўз ғоясига «Сен абадулабад Ҳарпагон, Кларисса, Фигаро бўласан» деб айта олиш ҳуқуқига эга? Қай бирингиз илоҳий қудратга эгасиз? Кимдир «Сен Жокрис бўласан!» деганидан сўнг ҳали ҳеч ким энгил театр жанрида яшаб қоладиган бирон нима яратгани йўқ. Шу боис ҳам театр пиесалари олти ҳафтадан ортиқ яшамайди.

Ана энди бир йилда неча кун бўлса, шунча пиесага эҳтиёж туғилди. Омманинг бу эҳтиёжини қондириш учун (биноқ бу эҳтиёж сира қонмаган) муаллифлар ҳамма нарсага қўл уриб кўришди – кема юкхонасида қоқнон топилмай экипажнинг ғамлаб қўйилган озиқ-овқатини камираётган каламушлардек улар тирик ёзувчиларнинг китобларигача етиб борди. Театр эса китобга Молйернинг «Қаерда яхшисини учратиб қолсам, ўзлаштириб олавераман!» деган гапига амал қилиб яшамоқда. Қонуннинг ҳалокатга элтувчи моддаси учун Молйердан миннатдормизу, аммо бу модда бизга янги Молйерни тухфа этмади.

Мусибатларимиз ҳақидаги ҳикояга қуйидагича хулосани қўшиб қўямиз: китобга нисбатан лоқайдлик одатга айланиб улгурди. Баъзи ноширлар китобларимизнинг нархини ўта қиммат деб ўйлашганди. Бекорларнинг бештасини ейишибди! Бизнинг китобларимиз инқилобдан илгаригига қараганда анча арзон. Инқилобгача ўн икки ёзувчидан еттитасига ажнабий подшолар, сарой ёки ҳукумат мўмайгина нафақа тўлаб турар эди. Бинобарин, биз кўз кўриб, қулоқ эшитмаган зикналикдан жафо чекиб ҳалок бўлаяпмиз. Чунки ба-

⁸ Саҳнага! (лотинча).

“
**Кўлингиздан косов
олишга ярамайдиган
одам сира виждони
қийналмай энг
қимматли мулкингизга
чанг солган бўлади.**



шанг хоним ёки етти франкини қизғанган саховатпеша – бунинг икки франкигина муаллифга тегади – китоб учун тўрт франкдан ортиқ пул бермайди...

...Виждон эса худди худо сингари юракнинг туб-тубида ҳаммасини кўриб туради. Биз юксак фикрлар тўғрисида, умидсизликка қоришган гўзал асарлар ҳақида гапирмаймиз. Икки қулоғингизга ҳам қўйиб олинг, довюрак одамгина санъаткор бўла олади. Улғайгач ҳам болафеъллигича қолган бу одамларни бир қарашда ножўя кўринадиган хатти-ҳаракатлари учун ёзғириш мумкиндир, аммо-лекин улар ёза бошлашлари билан паҳлавонга айланади. Бу саҳифаларни ўқиётиб уларни ортиқ айбламанг; уларнинг қилғилиқлари ҳар доим сизнинг қурумсоқлигингиз оқибати бўлиб келган. Уларнинг чекига бебахтлик тушган, айбдори эса – сиз. Уларни кечираётганда ўзингизнинг ношудлигингизга эмас, уларнинг истеъдодига орқа қилинг!


...Ҳуқуқларимизни ҳимоя қиладиган жамият тузишимиз даркор. «Жамият» сўзи табиий равишда ҳимоя воситаларига ўтганимизни англатади. Юқорида тилга олинмиш қонунлаштирилган жабр-зулмга қарши, хориждан бизга қаратилган жабру жафога қарши ва мамлакат ичкарасидаги зулмга қарши мана шу воситадан фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз. Мислсиз изтироблар келтираётган бу бахтсизликлар бевосита баъзи савдо-сотиқ соҳаларига, шунингдек, муҳим сиёсий савдо балансига боғлиқдир. Маълумки, ҳар қандай мамлакат қўшни мамлакат билан муносабатларда балансни ўз фойдасига оғдиришга ҳаракат қилади.

Гарчи адабий масала бу ерда ижтимоий масалага айланаётган бўлса-да, ҳукумат адабиётнинг аҳволини тадқиқ қилиш билан шуғулланади, уни моддий бойлик сифатида, жуда катта маҳсулот сифатида, Оврўпага таъсир қилиш воситаси сифатида, Оврўпада қурол ёрдамида ҳукмронлик қилиш ўрнига фикр орқали бошқарувни қўлига олади деб хомтама бўлманг. Йўқ, ҳукумат бармоғининг учини ҳам қимирлатиб қўймайди. Ҳозирги ҳукумат – матбуотнинг фарзанди. У мавжуд аҳволдан мамнун ва агар қўлидан келса шу тарзда давом этаверади: бунинг исботи ҳукуматнинг сусткашлигидир. Нажот ўзимизнинг қўлимизда. Нажот – ҳуқуқларимизни англашимизда, ўз кучимизни тан олишимизда. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, худди драматик муаллифлар ўз жамиятини тузгани каби ўз жамиятимизни таъсис этмоғимиз даркор.

...Бир хил ноширлар на ўзлари сотиб олган, на ўзлари сотаётган китобларни ўқишади. Яна бир тоифа ношир-

“

...Бир хил ноширлар на ўзлари сотиб олган, на ўзлари сотаётган китобларни ўқишади. Яна бир тоифа ноширлар эса саводсизлигини суллоҳлик ортига яшириб юради.



лар эса саводсизлигини суллоҳлик ор-тига яшириб юради. Лекин ҳамма жойда бўлгани каби уларнинг орасида виждо-нини йўқотмаган, олийжаноб, билимдон ноширлар ҳам учраб туради. Демак, ана ўшалар билан битим тузиб, муомала-муносабатни тўғри йўлга қўйиш лозим. Бизнинг жамиятимиз китоб нашр этиш ишларини қайта тиклашга ёрдам бериши мумкин эди. ...Бунинг самараси ўлароқ эса барча ёзувчиларнинг фаровонлиги ошиб, омонат ҳолга келиб қолган китоб савдо-сига нажот бағишлар эди. Биз таъсис этадиган жамият адабий мулк тўғрисидаги янги қонунларни талаб қилишга қодир бўлади, очиқ қолиб кетаётган масалаларни ҳал этишга кучи етади ва хорижда китобларимизни ўғирлаб қайта босишларига тўсқинлик қила олади. Таклиф қилинаётган чоралар, назаримизда, самара беради, лекин бундан аввал бизга уюшма керак. Чунки фақат уюшмагина муваффақият сари биринчи қадамларни қўя олади.

Адабиёт республикаси ўз элчиларига эга бўлса, қўшни мамлакатларга мухтор элчиларни эмас, шон-шуҳратга чўмган атоқли одамларини юборса, ўз манфаатларини юзма-юз гаплашиб олса, қандай яхши бўлар эди-я!

...Замонамизнинг яна бир шармандали жиҳати шундаки, биз худди ҳамма талаган, феодал кучлар жамиятдан сиқиб чиқарган ўрта аср тужжорлари каби бирлашишга мажбурмиз. Лекин ўша тужжорлар му-дофаа учун иттифоқ ташкил қилишган, савдо-сотиқларининг маҳобати билан Оврўпани тийиб қўйишган. Ҳозир кемалар ҳам, давлат хазинаси ҳам, парламентлар ҳам уларнинг манфаатларига ишламоқда. Агар бирлашсак, қонундан устун турамиз, зеро, қонунлар урф-одатларга бўйсунди. Хўш, биз урф-одатларни йўлга қўймаймизми? Агар бирон нарсада ўз ифодасини топмаса тамаддун ҳеч нарсадир. Биз – олимлар, биз – санъаткорлар, биз – шоирларга тамаддунни ифодалаш буюрилган. Биз номаълум келажакнинг янги фидойиларимиз, биз янги истиқболни тайёрлаймиз. Ўн саккизинчи аср бу фаразни тасдиқлайди.

Бирлашсак, ҳар биримизни алоҳида-алоҳида ерпарчин қилаётган ҳокимиятга тенглашамиз. Бирлашсак, ҳокимият фикр улғуворлиги ва унинг ҳуқуқини тан олади. Ўз ҳуқуқларимизни қайтариб олгач, умумбойликка эга бўламызу, тан олинмаган даҳоларга мадад қўлини чўзамиз. Очиқчасига айтайлик, истеъдодга ёрдам ва мадад керак. Кенг тарқалган кат-



та хато фикрлардан бирига кўра, бахтга эришгач, даҳо дангаса бўлиб қолади деб ҳисоблайдилар.

Асло. Гўзал асарлар фаровонлик ме-
васидир. Рабле ишдан холи пайтларида
ижод қилган. Рафаэл Рим бирлашмалари
газнасидан ҳовучини тўлдириб-тўлдириб
олган. Монтеスキе, Бюффон, Волтер ҳам
бой бўлган. Бэкон канцлер эди. Росси-
нининг улуғ операси «Вилхелм Телл» эса
бу ажойиб даҳо муҳтожлик нималигини
билмаган даврда яратилган. Моцарт би-
лан Вебер эса фақирликда бу дунёдан кўз
юмиб, ўз дурдоналарини ўз-
лари билан олиб кетишди. Сенека, Вергилий, Ҳораций,
Цицерон, Кювье, Стерн, Поп,
лорд Байрон, Валтер Скотт
ўзларининг энг яхши асар-
ларини ҳурмат-эҳтиром ва
бойликка эга бўлганларида
ёзганлар.

Ниҳоят, шундай даҳолар
борки, улар қанчалик қаш-
шоқ бўлса, шунчалик мағрур. Уларнинг
бойлиги ҳам ана шунда. Шундай экан,
қашшоқликни даҳоликнинг онаси деб
таъкидлашни бас қилинг. Голибларга
қўлингизни бигиз қилиб кўрсатманг. Зо-
тан, биз ҳалок бўлганларни кўриб, улар-
га аза тутиб кўз ёш тўкамиз ва оташин
ҳамдардликимиздан бўлак ҳеч вақо так-
лиф қила олмаймиз.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимизки,
бу гапларим исёнга чорловчи даъват
эмас, ҳис-ҳаяжонни ўйнатувчи чақириқ
эмас: бу қашшоқлик фарёди, бу қонундан
четлаштирилган, адолат инкор этган
одамларнинг фиғонидир. Мана шу фарёд
жаранглаб акс садо берсин, ҳамдардлик
уйғотсин, адолатсизликни бартараф эт-
син, сўниб бораётган ватанпарварликка
қайта жон бахш этсин! Бедорлар учун, маз-
лумлар учун, тил хазинасига ўз ҳиссасини
қўшишга интилаётганлар учун овозимиз-
ни баралла қўйиб ҳайқирамиз. Биз фақат



биргина сўз билан энг буюк фикрлар ва
билимлар, эзгу мақсадлар қулаб тушади-
ган тубсизликнинг даҳшатли йўлларини
беркитиб қўйишни илтимос қиламиз.



**Бирлашсак, ҳар
биримизни алоҳида-
алоҳида ерпарчин
қилаётган ҳокимиятга
тенглашамиз.**

Биз ёрдам ҳам, ҳимоя
ҳам сўраётганимиз йўқ,
қўлимизни чўзиб тилан-
чилик қилмаяпмиз; биз
фикрни той-той товар-
га тенг қўйишнигина
ўтиниб сўраймиз; биз
дўқ қилмаяпмиз, биз-
ни ортиқ хонавайрон
қилмасликларини ёлво-
риб сўраймиз.

...Муҳтарам қонун чиқарувчилар, Ита-
лия Англиядан келадиган олтиннинг
учдан икки қисмини сарфлаб, фаройиб
даҳоларга эга бўлди. Санъат ва тилни
ҳимоя қилинг, бинобарин, моддий ман-
фаатларингиз бир ёқли бўлгач, сиз биз-
нинг асарларимизда яшаб қоласиз! Биз-
нинг асарларимиз эса ҳеч қачон ўлмайди,
ҳатто мамлакатимиз йўқ бўлиб кетган
тақдирда ҳам улар «*Бу ерда Франция бўлган
эди!*» деб жар солишади.

«Ревю де Пари» журнали,
1834 йил 2 ноябр.

Саиджалол САИДМУРОДОВ
таржимаси



Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ


САФЕД- БУЛОН

-ЛИКЛАР

Хотира-эссе

Мозий нафаси уфуриб турадиган она қишлоғим Сафедбулон, бу қадим гўша ва унинг ажабтовур одамлари ҳақида анча-мунча ҳикоят ривоятлар бор, китоблар, мақолалар ёзилган, қўшиқлар куйланган. Аммо минг бор эшитгандан бир бор кўрган яхши деганларидек, бу ерга келиб, кафтдек текисликда ястаниб ётган қишлоққа, ўн бир асрдан бери Сафедбулон ва унинг атрофига қут-барака, ризқ-насиба ато этиб келаётган тарихий ёдгорликка, янги маҳалларга, фусункор боғлар, серфайз далаларга кўз ташлаган, тўй-томошаларда бошқа ҳеч жойда учрамайдиган қувликларни, латиф аскиялару оҳори тўкилмаган лофларни тинглаган кишигина бу гўшанинг руҳини тўла ҳис этади, меҳри товланади. Бу гапга ишонмаган киши баҳор оёқлаганида, ёз саратонида ёки атроф қалин қор остида ором олаётган қишнинг илиқ кунлари бир ўзи эмас, ёр-биродарлари билан келсин, бир кунда минг йиллик қадрдонлардай апоқ-чапоқ бўлиб, кимгадир жиян, кимгадир ака ё тоға мақомини олмаса, мана мен кафил.

Тарих шоҳид: сомонийлар давлати парчаланганидан кейин маркази Болосоғун бўлган кучли қорахонийлар давлати пайдо бўлади. Бу даврда минтақада ислом дини чуқур илдиз отиши билан бирга, маданият, меъморчилик жадал ривожланади, кўплаб мақбара ва миноралар қурилади. Ўн биринчи асрнинг биринчи ярмига нисбат бериладиган ноёб меъморий обида туфайли Сафедбулон исломий маданиятнинг Фарғона водийсидаги ўзига хос марказига айланади, меъморчилик, кулчилик, тош ўймакорлиги ривожланади. Ҳозирга қадар сақланиб қолган ноёб қабртошлардаги ёзувлар бу ердаги қабристонга олис мамлакатлардан келган исломшунос, фикҳшунос олимлар дафн этилгани, улар орасида «икки олам муфтийси» унвонига сазовор бўлган кишилар ҳам борлигидан далолат беради. Тарихий манбалар асосида айтиш мумкинки, улуғ зотлар охира сафарига Сафедбулондан отланишни ният қилган бўлсалар ажаб эмас.



Қишлоғимизга келган киши бу ернинг туб аҳолиси ўзбеклар, аммо катта-ю кичик қирғиз тилида ҳам бийрон сўзлашаётганига гувоҳ бўлади. Меҳмон кутиш, эл олдига дастурхон ёзиш, айниқса қўноқларни сийлаб кўнглини олишда ўзбекча-қирғизча расм-русумлар қўшилиб, бир-бирини тўлдириб, ажиб яхлитлик касб этган. Тўйларида ўзбекча-қирғизча қўшиқлар, айтишув-тортишувлар биргаликда янграйди, мусибат кунлари ўзбекнинг уйига қирғиз биродари, қирғизнинг овулига ўзбек қадрдони бовуримлаб етиб келади. Атрофимиздаги Оқтом, Ёппасолди, Подак, Оққўрғон, Қўрғонча, Қашқалоқ қишлоқларида ҳам шундай одамохунликни кўриш мумкин. Чунки бу қишлоқларда азалдан икки туркий қавм ёнма-ён, бир-бирига елкадош, тақдирдош бўлиб яшаб келади. Далалари, қир-ўрлари, яйловлари, сойу сўқмоқлари, ов қиладиган даралари, қиш кечалари кўрган-кечирганларини бир-бирларига ошириб-тошириб, қўшиб-чатиб айтиб берадиган чойхона, меҳмонхоналари бир. Қирғиз тўйларида ҳам карнай-сурнай чалинади, бир қозонда йилқининг гўшти қайнаса, иккинчисида палов дамланади. Меҳмонларнинг елкасига тўн ёпилиб, бошига қалпоқ кийгизилади. Ўзбек тўйларида кўпкари бўлади, дастурхонга қозони нон, қази-чучуқ, бўғирсоқ қўйилади, косада қимиз тортилади. Бир-бирларини аямай сийлашади.

Аямай деётганимнинг боиси бор. Ўзбеклар ош дамламай меҳмонга жавоб беришмайди. Дастурхонни уч-тўрт хил таом билан тўлдиришса ҳам, «Меҳмон, бу галгиси ҳисобмас, дурустроқ кута олмадик, бошқа бир келасиз, эшигимиз ҳамиша очик» дейишади. Қирғизларга қўноқ бўлсангиз, ҳурматингизни қилиб қўй сўйишади. Калла-пойчасини тозалаб, ичагини «қиз кокил» қилиб ўриб, гўшт билан бирга пиширишади. Ўрни келиб қолди, айтиб қўяй: қирғизлар қўй сўйишса, баъзи нўноқ



Тўйларида ўзбекча-қирғизча қўшиқлар, айтишув-тортишувлар биргаликда янграйди, мусибат кунлари ўзбекнинг уйига қирғиз биродари, қирғизнинг овулига ўзбек қадрдони бовуримлаб етиб келади.

қассобларга ўхшаб гўштни болта билан майдалашмайди, пичоқнинг ўзида суякни чокидан ажратиб, қовурғани синдирмай саранжом қилишади. Маҳоратларига қойил қоласиз.

Тасаввур қилинг: қирғиз биродарингизнинг тўйига меҳмон бўлиб бордингиз. Тўйхонага кириб еб-ичдингиз, фотиҳа ўқилди, ҳамма ўрнидан туради, энди уйга қайтсам бўлади деб сира ўйламанг. Сиз ҳурматли қўноқсиз. Яъни, тўйга қўшни қишлоқлардан, узоқ-яқиндан келадиган меҳмонлар, қариндош-уруғ, обрўли кишилар учун аввалдан тайёрлаб, хиз-

мат қиладиганлар белгилаб, «сўйиш» ажратиб кўйилган хонадонларда кўноқ бўласиз, зиёфат тонггача давом этади. Эртасига эрталаб паловхонтўра ейилгач, тоғ ёнбағридаги сайхонликда бўлаётган улоқчопдига таклиф этишади. Йўқ демай боришингиз керак. Тепаликнинг кунгай томонига тумонат одам йиғилади, кўёш нурида илиган ясси тошларга ёнбошлаб, бу қадим ўйинни мириқиб томоша қиласиз, улоқчи отларнинг гупур-гупури, чавандозларнинг асабий ҳайқириғи, соврин берувчининг жарангдор овози завқингизни оширади. Бир пайт иккита чапдаст йигит келади-да, кўлтигингиздан даст кўтариб, отга миндиради. Таомил шунақа: ҳурматли меҳмон совринга сўйилган бузоқчани бир кўлида маҳкам тутиб, от билан тўпни ҳеч бўлмаса бир



айланиб кўйиши керак. «Ҳой, умримда от минмаганман, отнинг устида ўрнамайман» деганингизни эшитишмайди. От олти қадам босмаёқ, қор устига гурсиллаб йиқилсангиз, «ҳисобмас, ҳисобмас» дейишади-да, қайтадан миндиришади. Эгарга ўрнашиб ўтириб, иккала оёқни узангига тираб, шу одатни бажармасангиз бўлмайди. Бир йили Сафедбулонга пойтахтдан меҳмон бўлиб келган таниқли ёзувчи дўстимиз отдан уч марта қулагани, ҳар гал «ҳисобмас» дея ердан базўр кўтариб отга миндиришаётганида «э, ўлсам ҳисобми?» дея кўзлари ола-кула бўлиб кетгани ёдимда.

Мардлар ўйини – кўпкарининг ўзига яраша расмлари бор. Бошқа қишлоқларда бўлгани каби бизда ҳам юзлаб чавандозлар қатнашадиган бу томошага кўшни





“

**Бир йили Сафедбулонга
пойтахтдан меҳмон бў-
либ келган таниқли ёзув-
чи дўстимиз отдан уч
марта қулагани, ҳар гал
«ҳисобмас» дея ердан базўр
кўтариб отга миндиришаёт-
ганида «э, ўлсам ҳисобми?»
дея кўзлари ола-кула бўлиб
кетгани ёдимда.**

қишлоқларнинг таниқли чавандозлари ҳам келади. Устоз улоқчилар қадим замонлардан бери амал қилиб келинаётган қоидаларнинг бузилмаслиги, фирромлик, тарафкашлик бўлмаслигини кузатиб туришади. Бузоқчани ердан кўтариб, унга узатилган чайир, қонталаш қўллардан юлқиб-тортиб олган, эгарнинг қошига босиб, тўдани шиддат билан ёриб чиққан, тулпорини елдай учириб, ортидан қувиб келаётган рақибларини доғда қолдириб, паккага мардона етиб келган улоқчи совринга эга бўлади.

Кўпқари тугаганидан кейин яна қўноқхонага қайтилади. Дастурхонига дастлаб қизартириб қовурилган чўпонча келади, кейин қуйруқ-бовур тортилади. Орадан бир ош пишиғи вақт ўтгач, ярим косадан шўрва тортилади. Қирғизлар шўрвага қи-

миз қўшиб, «оқ серка» қилиб ичишади, ай, жоннинг роҳати-да. Сиз ҳам шундай қилсангиз, қимиз ичганда косани икки қўллаб ушласангиз, тагида қолганини тўквормасангиз, «ие, қўноқ ўзимиздан экан-ку» дея хурсанд бўлишади.

Улан-Баторда бўлганимда ўзим кўрдим: мўғуллар ҳам ҳурматли меҳмонлар олдига қўйнинг калласини пишириб қўйишар экан. Ҳовлидай келадиган ўтовнинг ўртасида саксовул ёқиб, камида ўн тандир нонни қизартириб пиширадиган чўғ ҳосил қилишди, чўғнинг устига ярим доира шаклида тўқилган симқозонни ёпиб, устига гўштни нимталаб, қуйруқни уч-тўрт бўлакка бўлиб, дашт гиёҳлари билан бирга бостиришди. Жизиллаб пишини кўрсангиз эди.

Қирғиз удумларида ҳикмат кўп. Қўйнинг калласи лаганда ёши улуғ, мартабали меҳмоннинг олдига қўйилади. У киши гўштан озроқ кесиб ейди, икки ёнида ўтирганларга бир луқмадан узатади, кейин чапдаст, гапга чечан бир киши енгини шимариб, маҳоратини намойиш этиб, каллани майдалайди-да, асосий ишга киришади.

Асосий иш нима дегани? Қирғиз биродарларга меҳмон бўлган одам анча-мунча нарсадан бохабар бўлиши керак. Чунки туркий қавмларда шунақа таомиллар борки, улар бир қарашда арзимас бўлиб туюлса-да, моҳияти жуда чуқур. Гап олдига қўйилган таомни пок-покиза тушириш, қоринни қаппайтириш эмас, ота-боболаримиздан қолган минг йиллик урф-одатларни билиш, ҳурмат қилиш, болаларга ҳам ўргатишда!

Каллани майдалаган киши даврага назар солиб, кимнинг кимлигини билиб, ҳар бир кишига қўли билан бир луқма-бир луқмадан насиба узатади. Кимга узатса, айтимини айтиб, бахши шоирлардай сайраб, даврадагиларни қайраб, ўзи ҳам яйраб, насибанинг таърифини келтириб, ҳазил-мутойибаси, қочирим-учирими билан узатади. Айтими, масалан, бундоқ:

«Муҳтарам қўноқбоши, жаннатдан чиққан қўйнинг бўйнидан кесдим, ҳеч жойда бўйнингиз эгилмасин, эл-юртнинг корига яраб юринг», «Хурматли меҳмон, сизга қўйнинг кўзини илиндим, кўзингиз Ўнғортоғнинг чўққисига қўнган қушни кўрадиган бўлсин, ҳеч қачон кўзикиб кетманг, овингиз бароридан келганда бизларни кўрмай қолманг», «...сизга тилидан илиндим, ҳеч жойда тилингиздан тутилманг», «...сизга қулоғи маъқул, бинойидек раҳбарсиз, қулоғингиз динг турсин, эшитмай қолибман деманг яна...», «...пешонасидан бердим, пешонангиз ялтираб турсин, шўр босмасин...» ва ҳоказо.

Айтимлар шунақа кўпки, айтиб адоғига етиб бўлмайди. Калла гўшти узатувчи қувгина бўлса, ҳар гал насиба узатганида қўноқхона кулгидан ларзага келади. Чунки айтим сўзларига баъзан ачитма-қичитма ибора-ишоралар ҳам қўшилиб кетади-да.

Қўноқларни кузатиш бошқа, узатиш бошқа, буни билиб қўйиш керак. Эътибор беринг: маҳаллада тўй бўлиб, беш-олти хонадонга қўноқ берилади, табиийки, тўй эгасининг ҳамма яқинларига ҳам қўноқ етмайди, улар меҳмонларни эртасига эрталаб уйларига бир пиёла чойга таклиф этишади. «Бир пиёла чой» деганлари қўйиб берсангиз тушгача давом этади. Тушдан кейин қўноқ тегмаган бошқа хонадонга ўтилади. Ҳеч кимга йўқ деб бўлмайди, ҳамма жойда дастурхон ёзилган, шўрва солинган, айтим айтувчи ўзини чоғлаб турган бўлади. Ҳаммасига улғуриш қийин. Шу боис баъзилар дастурхо-

нини қўноқхонага жўнатишади. Эрталаб турсангиз, кимдир иссиқ нон, яна кимдир қаймоқ, янги ивитилган қатиқ, қимиз, қурут, соримой жўнатган бўлади. Ҳаммасидан озроқ бўлса-да тотиниш, бир оғиз мақтаб қўйиш керак. Таомил шунақа.

Баъзан қўноқ кутиш маросими бутунлай ўзгариб ҳам кетади. Узоқроқдан келган меҳмонлар бу ерларнинг бозорини кўрмоқчи бўлишса бас, яна бир-икки кун қолишга тўғри келади. Меҳмонлар билан хушҳаво Нанайга борсангиз, бир зумда таниш-билишлар пайдо бўлишадиде-да, қўярда-қўймай сўлим-салқин жойларга таклиф қилишади. Меҳмонлар таъбларига тўғри келиб, гап гапга қовушиб қолса, Подшоотани, тоштепаликлар бу ёруғ оламда тенги йўқ Сарикчелак кўлини, олабуқаликлар Ўртатўқай сув омборини, оқтомликлар Саночсойнинг тепасидаги Бешқўл, Томчи деган жойни, заркентликлар Ўнғор тоғи этаklarини кўрсатмай меҳмонларга жавоб беришмайди. «Меҳмон ўз оёғи билан келади, мезбоннинг ижозати билан кетади» деб маҳкам туриб олишади. Подшоотада улуғвор Бўз-





“

**...Сариқчелак кўли
чинакам синоат,
мўъжиза...**

пи тоғи кўзингизга яна-да фусункор, салобатли, аммо бу ёруғ оламнинг иссиқ-совуғи, кутилмаган танти-нотантиликлари олдида донг қотиб, чуқур ўйга толган донишманддай кўринади. Баданни жунжиктирувчи шабада ўзи билан бирга ёқимли сас, сир ва шивирларни олиб келаётган, вужудингизга сингдираётган бўлади. Ўз ҳолича ўсиб-униб, кўкка бўй чўзиб, атрофни латофат либосига буркаган, гуллаган, мева туккан дарахтлар, умри тугаган, синиб-чириб ётган, ёниб кулга айланган арча, қарағай, қайин, ёнғоқ, ёввойи олма, олча ва бошқа жойларда кўзингиз тушмайдиган ноёб гиёҳлар фикрингизни ўғирлайди. Сариқчелак кўли чинакам синоат, мўъжиза эканига амин бўласиз. Томчида ҳайхотдай қоя бағридан сизиб чиқаётган миллион-миллион маржон томчилар бир-бирига қўшилиб, обиҳаётга



айланаётганини кўрасиз. Ҳовучингизни тўлдириб, сипқориб кўринг-чи? Сипқоролмайсиз, совуқ, шаҳарда қайноқ чойни ҳўплаб-ҳўплаб ичганингиздек, Томчининг сувини ҳам пуф-пуфлаб ичасиз. Шу жойда айна саратонда... қорбўрон ўйнашингиз, қуёш тафтида эриган қорнинг... қуртлаганини кўришингиз, ёмғирдан сўнг осмонда қуёш чарақлаб, ҳавонинг тафти кўтарилса, суғур болалари инидан чиқиб, офтобда исинаётганини томоша қилишингиз мумкин.


Эҳ-ҳе, яна қанча ёзмайин, вақтингизни олмайин, Сафедбулон ва унинг атрофидаги қишлоқларда яшовчи дилкаш одамлар таърифи, урф-одатларимизни тўла-тўқис қоғозга туширишнинг иложи йўқ. Яхши-си, ўзингиз келиб кўргангиз, ҳатто мен эътибор бермаган кўп нарсаларга гувоҳ бўлишингиз мумкин. Ичингизни қизитиш

учун айтиб қўяй: дунёдаги муҳим ихтироларнинг кўпи Сафедбулонга тегишли. Масалан, биринчи буғ машинаси, биринчи қази дудловчи цех, биринчи қўлбола аэростат, «ўрис тилини сув қилиб ичиб юборган» биринчи маҳоратли таржимон, баландликка сакраш бўйича жаҳоннинг норасмий чемпиони, футбол бўйича биринчи шарҳловчи, кўчатларни пайванд қилиш, сувни тежаш бўйича ноёб тажриба, Колорадо қўнғизини тавбасига таянтиришга доир янги самарали усул ва ҳоказолар.

Сафедбулонда теша тегмаган қизиқ-қизиқ айтимлар, мақол-маталларга дуч келасиз. Ёнида қоғоз-қалами бор меҳмонлар бу ердан анча бой бўлиб кетишадди. Мана эшитинг:

«Урғочи эшакнинг тепкиси ёмон», «Калга малҳам берсанг, бошига суради», «Қирққача тўлмаган чўнтакка сомон ҳам хайф», «Деворда ҳақи бўлса, сийиб, сомонини олади», «Луқманинг каттаси, гапнинг кичиги яхши», «Пулсиз тирикдан иймонли ўлик яхши», «Қирда отинг, қариганда хотининг ўлмасин», «Мардга майдон, ўйинчига айвон яхши», «Қуруқ арава шаллақи хотинга ўхшайди», «Эшак сийпаганни билмас, ахмоқ – сийлаганни», «Тошбақа элман дейди, чивин бийман дейди», «Оёғинг оқсоқ бўлса ҳам, сўзинг чўлтоқ бўлмасин», «Бургут қариса куни сичқонга қолади», «Бир бияли жонини сақлар, икки бияли элини боқар», «Яхши овқатнинг ҳиди ошқозондан олдин оёқни қитиқлайди», «От қочса, эшак орқасидан югуради», «Оқ бияни сўйдирди, чўнг қозонда пиширди. Меҳмон еди, емади – сахийлигини шиширди».

Қишлоқ оқсоқолларидан ёзиб олганларим: «Хом қайишни ийласа ултон бўлур, нафсини тийган киши султон бўлур», «Ўтин бўлса кул бўлар, сомон бўлса – пул бўлар»,



“

...«Муҳтарам қўноқбоши, жаннатдан чиққан қўйнинг бўйнидан кесдим, ҳеч жойда бўйнингиз эгилмасин, эл-юртнинг корига яраб юринг»...

«Битта қўчқорнинг шохи сингунча қанча тўхлининг боши кесилади», «Ё тавба, ҳамма ўраман, ўрамга кўмаман дейди, ерга бир нима сепмасанг, нимани ўрасан?», «Ўх, замонингдан ўргилай, қорнида қўноқ айланмай диган бола отаси тенгига гап бермайди-я...», «Томоғидан тариқ ўтмай диган шу тирранчага ишониб ўтирибсизми?..».

Ўзим тўқиган мақол: «Эшак минган йўлда кўп, эшитгулик элда кўп».

Сафедбулонда бундан бошқа ғаройиб ўлчовли гапларни ҳам эшитасиз: «Бир жағлик гап», «Бир кўтарим похол», «Бир сўккилик айб», «Бир от юки кўч-кўрон», «Бир айғирлик бия», «Бир жилимлик беда», «Бир чой қайнашлик вақт», «Билақдай сув», «Бир тепкилик (муштлиқ, черткилик) одам», «Бир йўталлик иш», «Бир бойлам пичан»...

Фақат... доналарни сал эҳтиёт бўлиб сурасиз-да. Билиб бўлмайдими...



Тўсқовул – бир ишни битириб олиш учун бошқаларни кига келаётган меҳмонни уйига зимдан таклиф қиладиган уддабуррон.

Сафедбулонликларнинг ўзига хос, бошқа ҳеч жойда учрамайдиган, баъзиларини фақат ўзлари тушуниб, мийиғида кулиб қўядиган тил луғатлари бор. Кўринг-а:

Чимтомоқ – овқатни титкилаб ейдиган одам.

Керик – бошқаларни менсимамай, ўзини кўз-кўз қиладиган олифта.

Елим – дуч келган кишига ёпишиб, ишини битирадиган «тадбиркор».

Бурма – бировнинг гапини бўлишга уста маҳаллий нотик.

Хомаки – маъноси йўқ гапларни гапирадиган одам.

Йўрға – енгилтак қиз.

Тўсқовул – бир ишни битириб олиш учун бошқаларни кига келаётган меҳмонни уйига зимдан таклиф қиладиган уддабуррон.

Тимирски – бир жойда тентираб юрадиган бўш-баёв бола.

Илгир – фикрингизни ўзлаштириб, ўзингизга айтиб берадиган устомон.

Симён – қаерда нима гап бор, ким нима деди – зимдан кузатиб юрадиган илвирс.

Тоғора – сал тегиб кетсанг дод-вой соворадиган овозак.

Сачратқи – хушламайдиган одамига кутилмаганда ташланиб қоладиган беодоб.

Жилпанг – кулиб, яхши гапириб ишни битирадиган писмиқ.

Фалтак – гапни чўзадиган эзма.

Ясанғи – бир кунда бир неча хил кийинадиган сатанг аёл.

Вадаванг – ўйламай-нетмай гап бошлаворадиган одам.

Сақич – урсанг ҳам, сўксанг ҳам, тишингга босиб, эзғиласанг ҳам парво қилмайдиган беғам.

Санғи – дайди.

Шамол – керакли жойда ҳозир бўладиган пухтамон.

Бигиз – гап билан рақибининг биқинига санчиб роҳат қиладиган қитмир.

Панг – гапнинг маъносини англамайдиган одам.

Патак – тўй-ҳашамга ким билан боришни биладиган ўткурий.

Жиртаки – тўғри гапни тушунмай, хезланиб кетадиган енгилтак.

Хутум – ҳар жойда бир хархаша чиқарадиган бебош бола.

Кийдирги – қуруқ гап билан қўйнингизни тўлдирадиган шилтир.

Қоғати – пишиб, пўстлоғи ажралаётган ёнғоқ.

Оқ чўрмак, чикилдак, сопалак, қулоқчўзма – болалиқдаги ўйинлар.

Бўктарги – отда йўлга чиққанда зарур кийимларни думалоқлаб, эгар ортига ўраш.


Осқа – тоғнинг тик қояси.

Тумоға – қўлга ўргатилган бургутнинг бошига кийдириладиган чарм ниқоб.

Синчи – отбоз.

Тўнглади – музлади.

Поза – омоч тиши.



“

Билмаган одам кеча бу ерда аёвсиз қирғинбарот бўлган экану, беш-олтита одам тасодифан тирик қолибди-да деб ўйлаши мумкин.

Мана шунақа гаплар. Ҳамқишлоғим Турсунбой Адашбоевнинг қувноқ шеърлари, ҳаётий ҳангомаларида сафедбулонликларнинг ноёб фазилатлари, урф-одатларини яққол кўриш мумкин.

Гап шу ерга келганда қишлоғимиздаги энг гавжум жой – Бозорбой карнайчидан қолган эски чойхона тўғрисида бироз ёзмасам бўлмас. Қидирган одамингизни қишин-ёзин, эрта-кеч шу жойдан топасиз. Топилмаса бироз ёнбошлаб, олди-қочди гапларга қулоқ тутиб турсангиз, ўзи кириб келади-да, ёнингизга чўқади. Уйида радиоси, телевизор ийўқ одам ҳам чойхонада бир-икки пиёла чой ичгунча дунёда нима гаплигидан хабардор бўлади. Эрта-лаб пода ҳайдар маҳали қўшнингизга шивирлаб айтган гапингиз пешинга қолмай чойхонага етиб келиб, шу ерда қайта туғилади, вояга етади, бола-чақали бўлади, таниб бўпсиз.

Бунақа чойхона ҳатто Парижда ҳам йўқ. Анча йиллар аввал Францияга борганимда, мамлакат пойтахтида «кафэ» деб аталадиган чойхона деганингиз шу қадар кўплигини кўриб, ҳайратга тушганман. Ҳар биттасида камида ўн-ўн беш хил чой. Каттакон самовар биқиллаб қайнаб турибди. Ҳиндистон, Хитой, Цейлон, Туркия, Вьетнам, Африка чойлари. Гиёҳли чой, асал чой, сутли чой, кофели чой, обижўш чой... Шунақа чойлар бор эканки, бир килосининг пулига Нанай бозорида роса қирқ кило гўшт-ёғ қиладиган кўйни қўшқўллаб беришади. Ҳамёнга қараб, хоҳлаганингизни дамлатиб ичаверар экансиз.

Бизда-чи? Сафедбулонлик чойхўрларни бошқа ҳеч жойда учратиб бўпсиз. Қиш кунлари эрта азондан келиб, узала тушиб жойлашиб олишади. Номига бир-икки чойнак чой ичишади. Кейин шахмат тахтаси устидаги кечаги жангнинг шарҳи бошланади. Билмаган одам кеча бу ерда аёвсиз қирғинбарот бўлган экану, беш-олтита одам тасодифан тирик қолибди-да деб ўйлаши мумкин. Ишонмасангиз, яқинроқ келиб, эшитиб кўринг:

- Кеча фалончи ёмонам эзилди-да...
- Эзилди ҳам гапми, кузгача ўзига келолмайдиган бўлди, вих-вих...
- Тавба, жони темирданми дейманда, ўзи бўлари бўлиб турибди-ку, ҳамла қилишдан тоймайди-я, хумпар.
- Бунақаларни аяб ўтириш керак эмас.
- Ҳа, боплаб таъзирини бериш керак. Отаси тенги одамни ҳурмат қилмадими, тамом, тавбасига таянтирмаса бўлмайди.
- Уйидан хабар олсак бўлармиди, ҳар ҳолда иссиқ жон...
- Битта етимча пиёдасига аранг суяниб турганида, бечоранинг устига от солишганидан кейин шунақа бўлади-да. Озроқ инсоф ҳам керак.
- Ие, ие, инсоф дейдиларми, филини тумшуғимнинг олдига олиб келиб, хартумини ҳали уёққа, ҳали буёққа ликиллатга-



“

Сафедбулонлик чойхўрларни бошқа ҳеч жойда учратиб бўлмасиз. Қиш кунлари эрта азондан келиб, узала тушиб жойлашиб олишадди. Номига бир-икки чойнак чой ичишади. Кейин шахмат тахтаси устидаги кечаги жангнинг шарҳи бошланади.

нидан кейин нима қилишим керак эди? Ўзиям, аписеримни босганимда, ранги докадай оқариб кетди.

– Ёшда ҳали, гўр, бизга ўхшаган бўлганда-ку...

– Катта кетманг, ука!

– Айтдим-қўйдим-да, ака.

– Ие, овозлари дуруст-ку, ё қўллари қичиб турибдими?

– Сал қичиброқ турибди, ака.

– Теринг бўлмаса.

– Теринг...

Тахта устига доналар терилиб, янги жанг бошланади. Рақиблар бу дунё ташвишларини унутиб, биров «Ҳой, қочинглар, ер қимирляпти, том босиб қолмасин» деса ҳам парво қилмай, бемалол ўйинни давом эттираверадилар.

– Қани юрсинлар, укамжоним. Ўтгангал хомроқ оёқ ташлаб қўйиб, абжағистонга раис бўлганингиз эсингизда бўлса бўлди.

– Марҳамат, ака, нима десангиз шу. Юр десангиз юрамиз, ур десангиз урамиз, пиёдани мана бундоқ сурамиз...

– Ўҳ-ҳў, ҳалитдан ҳамлага чоғлана-яптилар, шаштлари чаккимас-ку.

– Ҳа энди, мулла билганини ўқийди деган гап бор, одамига қараб юриш қиламиз-да, акахон.

– Эҳтиёт бўлинг, бозорда бир кило отнинг гўшти фалон пул-а...

– Хўп, ака, кўримсизгина мана шу ялангоёқчамизни сал илдамлатсак нима дейсиз?

– Ёпирай, одами кўрқитвордингиз-ку, ука. Майли, ишқилиб пиёдачангиз кўча-қўйда адашиб қолмаса бўлди. Ҳозир кўчада лақиллаб юрганларга кўз олайтирадиганлар кўп. Биз ҳозирча лакирўпка қилиб турамиз.

– Шундайми? Зўр юриш қилдингиз-да, ака. Рухсатлари билан озроқ пўписа: отга кишт!

– Вой-вўй, бу дейман, уйда келин бола билан роса тирниропка қилгансиз шекилли. Майли, ёмонлик биздан бўлмасин, келаверинг, «Зўр билан бўлган иморат охири вайронадур» деган ашулани эшитмаган экансиз-да. Эҳ, афсус.

– Юринг, ака.

– Юрамиз, меҳрибоним, юрамиз. Ҳозирча мана бундоқ юрамиз. Так-так, Вот, пажалиста. Ў, самоворчи, аччиқроқ чой дамла, буёғи анча келишиб қолди.

– Шунақами? Ҳай, майли, бу юришингизга яна булбулнинг кипригидай киштча эълон қиламиз.

– Оҳ-оҳ, дағдағангиздан ўргилай, шу

юришингиз бўлса, ҳадемай... Бизнинг жавобимиз – будир. Марҳамат, бошларини бир қашласинлар-чи?

– Тилингизга бол, акахон, ўзларига асраб қўйган мана бундоқ таманно юришимиз бор ҳали.

– Шундоқ денг! Э, ўргатган устозларига куллуқ. Майли, сазангиз ўлмасин. Сопини ўзидан чиқариб, мана бундоқ жавоб қилурмиз.

– Отангизга раҳмат. Қани, тўраҳонлар, олға! Келди очилур чоғинг, ўзлигинг намоен қил.

– Жуда зўр иш бўлди-да. Вақтида олиб чиқмасангиз тўра деганингиз кўтарам бўлиб қолади. Лекин устасига барибир. У ёндан келсангиз бу ёнга ўтамиз, бу ёндан келсангиз у ёнга ўтамиз. Ҳайрон қилиб ютамиз, вайрон қилиб ютамиз! «Айрончи қиз, айронингдан бир коса бер...».

– Кишт.

– Киштга пишт!

– Яна кишт!

– Ҳмм, буёққа келмоқчимилар ҳали? Ниятлари бузилибди-да. Келинг, келаве-

ринг. Биз нима қиламиз – тўрага аписерни босамиз. Қирчонғиларини юрсалар урамиз, қочсалар Соливой улоқчидай ўртадан кесиб чиқамиз.

– Кишт!

– Ёпдик.

– Яна кишт!

– Э-ээ...

Шахмат деганингиз Сафедбулонда шунақа ўйналади. Ўйинни икки киши бошлайди. Саккизта бекорчи иккига бўлиниб, «уни юр, буни сур» деб, билса-билмаса ўргатишга тушади. Ўйинга берилиб, шоҳни уриб ташлаб, фарзинни қамалга олганлар ҳам шу ерда. Бир гал шахматчи отахонлардан бири эрталаб уйдан бесўроқ чиқиб кетган ўғлини қидириб, чойхонага келади. Қараса, иккитаси жанг қилаётган экан. Бироз томоша қилади, ўйиндан қониқмай, биттасини турғизиб, ўрнига ўтиради. Ўйинни ютиб, рақибига голибона қараса – ўғли экан...

Мабодо сизнинг ҳам қўлингиз қичиб турган бўлса, бемалол келаверинг, чойхона шундоққина катта йўл ёқасида.



Азизбек ИНОМОВ ва
Самадхон МАЖИДОВ
олган суратлар

НЮЗИК


ХАЛҚОТ

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ
84 №3, 2025

МЕТИН
СИЙРАТ

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,
санъатшунослик фанлари
бўйича фалсафа доктори





Машхур ҳайкалтарош Родендан «Сиз оддий тошдан қандай қилиб шундай гўзал аёл сиймосини яратдингиз?» дея сўрашганда, «Мен ҳеч нарса яратганим йўқ, шунчаки тошнинг кераксиз жойларини йўниб ташладим, холос» мазмунида жавоб берган экан.

Кино санъатида ҳам аёлнинг ички олами, тийнати, жамият билан муносабатларига бағишланган ўнлаб дурдона филмлар бор. Алфред Ҳичкок, Кэндзи Мидзогути, Жузеппе Торнаторе, Ларс фон Триер, Педро Алмодовар, Вуди Аллен, Даррен Аронофский, Андрей Звягинцев каби кинорежиссёрлар ижодида ўзлигини излаётган, виждони ила муроса қилолмаётган, гоҳи инсонлар, тузуму мафкура билан зиддиятга йўлиққан турфа феълү сажиядаги аёллар образини кўрамиз. Ўзбек кино санъатида аёл образини янгича талқин эта олган режиссёрлардан бири эса, шубҳасиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аюб Шаҳобиддинов.

ҚОР ҚҰЙНИДСА ЛОЛАСА



АЮБ

Шаҳобиддиновнинг деярли барча филмларида аёл шахсияти бўртиб кўринади. Унинг киноларида аёллар турли ёшу тутумларга эга, улар орасида мозийга дахлдори ҳам, замонавийси ҳам учрайди. Бири ҳаёси, қўл етмас юксаклиги ила фаришталарга менгзалса, бири жиноятчи деган тамга сабаб жамиятга қўшилолмайд; бирининг хусну малоҳати, закоси бошига бало бўлса, яна бири умрининг қисқалиги боис чин муҳаббатига етолмайди...

«Қор қўйнида лола»... Оташнафас шоир Абдулхамид Чўлпоннинг чўнг дард ила ёзилган шу номли ҳикоясини экранлаштириш Аюб Шаҳобиддинов чекига тушди (Ёлқин Тўйчиев билан ҳамкорликда) ва у кинорежиссёр ижодидаги илк филмга айланди.

Чўлпоннинг насри шеъриятидек тиниқ, тоза, жозибали; поэтик жилолари ила ҳар қандай ўқирманнинг юрак торларини чертмоққа қодир. Гарчи тушкун манзара, қорамтир ранглар устуворлик қилса-да, «Қор қўйнида лола» ҳикояси ҳам тил шаффофлигига маҳлиё бўлиб, роҳатланиб ўқилади. Хўш, адабиёт мулки бўлган ҳикоя кинематография тилига қандай кўчди?

Режиссёр филмни ҳикоядан фарқланувчи экспозиция билан бошлайди: илк эпизодда эшонга назр қилинган, ич-ичидан изтироб чекаётган дилпора қиз – Шарофатхон (Замира Бешимова) кўринади. Янгалардан бири қизнинг билагидаги кўзмунчоқни ечиб, отаси Самандарга чиқариб беради. Самандар (Саидкомил Умаров) кўзмунчоқни маҳкам қисганча, оталик ҳисси, меҳри ийиб, айнаи вақтда йўл қўйган хатосини англаб, қалбан тазарру қилади... Аммо энди кеч... Кейинги эпизодда ёр-ёр садолари остида оиласи билан хайр-хўшлашган қиз аравага яқинлашиб, ортига бир термулади-да, бошидаги рўмолни ташлаб, югурганича отаси бағрига ўзини отади... Айнаи шу лавҳада режиссёр ота ва қиз ўртасидаги ғоят инжа, сўз ила таърифланмас ҳиссиётларни чизади: бунда меҳру муҳаббат, қайғу-ю ҳасрат, аламу фироқ бир-бирига қоришиб кетади...

Шундан сўнг асосий тафсилотларга ўтилади, яъни тўйдан икки ой бурунги ҳаёт кўрсатилади. Дов-дарахтлар, табиат қўйнида «ҳа-ю читтигул» айтиб, қувлашмачоқ ўйнаётган қизлар орасидан қаҳрамонимиз – Шарофатхон ажратиб олиниб, томошабинга танитилади. Бу ўринда операторнинг



Ўз ҳаётига эгалик қилолмай, қор қўйнида нобуд бўлган юзлаб лолалар – Туркистоннинг мазлум қизларига ишора бор.

маҳорати, аёл суврати ва сийратини нозик ҳис этиши намоён бўлади. Дарахтга суянган қўйи ҳаёлга чўмган қизнинг нигоҳлари, сўнг бармоқлари йирик планда кўрсатилади, қуёш шуъласида Шарофатхоннинг табиий гўзаллиги, беғуборлиги, покиза дунёси акс этади. Қиз навниҳол, балоғатга етган, сочлари қирққокил ўрилиб, белигача тушган; бошида қалпоқ, чин ўзбек қизи, ҳа-ҳа, худди Чўлпон бобо таърифлаган Шарофатхоннинг ўзгинаси.


Филмга ҳикояда йўқ янги воқеалар ҳам киритилган. Хусусан, Шарофатхон кўчада фойтунда кетаётган ўрис аёлини учратади ва унинг эрки, хурлигига ҳавас қилади. Эшонга унаштирилгач, яна шу аёлни учратади ва дунёни бошига кўтарганча, «Мени олиб кетинг» дея ортидан югуради. Бу эпизодда ўз ҳаётига эгалик қилолмай, қор қўйнида нобуд бўлган юзлаб лолалар – Туркистоннинг маз-

лум қизларига ишора бор. Шарофатхон тимсолида уларнинг умумлашма образи яратилган.

Филм мунгли бир ҳикоянинг экран варианты эмас, миллат қизларининг изтиробини, қайғусини, дарду кечинмалари ҳақидаги янги асар. Кинони кўргач, нафс қулларининг қурбонини бўлган, якунда ҳаёти фожиага айланган не-не хотини қизларнинг оху ноласини, фарёдини тинглагандек бўласиз. Филм ҳикояга нисбатан янада қуюқроқдек, ғамгинроқдек туюлади.

«Қор қўйнида лола»дан сўнг кинорежиссёр давр ёшлари, уларнинг туйғулари, кечинмалари ҳақида филм олишга қарор қилди. Кўп ўтмай «Севинч» филми катта экранларга чиқди. Мазкур картина ўз вақтида ёшлар орасида яхшигина шов-шувга сабаб бўлган. Соф, ҳижронли муҳаббат куйлангани учунми ё таниқли эстрадачилар қатнашгани туйғулари, хуллас, айни кинонинг муҳлису муҳиблари етарли эди. Камина ҳам бир гуруҳ синфдошлар ила филмни кинотеатрда кўрган ҳамон эсимда. «Севинч» экранга чиққанига йигирма йилдан ошибдики, ҳануз уни ширин носталгия, ўзгача ҳаяжон билан томоша қилувчилар бор.

Филм покиза, аммо армонли муҳаббат ҳақида. Севинч (Лола Йўлдошева) ва Дониёр (Бобур Йўлдошев) бир-бирига кўнги қўйган, икки ёш бахтнинг масрури онларидан завқланиб, еттинчи осмонда ҳаёт кечираётир... Бир қарашда ҳамма нарса



Филм покиза, аммо армонли муҳаббат ҳақида.

СЕВИНЧ



тугал, гўё уларни бир-биридан ҳеч нарса айиролмайди. Иттифоқо, воқеалар ривожини кутилмаган ўзанга бурилади: Севинч бошидаги оғриқдан озурдаҳол бўлиб, шифокорга мурожаат қилади. Таассуфки, қиз саратон хасталигига чалинибди, санокли ойлари қолибди... Шу зайлда баҳордек яшнаб, бахтдан сарафроз юрган Севинчнинг ҳаёти зумда кузакка айланади. У узлатга чекинади. Ҳеч кимга қўшилмайди, чекка-чеккаларга беркиниб, аламу изтиробдан кўз ёш тўқади. Севгилисидон Дониёрдан ҳам юз ўгиради, «бир-биримизга мос эмас эканмиз» дея ора очди қилади. Йигит бу ҳолни тушунолмай гаранг: айби нима?

Эслатганимиздек, филмда асосий қаҳрамонларни эстрадачилар ижро этган. Жумладан, Севинч ролини Лола Йўлдошева, дугонаси Наргизни Зилола Мусаева сингари қўшиқчилар гавдалантиради. Ўша 2000-йиллари хонандаларни кинофилмларга жалб қилиш анча оммалашган эди. Эҳтимол, уларнинг ёшлар орасида машҳурлиги режиссёрларни шундай йўл тутишга ундагандир. Бироқ ҳақиқатни айтганда, қўшиқчиларнинг профессионал актёр эмаслиги сезилди, айниқса образнинг руҳиятига киришда, ички тугёнлар, кечинмаларни ҳис этишда уларга тажриба, актёрлик уқуви етишмайди. Драматургия ва ижродаги камчиликлари хонандалар ижросидаги қўшиқлар ила хаспўшлашга интилиш билиниб қолади.

Назаримда, кино санъатининг профессионал талаблари нуқтаи назаридан баҳолаганда, «Севинч» – Аюб Шаҳобиддинов ижодида ҳодиса бўлгулик филм эмас. Аммо картинада аёл образи, муҳаббатнинг инжа тасвири бор: ўз орзуларига етолмай, армон ила кетган қизнинг туйғулари, қалб изҳори яшарин. Режиссёрнинг аёл сийратини нақадар чуқур ҳис қилиши, кечинмаларини кино тилида ифода қилиши эътиборга лойиқ.

Маълумки, ҳар қандай яхши филмнинг асоси биринчи навбатда сценарийга боғлиқ. «Севинч»даги хатолардан тўғри хулоса чиқарган режиссёр кейинги филмларида сценарий танлашга жиддий эътибор қаратди ва бирин-кетин «Ўтов», «Телба» сингари муваффақиятли филмларни суратга олди.

П А Р И З О Д

2012 йилда катта экранга чиққан «Паризод» филми эса кинорежиссёр ижодидаги энг яхши асарлардан бирига айланди. Атоқли адиб Эркин Аъзамнинг «Фаришта» киноқиссаси асосида суратга олинган картинада аёл зотининг фариштамонанд пок тийнати, ҳаёси, руҳияти тасвирланади. Сценарийнинг адабий жиҳатдан пухталиги, тасвиру ифоданинг ғоят тиниқлиги, тил жозибаси филм муваффақиятида ҳал қилувчи омилга айланди.

Хўш, филм нима ҳақида? Бир қараганда буни англаш қийин. Қишлоқда врачлик қилувчи Жонибек исмли йигит мотоциклни миниб, бемору хасталар ҳолидан хабар олиши асносида тасодифан харсангтошда мук тушиб



ТЕЛБА

ўтирган фариштамисол қизни учратиб қолади. Савол берса, жавоб йўқ, пари бир оғиз ҳам гапирмайди.

Жонибек ҳайрон: бу не синоат бўлди? Эшон бобоникидан кетар чоғи ҳамроҳи «Йўлингизда фаришталар учрасин!» деб дуо қилганди. Чиндан фариштага йўлиқдимми? Йигит кўп ўйлаб ўтирмай, қизни мотоциклига ўтқазиб, уйига олиб келаверади. Ана энди нақд қиёмат бошланади! Аввали она, кейин опасининг дийдиёси, қишлоқ аҳлининг гап-сўзи, дард устига чипқон бўлиб, унаштирилган ёри – Ойтуманнинг айниши... Шу тариқа Жонибек маломату таъналарга қолади, маромида оқаетган ҳаёти издан чиқади.

Топилдиқ қиз ҳақиқатан пари, кўхликкина, назари тушган одамнинг юрагига чўғ ташлайди. Энди ундан қутулишнинг ягона йўли: кимгадир никоҳлаб бериш, акс ҳолда йигитнинг қишлоқда бош кўтариб юриши амримаҳол. Уйдагиларининг қийин-қистовидан кейин у париқизни дастлаб сўққабош Расул муаллимга, сўнг ўрта ёшлардаги Абдурашидга, охирида ишратпараст Исмаат бойваччанинг уйига элтиб беради. Аммо бирор кас париқиз билан қовуша олмайди, парининг соф вужуди, фитрати, фариштамисол руҳи бунга йўл бермайди.

Париқизни ижро этган актриса Зарина Низомиддинованинг кўзларида алланечук мунг бор; у филм давомида лом-мим демайди, лекин томошабин ҳар лаҳза қизнинг ичидан ўтаётган ҳисларни, туғёнларни сезиб туради. Актрисанинг маҳорати шундаки, у сўз ишлатмаган ҳолда юз ифодаси, имо-ишоралар, пластик тебранишлар (Исмаат бойваччанинг уйидаги рақс) орқали парининг ботини, дарду дунёсини очиб беради.



|| Дардчил, маҳзун кечмиш орқали муаллиф ва кинорежиссёр аёл зотининг фаришталарга менгзалувчи пок руҳи, ҳаёси, гўзал қалбини ифода этиш билан бирга, жамиятнинг уларга муносабатини ҳам кўрсатишга уринади.

Филм рамзу тимсолларга бой, уларни уқиш, моҳиятига етиш томошабиндан синчковлик, зийраклик, фаҳму идрок талаб қилади. Хусусан, Жонибек париқизни олиб юрадиган мотоцикл шунчаки улов эмас, қизнинг ҳаё кўргони, у шу ердагина ўзини бахтли, хотиржам ҳис қилади. Ҳар гал кажавадан тушаётганида, недир кўрқув, ҳадик билан юзлашади. Филм охирида Бозор дев исмли кимса қизнинг номусини поймол этгач, шунинг рамзи ўлароқ мотоцикл кажавасини қоядан пастга итқитиб юборади: гўё парининг иффат истехкоми барбод этилгани ушбу рамзда аёнлашади.

Бундай дардчил, маҳзун кечмиш орқали муаллиф ва кинорежиссёр аёл зотининг фаришталарга менгзалувчи пок руҳи, ҳаёси, гўзал қалбини ифода этиш билан бирга, жамиятнинг уларга муносабатини ҳам кўрсатишга уринади. Хўш, биз бугун аёлларни қай даражада қадрляпмиз? Асли онамиз, хотинимиз, опа-сингилларимиз ёнимиздаги фаришталар эмасми? Назаримда, филм хаёлий парилар ҳақида эмас, балки аёлни тушунишни, унинг туйғулари билан ҳисоблашишни хоҳламаётган жамият ҳақида.

РАНГСИЗ ТУШЛАР

Аюб Шаҳобиддиновнинг аёл ва жамият мавзусини давом эттирувчи филмларидан яна бири – «Рангсиз тушлар» картинаси. Бош қаҳрамон Кашмира (Феруза Саидова)нинг ҳаёти рўё(туш)га айланган, гўё яшашидан маъно-мазмун қолмагандек. Қасддан одам ўлдиргани сабаб ўн етти йил қамоқда ўтирган аёл уйига қайтиб, ҳаётини қайтадан бошлашга, ўтмишдаги аччиқ, аламли хотираларидан халос бўлишга интилади. Бироқ оила, атроф-муҳит, жамият бунга йўл бермайди: уйдагилари, яқинлари ўзини олиб қочади, иш сўраб борса рад жавоби олади. Хуллас, Кашмира учун ҳамма эшиклар ёпиқ, гарчи озодликка чиққан бўлса-да, жиноятчи деган тамгадан қутулмаган.

Филмда ғоят долзарб ижтимоий муаммолар кўтарилган. Хусусан, хотину қизларнинг хатоларини қонун кечирса-да, жамият кечирмаслиги, илмий истилоҳ ила айтганда, маргинал (муайян шахсларнинг ижтимоий муҳитдан четлаштирилиши, бегоналашиш) қолипларнинг нормага айлангани, аёл шаънига тушган биргина доғ

абадулабад тавқи лаънат бўлиши ва яна бир қатор фожиалар акс эттирилади.

Таассуфки, миллатнинг муруввати, кечирувчанлиги эркагу аёлга баробар эмас. Тан олмоқ лозим, аксар омма наздида аёл зотининг қусурлари, хатолари эркакникидан каттароқ, хавфлироқ кўрилади. Эҳтимол, филмдаги Кашмиранинг ўрнида йигит киши бўлганида, бу қадар яккалатиб қўйилмас, машҳур ҳикоя қаҳрамони айтганидек, «дунёни пан-

||

Аксар омма наздида аёл зотининг қусурлари, хатолари эркакникидан каттароқ, хавфлироқ кўрилади.

жарадан ҳам бир кўриб қўйдим-да, зиён қилмас» деган «ёрлиқ» ила ҳамма маломату таққлардан қутулар эди. Кўпинча эркак қавмининг айбларини «йигитчилик»ка

йўямиз, илло аёлларга нисбатан бундай «имтиёз» йўқ.

Аюб Шаҳобиддиновнинг «Рангсиз тушлар» картинасига бош қаҳрамон сифатида айнан аёл кишининг танланиши ҳам шундан. Режиссёр бу муаммога нозик хилқат орқали назар ташлайди: хўш, бугун минбарларда қайта-қайта гапирётганимиз «гендер тенглик»ка омма қай даражада амал қилмоқда? Қонун, ҳукумат, давлат кечирмоқда. Аммо оила, қариндош-уруғ, маҳаллакўй сингари ижтимоий қатламлар-чи?..



Филмда бош қаҳрамон – Кашмира образини ижро этган актриса Феруза Саидова вазмин нигоҳлари, совуққон қарашлари, сокин характери ила қаҳрамонининг мураккаб қисмати, ботини, жамият билан зиддиятларини очиб беради. У кўп сўзламайди, аммо юз ифода-сида ичидан ўтаётган туйғуларни, аламу изтиробларни уқиш мумкин. Кашмиранинг ҳаёти «рангсиз тушлар»га айланган, у тезроқ уйғонишни, яна реал дунёга қайтиб, гўзал ва бахтли ҳаёт кечиришни истайди. Бироқ бу маънисиз тушларнинг охири кўринмайди. Актриса қаҳрамони руҳиятида кечаётган ана шундай оғриқли, аянчли, психофизиологик жараённи яшаб беради, унинг зоҳиридаги синиқлик, кўзларидаги мунг, овозидаги изтироб томошабин қалбига алланечук қайғу солади ва ўша дилхиралик филм интиҳосига қадар тарқамайди.

Филм ижодкорлари томошабин нигоҳини катта муаммоларга қаратган бўлса-да, негадир картинада тугал бадий ечим йўқдек, охири гап айтилмагандек туюлади. «Рангсиз тушлар»нинг хранометражи ҳам қисқароқ, бир соату ўн беш дақиқача давом этади. Ваҳоланки, филмда кўтарилган салмоқли ғояларни теран ва чуқур очиб бериш учун бу муддат қисқалик қилгандек, ижодий жамоа картинани тезроқ якунлашга шошилгандек таассурот уйғонади. Хўш, Кашмиранинг кейинги тақдири нима бўлди? У ҳаётини ўнглай олдими? Охириги эпизодларнинг бирида бош қаҳрамон тикув цехига ишга қабул қилингани кўрсатилади. Ҳолбуки, бу ечим эмас. Чунки масала кенгроқ қўйилган эди...

Юқоридаги фикрларга таяниб, «Рангсиз тушлар»ни бадий жиҳатдан пухта филм деб аташ қийин. Филмда композиция жиҳатидан камчиликлар борлиги, айтилмоқчи бўлган фикрларнинг қиёмига етмай қолгани, образларнинг муддаоси, миссияси тўла очилмагани шундай хулосага сабаб бўлади.



БАҲОРНИ ҚУВИБ


2024 йилнинг адоғида Аюб Шаҳобиддинов янги филмини жамоатчиликка тақдим этди. Бу гал режиссёр яна Эркин Аъзам билан ҳамкорлик қилишни маъқул кўрди. «Баҳорни қувиб» дея аталган филм «Паризод»дан бир мучал ўтиб суратга олиниши ҳам шунчаки тасодифга ўхшамайди. Худди ўн икки йил бурун «Паризод»да айтилган гапларни мазкур филм давом эттирадигандек, қай бир хулосаларини тўлдирадигандек тасаввур беради.

Эҳтимол, бу филмларни бир-бирига қиёслаш ноўриндир. Лекин менга филмлар ўртасида ассоциатив боғлиқлик бордай кўринди. Агар «Паризод»да Жонибек етовидаги париқиз қишлоққа келиб, ҳамманинг тинчини бузган бўлса, «Баҳорни қувиб»да Роҳатой Шукурова исмли ўқитувчи ўзи билан «севги-певги»ни олиб келиб, овул аҳлининг ҳаловатини ўғирлайди.

Аюб Шаҳобиддиновнинг янги киноси яна аёл қисмати, унинг долғали, фожиали ҳаёт йўли ҳақида. Бир кўришда филм мавзусини тусмоллаш қийин. Армонли муҳаббатми, аччиқ, аламангиз хотираларми, ҳасаду севги ўртасидаги абадий курашми... шунга ўхшаш хаёллар шуурдан бир сидра ўтади.

Ёши олтмишларга борган Роҳатой исмли аёл кўп йиллар бурун ўзи дарс берган Арчали қишлоғига келади, бу ердаги фараҳли ва аччиқ хотираларини ёдга олади. У ёшлигида қишлоқ мактабида болаларга сабоқ бериб, кўпчиликнинг меҳрини қозонган, ўқувчилар тасаввурида энг яхши муаллим сифатида қолган эди. Бироқ Роҳатойнинг Арчали билан боғлиқ кечмиши фақат шугина эмас: унинг Қудрат Рамазонов билан муҳаббат тарихи бутун қишлоқда дoston бўлган, охири қиз «беҳаёлиги» сабаб мактабдан бадарға қилинганди.

Шу воқеадан ўттиз йиллар ўтиб, Роҳатой Қудрат аканинг қабрини зиёрат қилиш, таниш-билишларни кўриб кетиш баҳонасида қишлоққа келади. Энди у қимматбаҳо машина минган, биргина кўнғироқ билан анча-мунча масалани ҳал қилиб ташлайдиган қўли узун аёл. Таниқли актриса Раъно Шодиева ижросидаги Роҳатой ниҳоятда маданиятли, вазмин, камтар; одамлар билан ҳам паст овозда, синиқ оҳангда сўзлашади. Киноасардаги кескир, шартакироқ Роҳатойга ўхшамайди. Фикримизча, режиссёрнинг талқини шундай бўлган.



Филмда қаҳрамон ҳаётининг икки даврини кўрамиз: Роҳатойнинг Арчалида ўтган ёшлик йиллари ва ҳозирги ҳаёти. Аёл умрининг бу икки палласи параллел кино унсурлари ёрдамида кўрсатилади: қаҳрамон гоҳ ўтмишга қайтади, гоҳ бугун билан яшайди. Актриса


Р.Аҳмаджонова ижросидаги ёш Роҳатой гўзал, ақлли, шижоатли, зукко, ҳиссиётли қиз сифатида намоён бўлади.

Картинадаги зиддиятлар, интригаларни ҳаракатга келтирувчи характерли

образлардан бири актёр Анвар Картаев ижросидаги Ваҳоб Ҳожиқуловдир. Маркс таълимотини сув қилиб ичиб юборгани учун Ҳожи Маркс лақабини олган бу кимса икки ёш – Роҳатой ва Қудратнинг муҳаббатига раҳна солади, таълим даргоҳида «маънавий бузуқилик» қилди деган фитнани ўйлаб топиб, қизни мактабдан ҳайдаттиради. Ҳожиқуловнинг бундай ёвузлиги, ҳасад ўтида жизғанак бўлиши бежиз эмас: бу

//

Бир кўришда филм мавзусини тусмоллаш қийин. Армонли муҳаббатми, аччиқ, аламангиз хотираларми, ҳасаду севги ўртасидаги абадий курашми...



гаддор ҳам Роҳатойни севади. Роҳатой кишлоққа қайтганида уни таъқиб қилади, маст-аласт ҳолатда деразаси тагигача келади, кўприкдаги учрашув чоғи ичидан ўтаётганларни тўкиб солади:

«Сенга ҳавасим келарди, Роҳат, ишон! Сен эса бизга ўхшаганларни назарингга илмасдинг! Нима қилай, мен ҳам кейин ўзимни кўрсатгим келган-да. Бари рашқдан, аламдан!».

Анвар Картаев Ҳожиқулов характеридаги кескин зиддиятларни, ички қарама-қаршиликларни маҳорат билан кўрсатади, ташқи кўринишидан қанчалик баттол, бадбахт бўлмасин, бу но-бакорнинг ичида ҳам нафс қутқусидан бўлак недир туйғу борлигига ишонгингиз келади.

Дарвоқе, филмда яна бир – кичик Роҳатой ҳам бор. Қудрат Рамазоновнинг набираси бўлган бу қиз отдоши билан осонгина тил топишади, унинг энг яқин сирдошига айланади. Картинада жуда чиройли бир эпизодни кўрамиз: уч Роҳатой ботаётган уфқ шулъасида бир-бири билан юзлашади: бири ўтмиш, бири бугун, бири келажак тимсоли ўлароқ тасаввурда жонланади. Филмнинг сўнги лавҳасида Арчалида яна бир янги муҳаббат тарҳи чизилади: Роҳатой шаҳарга қайтар экан, кичкина Роҳатой тенгқур йигит билан суҳбатлашаётганини кузатиб қолади... Демак, қахрамонимиз ўзидан соф туйғуларни мерос қолдиради...



||

Унинг бирор филмини шунчаки кўриб бўлмайди, ҳар гал намойишдан сўнг юракда недир изтироб, дарду оғриқ қолади.

Аюб Шаҳобиддиновнинг биз юқорида баҳоли қудрат мулоҳаза юритган филмларидан ташқари «Турист»,

«Телба» каби картиналарида ҳам аёл зотининг турфа синоатлари, тақдирининг ранг-баранг чигалликлари очиб берилади. Режиссёр моҳир мусаввир сингари

ҳар бир аёлнинг зоҳирий ва ботиний портретини яратади, шунингдек, улар тимсолида ечимини кутаётган ижтимоий муаммолар, ўткир ҳақиқатларга эътибор қаратади. Унинг бирор филмини шунчаки кўриб бўлмайди, ҳар гал намойишдан сўнг юракда недир изтироб, дарду оғриқ қолади. Аёлнинг нозик табиати, руҳияти, қалби тафтиш этилган мазкур филмлар йиллар ўтса-да, оҳори, жозибаси, ғоявийлиги, бадииятини йўқотмайди. Зотан, меҳварида инсон турган ҳар қандай санъат асари эскирмайди.

||

“Баҳорни қувиб” филми қатор халқаро мукофотларни ҳам қўлга киритди.

- Жумладан, Хитойнинг Чонкинг шаҳрида ўтказилган кинофестивалда Раъно Шодиева “Энг яхши актриса” номинациясига сазовор бўлди.
- Москвада ўтказилган “Антарес” халқаро кинофестивалида эса филм учта мукофот ва махсус диплом (Гран-при, энг яхши сценарий – Эркин Аъзам, энг яхши эркак роли – Илҳом Бердиев, иккинчи пландаги энг яхши эркак роли учун – Анвар Картаев)га лойиқ кўрилди.
- Санкт-Петербург шаҳри мезбонлик қилган “Лендок” халқаро кинофестивалида иккита номинация (Энг яхши сценарий – Эркин Аъзам, Энг яхши актриса – Раъно Шодиева) бўйича ғолибликни қўлга киритди.



Қиш бошланиб, қор ёғиши биланоқ отам ертўладан чанани олиб чиқиб, унга арқон бойлаб, устига жажжи ёстиқчани маҳкамлаб берарди. Кун бўйи дугоналарим билан чанага чалқанча ётиб яхмалакда тепаликдан пастга қараб шўнғирдик. Кун ботгач, отам чопон кийиб, кўчада мени чанада учирарди. Ой нурида томлардан осилиб тушган сумалаклар ялтирар, дарахтлар шохига қўнган қор сирли жимир-жимир қиларди. Қош-киприкларимга қор парчалари урилар ва бир зумда эриб юзимга оқиб тушарди. Шунда мен ўзимни эртақлардаги қор маликаси салтанатига кириб қолган бечора Гердадек ҳис қилардим.

Эртаклар

оламида яшадим

Болаликка қайтиб

Олимларнинг таъкидлашича, одамзот ҳатто онасининг қорнида кўрганларини эслаб қолиш қобилиятига эга эмиш. Бу хотиралар инсон миясининг аллақаерида сақланиб, ўз вақтини пойлаб ётар экан. Агар биз бу хотираларни жонлантиришни ўргансак, вақт машинасини миниб ўтмишга сафар қилишимиз мумкин бўлар экан. Элас-элас ёдимда, атроф қоронғу, кўчадаги симчироқдан кўзимга кучли нур тушиб мени безовта қилади. Юзимга қор парчалари кўнади, бошим узра бир отам, бир онам энгашади, чойшабнинг четига тикилган тўрпарда бурнимга тегиб ғашимни келтиради, ижирғаниб аксирмоқчи бўламан. Кўл-оёқларим боғланган, қимирлатолмайман, бошимни кўтаролмай типирчилайман. Қизиқ, наҳотки чақалоқлик давримни эслаяпман?!



Саид Аҳмаднинг ота-онаси Хусанхўжа ва Зулфия Дадахўжаевлар. 1936–1937-йиллар.

Болаликни эсласам, турли хотиралар гавдаланаверади. Уйимиздаги кун тартиби оддий оилаларникига сира ўхшамасди. Отам ҳам, онам ҳам ижодкор бўлгани учун эл қатори эрталаб тўққизда ишга кетиб, кеч соат еттида уйга қайтмаган. Отам кундузи кундалик ишлар билан машғул, тунлари ижод қилар эди. Аммо кеч ухлаганига қарамай, тонг саҳарда туриб, ҳовлидаги дарахтларни шлангда ювиб, ҳовлига сув сепарди. Кейин магнитофон овозини баланд қилиб кўярди. Ҳар тонг онам иккимиз Таваккал Қодиров, Берта Давидова ёки Фаттоҳхон Мамадалиев кўшиқларини тинглаб кунни бошлардик.

Саид Аҳмад қизи Нодира билан. 1961 йил.

Қизи Нодира билан. Кисловодск шаҳри. 1965 йил октябр.



Отам билан ўтган кунларим

Тун отам учун ижод палласи эди. Кечаси онамдан яширинча тунги кийимда ижодхонага кириб ўтириб олардим. Отам ижодхонадаги сандиқча устига кўрпача тўшаб, мени чопонига ўраб ўтқизиб қўярди. Отамнинг асар ёзар чоғи бутун дунёдан узилиб, қаҳрамонлари билан яшаётганидаги руҳий кечинмаларини жимгина кузатардим. Ана шу иссиққина чопон бағрида у кишининг ижодий паллаларига гувоҳ бўлганман.

1980–1985-
йиллар

Отамнинг кўп хислатларини, феъл-атворини баъзида ўзимда кўраман. Отамнинг қизиқувчанлиги, бирон нарса билгиси келса, уни ипидан игнасигача ўрганмагунча қўймаслиги менга ҳам ўтган. Ҳатто феълимдаги қайсарлик ҳам. Қолаверса, отамнинг қизиқишлари мени ҳам қизиқтирган. Масалан, ёзишдан зериккан дамларида катта қўшалок кассетали магнитофонга микрофонни улаб, менга қизиқ саволлар бериб, овозимни ёзиб оларди. Орада суратга ҳам туширарди. Мен ҳам ҳар якшанба радиодан бериладиган шарқ куйларини магнитофонга ёзиб олардим, ҳатто кинотеатрга ҳам магнитофонни обориб, филмлардаги қўшиқларни ёзиб олардим.

Отам ёшлигида газета-журналларда фотомухбир бўлиб ишлаган ва болалик пайтимда фотографик сирларини менга ҳам ўргатган. Кечаси қоронғу ижодхонада қизил лампани ёқиб отам иккимиз фото чиқарардик. У пайтларда фото ишлаш жараёни анча мураккаб бўлиб, турли кимёвий дорилардан, ҳар хил ускуналардан фойдаланиларди. Кимёвий ишлов берилган фотоқоғоз устида аста-секин сурат пайдо бўлиши менга жуда сеҳрли туюларди. Суратлар тайёр бўларкан, отам қистиргичлар билан уларни бирмабир арқонга илиб чиқарди. Баъзида иккимиз шашка, домино ҳам ўйнардик.

Гапларимдан англаётгандирсиз, отамнинг эркатойи бўлганман.

Ҳамма оналар сингари менинг онам ҳам «ундай қилма, бундай қил», «уни кийма, буни кий», «у ёққа борма, фалончи қиз билан дўстлашма» сингари насиҳатларни кўп қилар эди. У пайтда бундай танбеҳлар албатта менга ёқмасди.



Андижон. Куйганёр қишлоғи,
Катта Фарғона канали бўйида.
1972 йил.




Май 1968 йил май.

Отам бўлса менга ҳеч қачон насиҳат қилмас, танбеҳ бермас, аксинча, нимани сўрасам, барчасини сўзсиз муҳайё қиларди. Лекин касб танлашимда отам бироз қарши бўлган. Келинг, яхшиси, бу ҳикояни ҳам айтиб берақолай.

Болалигимдан расм чизишни ёқтирардим. Чизганларимни отам дўсти – Бенков номидаги санъат ва рассомлик билим юртида бирга ўқиган курсдоши, Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовга кўрсатганида, у киши «Ўзинг-ку бир пайтлар рассомликни ташлаб, ёзувчиликка ўтиб кетгандинг. Мана, талантинг барибир қизингда юзага чиқибди. Энди Нодирани рассом қилгин» деган. Шундан сўнг ўша даврда Романовлар уйида жойлашган Пионерлар саройига қатнаб, бир муддат таҳсил олганман. Мен ўқиган 150-мактабнинг шундайгина

**ОТАМНИНГ
ҚИЗИҚУВЧАНЛИГИ, БИРОН
НАРСАНИ БИЛГИСИ КЕЛСА,
УНИ ИПИДАН ИГНАСИГАЧА
ЎРГАНМАГУНЧА ҚЎЙМАСЛИГИ
МЕНГА ҲАМ ЎТГАН.
ҲАТТО ФЕЪЛИМДАГИ
ҚАЙСАРЛИК ҲАМ.**



Сочи,
Рица кўли.
1978 йил.



1991–1992-
йиллар.

рўпарасида отамнинг яна бир яқин дўсти, Ўзбекистон халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев яшарди. Бу инсон ўз уйида кичик дарсхона очиб иқтидорли болаларга рассомликни мутлақо бепул ўргатарди. Мен ҳам шу дарсхонада рангтасвир сирларини ўргандим.

Лекин барибир мактабни битириб касб танлаш арафасида отам «Рассомликнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Масалан, ўқиш жараёнида “натуршик” ва “натуршица”ларнинг расмини чизиш керак. Бу касб эгалари талабаларнинг рўпарасида кийимсиз соатлаб ўтиришади. Талабалар эса уларга қараб инсон танасини, суякларини, мушакларини тўғри чизишни ўрганади. Табиат манзараларини чизиш учун рассомлар молберт, ёғоч рамкага тортилган мато – полотно, турли бўёқлар, мўйқаламлар, уларни артиш учун кимёвий суюқликлар солинган идишлар ортилган оғир юкларни кўтариб тоғларга,

далаларга, чўлу биёбонларга узоқ муддатга сафарга кетишади. Кўраяпсанми, рассомликнинг қиз болага қийинчилик туғдирадиган жиҳатлари кўп. Яхшилаб ўйлаб кўр. Агар адабиётчи бўлсанг, ҳар ҳолда ишимизни давом эттирасан, онанг иккаламиздан қолган қўлёзмалар ва архив билан ўзинг шуғулланасан, китобларимизга муҳаррирлик қиласан. Ҳаммасини фикрлаб, кейин бир хулосага келгин» деган.

Албатта, отамнинг айтганлари буйруқ эмас, маслаҳат эди. Бажариш ё бажармаслик ўз ихтиёримда эди. Ҳамма айтилган гаплардан хулоса қилиб, Тошкент давлат университетининг рус филологияси факултетига ўқишга кирдим, тамомлагач, кўп йиллар 22-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишладим ва танловимдан бирор марта афсусланмадим. Бугун отам истагандек ота-онамнинг архиви билан шуғулланаман, китобларини ўзим таҳрир қилиб нашрга тайёрлайман.

Бир жомадон туфли

Отам тарбия масаласида ҳам жуда эркин эди. Эсимни таниганимдан бери уришиб, аччиқ-тизиқ гаплар билан тарбия берганини эслолмайман. Ўзим ҳам мактабда аълога ўқийдиган, рўзгор ишларида саранжом, катталарни хурмат қиладиган яхши қиз эдим-да. Ота-онамнинг ҳаёт йўли мен учун тарбия эди аслида.

Отам биздан пул аямасди. Чиройли кийимлар, сумкалар, тақинчоқларни кўрса, дарров сотиб олиб онам иккимизга совға қиларди. Эсимда, ўнинчи синфни битираётганимда тикувчиликка қизиқишимни кўрган отам менга Олмонияда ишлаб чиқарилган «Veritas» тикув машинасини совға қилган. Ҳалигача шу машинада у-бу нарсаларни тикиб тураман.

Отам олиб келадиган совғалардан яна бири ҳақида қизиқ бир воқеа эсимга тушиб қолди. Бир куни отам «Ўзбек адабиёти кунлари»да қатнашиш учун Москвага кетадиган бўлиб қолди. Онам «Нодиранинг тузукроқ туфлиси қолмабди. Москвадан яхшироқ туфли олиб келинг» деб оёғимнинг ўлчамини картон қоғозга тушириб берди. Отам ҳам содда бўлганми ё боланинг ўлчами тез ўзгаришини билмаганми, хуллас, бир хил ўлчамдаги бир жомадон туфли билан қайтган Москвадан. Ўша туфлиларни анча пайтгача онам танишларнинг болаларига совғага обориб юрганларини эслайман.



Саид Аҳмад қизи Нодира ,
неваралари Саида ва Камола билан.
2000 йил.



**ОТАМ ҲАМ СОДДА
БЎЛГАНМИ Ё БОЛанинг
ЎЛЧАМИ ТЕЗ ЎЗГАРИШИНИ
БИЛМАГАНМИ, ХУЛЛАС, БИР
ХИЛ ЎЛЧАМДАГИ
БИР ЖОМАДОН ТУФЛИ
БИЛАН ҚАЙТГАН
МОСКВАДАН.**



Саид Аҳмад ва Но-
дира Ҳусанхўжаева.
АҚШ, Вашингтон.
1999 йил август.

Нодира Ҳусанхўжаева.
Германия,
Хайделберг шаҳри.
2024 йил май.

Ҳозиржавоб ёзувчи

Отам гапга чечан, ҳазилкаш, синчков одам эди. Онам гоҳида нолиб, «Рўзғорга ўзимнинг ойлигимдан шунча пул ишлатдим» дерди. Шунда отам Абдулла Қаҳҳорнинг бир гапини эслаб куларди: «Аёл кишининг пули бамисоли эшик тепасига осиб қўйилган тош – кирсанг ҳам бошингга урилади, чиқсанг ҳам». Яна бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни онам заргарлик дўконидан менга атаб қопқоғи очиладиган медалион сотиб олди. Ўзининг кичкина фотосуратини қирқиб, медалион ичига жойлади ва шифонер ичига бекитиб қўйди. Отамнинг кайфияти яхши бўлганда «Саидахмад ака, Ўрдадаги тилла магазинида чиройли медалион кўрдим. Фалон пул турар экан. Битта-яримтаси олиб кетиб қолмасдан шуни Нодирага олиб қўяйлик» деди. Отам бўлса «Тунов куни шифонердан дастрўмол олаётганимда ўша сиз айтган медалионга кўзим тушувди. Уни энди шкафдан ким ҳам олиб кетарди?» деб кулди. «Вой! Кўрувмидингиз?» деди ойим энди отамдан пул чиқмаслигини билиб. Отамни умуман алдаб бўлмасди, қайси нарса қаерда турганини, қачон пайдо бўлганини албатта билар эди.

Отам ўзбек миллий таомларини яхши кўрарди. Айниқса, манти, юпка ва қатламани севиб ер эди. Бошқа юртларга сафарга борса, у ерларнинг таомини емай, ўзи билан олиб кетган қазни, патир, майиздан оз-оздан тамадди қилиб жураверарди. Отамнинг жомадонида ҳар доим бир қути ҳинд чойи ва электр сув қайнатгич бўлган.



Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова.
Тахминан 1975-йили «Саодат»
журналида босилган сурат.

**«АЁЛ КИШИНИНГ ПУЛИ БАМИСОЛИ
ЭШИК ТЕПАСИГА ОСИБ ҚЎЙИЛГАН
ТОШ – КИРСАНГ ҲАМ БОШИНГГА
УРИЛАДИ, ЧИҚСАНГ ҲАМ».**

Нью-Йоркда "Келинлар кўзғолони"
спектаклининг премьераси.
1999 йил август.



**ОТАМ МАШИНА ҲАЙДАШНИ
ЯХШИ КЎРАРДИ. ОНАМ
ИККИМИЗНИ МАШИНАДА
ДОИМ САФАРЛАРГА ОЛИБ
БОРАРДИ. ШУНИНГ УЧУН
БОЛАЛИГИМ МАШИНАДА
ЎТГАН ДЕСАМ ҲАМ
БЎЛАДИ.**



Отам билан олис сафарлар...

Отам билан кўп сафарга борганмиз. Масалан, болалигимда Кисловодскдаги санаторияда дам олганимиз, Болтиқбўйидаги ўрмонда жойлашган оромгоҳда яшаганимиз, машинада Иссиқкўлга сафар қилиб, кўлда чўмилганимизни хотирлайман. Отам машина ҳайдашни яхши кўрарди. Онам иккимизни машинада доим сафарларга олиб борарди. Шунинг учун болалигим машинада ўтган десам ҳам бўлади. Талабалик йилларимда отам билан Қора денгиз соҳилида жойлашган Пицундадаги Ёзувчилар уюшмасига тегишли оромгоҳда дам олганмиз. Отам билан энг сўнгги сафарим АҚШга бўлган. У ерда «Келлинлар кўзғолони» спектаклининг премьерасида қатнашиб, Нуййорк, Вашингтон шаҳарларини айланганмиз.

Отам соғлиғи ёмонлашиб кучдан қолганда ҳам тинимсиз ижод қилган, сўнгги нафасигача ёзув столдан нари кетмаган. Отамнинг охириги кунларини эсларканман, яна анчагина асарларни ўйлаб қўйиб ёзишга улгурмаганидан афсусланаман.

1995–
1996–
йиллар.

АҚШ
Нью-Йорк.
1999 йил август.



Ёзувчининг қизи
Нодира Ҳусанхўжаева хотираларини
Гулжаҳон Намозова оққа кўчирди.

Ўтган ёз ота уйимга бордим. Ҳовли бўм-бўш, ҳувиллаб ётибди. Бу ер болаларга тўла, ари инидай қайнар эди. Ичимдан бир нима узилгандай бўлди, кўнглим бузилди. Ўзимга сизмай кетдим. Мунгли хотиралардан чалғиш ниятида кўчага чиқдим. Ҳеч кимни танимадим. Бари ёш-яланглар. Бирови салом бериб, бошқаси хаёллари билан андармон ўтиб кетади. Қўшнилари мизнинг дарвозаларига термилдим: Хурсанд хола, Момохол хола, шахарлик бўлгани учун ҳамма тожик янга деб чақирадиган Миновар хола, Санобар янгам, Қўйсиной янгам... Ҳозир уларнинг ҳеч бири ҳаёт эмас.

Улар билан мени боғлаган онам ё ота ҳовлимми? Ўйласам, бизни боғловчи ришталар кўп экан. Момохол холам сепим учун қуроқ ёстиқ тикиб берган.

Уларнинг ичига гулпахта солинган, бир неча ўн йил мобайнида ранги ҳам ўнгмади. Холамнинг ўзи ўнгиб, тўзиб, бир парча ватанга айланганига анча бўлди.

Санобар янгам рассом эди. Оқ, қизил, сариқ мато олиб, ичига уч-тўрт сўм солиб, уйига ташлаб келинарди. Турмуш ташвишларидан ортиб, кашта учун гуллар, нақшлар чизарди. Уларга қандай рангли иплар кетишини ҳам ёзиб қўярди. Ўта инжиқ қайнонаси, икки қайинсинглиси, ўнга яқин боласи бор эди. Иш қайнаб ётадиган қишлоқда бундай нафис ишларга қандай улгурди экан?

Қўйсиной янгам кенг қўйлақлар тикарди. Она кадрдонларимизнинг ҳаммаси ҳам ҳунарли бўлган. Олдинлари чачвонсиз паранжига ўхшаб кетадиган бойжелаклар бор эди. Кейинчалик эскилик сарқити деб соттирилмай қўйди, аёллар ўзи тикиб оладиган бўлди. Бора-бора урфдан ҳам қолди. Чеккачекка қишлоқлардагина сақланган. Бошингиз, елкангиздан тўпиққача тушиб турадиган бойжелакда аёллар аллақандай хушқад, сирли, салобатли кўринарди...

ЎРНИ ТЎЛМАС ХАЗИНА

НАҚШЛАРГА ИНГАН САССИЗ ИЗҲОРЛАР

Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик билим юртида «Балли, аёллар» кўрик-танлови ўтказилди. Ундаги битта шарт илгак билан рўмолча тўқиш эди. Шарт бажарилаётганда билим юрти бошлиғи ўтирган жойидан туриб келиб:

– Болаликни ёдга соларкан, ўқувчилигимизда шундай рўмолча ҳадея қилишса қанчалар қувонардик, – дея ёшликнинг беғубор палласини эслади. Қанча сувлар оқиб ўтган, аммо тўқилган рўмолча уни ҳамон ҳаяжонга солаяпти!

У ниманинг рамзи, қандай ҳикмати бор?


Абдулла Орипов шундай ёзади:

*Қуёш ҳам фалакда бамисли рўё,
У энди ёндирмас. Ялтирар фақат.
Дўстлар, у ҳам энди қуёшмас асло,
У олис ёшликда қолган муҳаббат.*

Тўқилган рўмолча ёшликнинг рамзи. Ранг-баранг, сирли товланувчи пистонларда, жимжимадор тўқималарда гўзал севги қиссалари, изҳори диллар, умидлар мужассам. Тўқиётган қизни ҳеч кузатганмисиз? Кўзларидаги ёлқинлар, лаб бурчидан чиқишга ҳозир сирлар, нақшларга нимтабассум билан сингиб бораётган сулувнинг ўзини бир дostonга менгзаш мумкин.

Рассом бўлганимда дала ишларидан сўнг салқин ариқлар лабида тушлик қилаётган қишлоқ қизларини, чакки, кўкат, помидор, буғдойнондан иборат камтарин дастурхонларни, тин олар-олмас рўмолча тўқишга, жияк тикишга тушган офтобжамоллар расмини чизган бўлардим.

Қизлар рўмолча тўқимай қўйди. Бугун уларни банд қиладиган нарсалар кўп. Тўқилган рўмолчалар, нақшларга инган сассиз изҳорлар йўқ. Афсус...



ЙЎҚОЛГАН БЎҒЖОМА



Кўрпа-тўшакларни демаса, авлоддан авлодга ўтиб келаётган кўп нарсалардан воз кечдик. Сеплар турк моллари билан тўлди, ичида нималар йўқ дейсиз?

Олдинлари уйлар тоқчали бўларди. Ҳозир қолдимикан? Ёшлар алоҳида чиқиб кетгач, кексалар қолган уйларда бўлиши мумкин. Тўрда махсус жой қилиниб, устига кўрпа-тўшак тахланарди. Бу тахмон дейилади. Келин-куёвнинг уйидаги тахмонлар санъат даражасида бўлган.

Ҳар икки томон қилган кўрпа-тўшаклар орасида келин томонники ажралиб турган – каштали болишлар, катта ойналар учун ярим бурчак безакли кашталар. Текис тахланган кўрпа-тўшаклар каштали, конверт шаклида тепадан тушиб турадиган бўлагининг учи шокила билан безак берилган бўғжомога ўраб, тахмонга қўйилган.

Ҳам гўзаллик, ҳам кемирувчилардан асровчи вазифасини бажарган. Бўғжомалардан фойдаланмай қўйдик. Қўрқаманки, бу сўз ёшлар тилида унутилиб кетмаса...



ТАХТАПОПУҚДАН КУЛТУВШАККА ҰТИШ

Аёл-қызларнинг соч ўримларига боқиб ёши, ижтимоий мавқеини билиш мумкин эди. Ҳозир бир хиллик кўп. Узун, қирқ ўрим сочлар уй юмушларини бажарганда халал беради. Қизлар уни текис бир чизиқ қилиб, ипга тизиб қўйганлар. Бу чилвир сочларнинг тартиб билан орқада туришини таъминлаган. Айни ҳолат турмушга чиқмаган қизларгагина хос.

Келинчаклар учун бошқачароқ, ҳашамдорроқ тахтапопуқлар бўлган. Олдинлари ана шу попуқлар хунармандлик расталарида сотиларди: учлари бир текис, рангли ипак ип, пистон ва мунчоқлар билан безак берилган. Майда ўрилган сочларга бир ярим қаричча пастдан тақилган. Келинчакларнинг нафосатини оширган, нафис шилдираши юракларга гулу солган, юрганда қоматни тик тутган.

Инсоннинг улғайиш паллалари бўлади: болалик, ёшлик, ўрта ёш, кексалик. Ўрта ёшга ўтишнинг ўзига хос маросимлари бўлган. Бу Қашқадарё вилоятининг кўпгина жойларида ҳалигача сақланган. Номи – соч иккита қилиш. Асосан аёллар иштирок этади.



“

Аёл келинликда кийилгани каби кенг, зар кўйлақлар билан ороланади. Бир неча қават тўшалган кўрпачаларда элнинг кайвони, униб-ўсган момоси аёлнинг сочларини гўзал тилақлар, дуолар, баъзан халқ кўшиқларини айтиб, иккита қилиб ўради.

Бу гўё ёшлик билан хайрлашувга ўхшайди. Аёл келинликда кийилгани каби кенг, зар кўйлақлар билан ороланади. Бир неча қават тўшалган кўрпачаларда элнинг кайвони, униб-ўсган момоси аёлнинг сочларини гўзал тилақлар, дуолар, баъзан халқ кўшиқларини айтиб, иккита қилиб ўради. Ўша аснода қариндошлар уларни турли сийлиқлар билан сийлайди. Ўрта ёшга қадам қўйган аёл шу маросимдан сўнг келинлик таъзимларини қилади.

Унга онаси берадиган совғалар орасида албатта бошкийим – култувшак бўлиши шарт эди (кўпдан бери шу бошкийимда юрган кексаларни учратмадим). Раҳматли онам «ўлимлик бисоти»да култувшак бўлиши шарт деб қаттиқ ишонарди.

Шундан кейин аёлнинг сочлари ортиқ қирқ ўрим қилиб ўрилмайди. Икки ўрим соч ёшликдаги каби тўпиққача бўлмайди. Йиллар давомида сийраклашади, калта бўла бошлайди. Бирор ҳаракатингиздан бири олдинда бири орқада туриб қолган соч ивирсиқ кўрсатади, ёшига ярашмаган қилиқдек кўринади. Боши думалоқ қалпоққа ўхшайдиган култувшакда елқадан сочни солиш учун бироз очиқ жойи бўлади. Чўмичга ҳам ўхшайди. Дастага ўхшаш жойидан соч чиқиб туради. Жияк катталигидаги четларига оддийгина нақшлар солиб тикилган. Култувшак сочни батартиб сақлаш баробарида бошни ҳам асрайди. Бу бошкийимда қишнинг совуғи, ёзнинг жазирамаси писанд эмас.

Афсус, култувшак ҳам ўтмишда қолди.

СИЗ ҲАМ КАШТА ТИККАНМИСИЗ?

Европа маданиятига ҳавас қилмаслик мумкин эмас. Тан олиш керак, аёллари кўп нарсаларда биздан ўзиб кетган. Ўтмишда аллома аёлларимиз бўлган дея эътироз билдиришингиз табиий. Ҳа, бўлган. Саройларда муруввати, ишбилармонлиги билан дунёга ибрат бўлган пошшоқизлар ўтган. Ҳаммага ҳам бой хонадонлар, саройларда дунёга келиш насиб этмайди.

Уларнинг ўтмиши ва бугуни билан бизни, тўғрироғи, ўзимни кўп таққослайман. Одамлар ва маданиятлар, анъаналар ўта кескин фарқ қилмаслигига амин бўламан. Қандай қилиб? Тиллар, динлар фарқликку? Инсониятни оила деган гўша, фарзанд кўриш истаги бирлаштириб туради.

Европада мусиқа ривожланган деб ҳавас қиламиз. Рассомчилик ҳадди аълосига етганини таъкидлаймиз. Аслида ҳам шундай.

Бу борада бировдан кам эмасмиз. Халқ ҳунармандчилигида мусиқа йўқ деб ўйлайсизми? Қизлар тиккан кашталар-чи? Уларда акс этган фалсафани англаб етганмисиз? Улар оддий безаклар эмас.

– Шу жойини мен тикиб қўя қолай, озгина қолибди, бузиб қўймайман, – деб онамнинг қўлидаги якунига етай деб қолган каштага қўл узатаман.

– Йўқ, шундай қолади, бу дунёга ишора, қизим, дунёнинг чегараси, ишларининг охири йўқ...

Онамнинг саводи йўқ, ўқиш-ёзишни билмасди, аммо ҳаёт дарсини обдон ўрганганди.

Ипак ипларни ўзи тайёрларди, эшарди, бўярди. Кашталар ҳеч ўнгиб кетмасди, бўёқлари ҳозиргина қўлдан чиққандек. Улар бугун... сандиқларда қолди.

Каштанинг бир турига зардевол дейиларди. Уйнинг шифтга туташ еридан қоқиларди. Текис турса, барқ урган гуллари яққолроқ кўриниши учун беш сантиметр узунликда майда мунчоқлар қўшиб тўқиларди.



Мақолани безатишда Назруллаевлар сулоласи фотобисотидан фойдаланилди.



Эътибор берганмисиз? Каштага кўпроқ анор ва гуллари тикилади. Анор тириклик, ҳаёт рамзи! Тикишни ҳар бир қиз билиши керак эди.


Кашталар янги ҳаётга қадам қўяётган қиз учун жиддий синов бўлган. Куёвнинг уйига ўз қўлингиз билан тиккан жияклар, пардалар, енг-кашталар ва барчага кўз-кўз қилинадиган, маҳоратингизга, бекалигингизга баҳо берадиган кашталар билан боришингиз керак бўларди.

Бўй қизлар сирлашиб кашта тикадиган ул гўзал дамлар аллақачонлар ортда қолди, ўтмиш эртақларига, хотираларига айланди.

Бугун исталган чиройли нақш ва гулларни машиналар зудлик билан тикиб беради. Бироқ аёл қўлининг ҳарорати, қалбининг қўри сингган кашталар бўлакча-да! Унда гўзал орзулар, умидлар акс этган севги ифорини ҳис қиласиз. Секингина сийпаласангиз, ўша олииис ёшликка, дугоналар даврасига, ҳеч кимга айтолмаган сирингиз... ширин армоннинг хаёлларига фарқ бўласиз.

Эсиз... Нимани бой берганимизни англаяпман, аммо ниманинг эвазига?!

Инобат ИБРОҲИМОВА





Раззоқ ШОЙМАРДАНОВ,
Республика Маънавият ва маърифат
маркази бўлим бошлиғи



ОСУДА ҲАЁТ

ОСТОНАДАН БОШЛАНАДИ

Машғулот машаққатлари ҳарбийларни ҳар жиҳатдан тоблайти. Уларда ватан ҳимоячилари эҳтимолий қийинчиликларни ҳис этган ҳолда синовларга дош беришни ўрганади. Илло, чегарачиларимиз кўнглида осуда ҳаёт давлат чегарасидан бошланади деган ишонч доимо устувор.

«Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси тўғрисида»ги қонун давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосидир. Чегара давлатнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси ҳисобланади. Давлатимиз чегаралари узунлиги етти минг километрдан зиёд. Ҳарбий хизматчилар унга туну кун посбонлик қилмоқда.

Чегарачиларимиз турли мусобақаларда қатнашиб, юрт шаънини юксакка кўтараётганини ҳам таъкидлаш керак. Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари фахрийси – тўққиз карра жаҳон чемпиони, уч карра жаҳон рекордчиси, халқаро тоифадаги спорт устаси, «Шухрат» медали соҳиби Муҳтарамхон Алиева шулардан бири.

У 2010 йили Италияда бўлиб ўтган тош кўтариш бўйича халқаро турнирнинг олтин меда-



лига сазовор бўлиб, «Ломбардия» кубогини қўлга киритди. 2011 йили Грецияда тош кўтариш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида навбатдаги олтин медални олди. 2012 йили Германиядаги силтаб тош кўтариш бўйича жаҳон чемпионатида илк бор жаҳон рекордини ўрнатди. Шу йили тошни даст кўтариш бўйича Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин медалга лойиқлигини исботлаган.

«Архангельскда тош кўтараётганимда юртимиз байроғини менга яқинроқ жойга қўйишларини сўрадим, таклифимни инobatга олишди. Фалаба қозонганимда тиз чўкиб Ўзбекистон байроғини кўзларимга суртганман», – дейди М.Алиева.

2013 йил апрель ойида силтаб тош кўтариш бўйича жаҳон чемпионати Ўзбекистонда ўтказилганида Муҳтарамхон Алиева иккинчи рекордини ўрнатди. Грецияда бўлиб ўтган тошни даст кўтариш бўйича жаҳон чемпионатида ҳам олтин медал олиб, жаҳон Гиннес мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу зайдда Гиннеснинг рекордлар китобидан илк бор ўзбек қизининг номи жой олди.



Бу биргина мисол, холос.

Ватан ҳимоясига шай, жисмонан бақувват бўлиш баробарида маънавий таҳдидлардан нафақат ҳимояланиш, уларга қарши кураша олиш ҳам керак. Бундай шиддатли жараёнда ахборотнинг ўрни алоҳида. Ахборот тизими, интернет нафақат шахсга, балки жамият ва давлат хавфсизлигига ҳам дахл қилувчи қуролга айланиб улгурди. Шу маънода ахборот хавфсизлигини таъминлаш халқаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишни тақозо қилмоқда. Бу борада ота-боболаримизнинг ўғитларини ўрганиш бугунги тарбиячи учун муҳим аҳамият касб этади. Токи ёшларимизнинг қалбида чегара устунидек мустаҳкам иммунитет пайдо бўлсин.

Афсуски, оммавий ахборот воситалари, интернет орқали тарқатилаётган бузғунчи ғоялар, ёлғонлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи медиамаҳсулотлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган ишларнинг самара бериши қийин кечаяпти. Шу сабабли мамлакатимизда маънавий тарбия тизимининг янги стратегиясини ишлаб чиқиб, тарғиботни кучайтириш зарур.





Алишер МАДРАҲИМОВ,
мустақил тадқиқотчи

СИГМАЛАР КИМЛАР?

Сўнги йилларда интернет ижтимоий дунёқарашни шакллантирадиган асосий воситалардан бирига айланди. Глобаллашув, ахборотлашув, рақамлашув жараёнлари ҳеч қандай чегарани писанд қилмай, барча соҳаларни эгаллаб бўлди. Виртуал оламда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, мафкуравий тўқнашувлар ва шахс онги учун мураккаб кураш бормоқда. Бу ҳали айсбергнинг учи бўлиши ҳам мумкин. Чунки йилдан-йилга ахборот узатувчи тармоқлар сони ва манбаси ортиб, интернетнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бораётир. Ундан фойдаланувчилар сони ва медиамаҳсулотларга эҳтиёж ўсаяпти. 2023 йилда 5,16 млрд киши интернетдан фойдаланган. Ҳозир глобал тармоқда 1,7 млрд веб-сайт бўлиб, ҳар соатда 7 млн янги веб-саҳифа пайдо бўлаётир.

Рақамли технологиялар, хусусан, ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши ва инсониятга фойда келтириши қувонарли, лекин улар келтираётган зарарни таҳлил этиш ва хатарлардан огоҳ бўлиш ҳам ўта муҳим масала.

Ижтимоий тармоқлар таъсирида оммалашаётган муаммолардан бири «сигма» авлод деб аталадиган инсонларнинг пайдо бўлганидир. Уларнинг аксарияти ёшлар бўлиб «Ү» (миллениалс), «зед» ёки «зумер» авлодларига мансуб кишилар. Улар мақсад сари интилиш ва муваффақиятни ўзгача тушунади. Кўп ҳолларда профессионал фаолиятини энг куйи поғонадан бошлашни ёқтирмайди. Бир неча йил ўтиб, тўсатдан кўтарилишига умид қилиб, кутиб яшайди. Уларнинг шахсиятидаги асосий камчилик ҳам шунда – бу авлод вакиллари тез ўсишни орзу қилади.



Сигма – юнон алифбосининг 18-ҳарфи (Σ , микро σ : σ) бўлиб, юнонча «sizo» сўзининг ўзгариши натижасида пайдо бўлган. Асосан математика, статистика ва бошқа илмий соҳаларда кўплай аниқ тушунча ва ифодалар учун ишлатилади. Тилшунос Евгений Смирновнинг ёзишича, «сигма» сўзи яқинда ёшлар жаргонига кириб келган. Бу ном ёлғизликни афзал кўрадиган, муваффақиятга эришиш учун ўз йўлига эга ва умум эътироф этган меъёрларга амал қилмайдиган ёшларни англатади.

Сигмалар атрофдагиларга эътибор бермайдиган одамлар эмас, улар ўзига хос қобилиятга эга кишилар. Бировларнинг розилиги учун эмас, ўзлари танлаган тамойил ва эътиқодга қатъий риоя қилиб яшайди. Ҳаракатида мутлақо мустақил бўлган бундай ёшлар умум қабул қилган оммавий ва ижтимоий муносабат мезонларига мос келмайди. Улар табиатан етакчиликка интилмайди, бироқ бошқалар назарида ва ўз ўрнида кучли шахс сифатида кўрилади. Дўстлари ва ижтимоий гуруҳлари бўлса-да, мустақил яшашни афзал билади. Ўзига ишончи бор, ички интизомга эга. Бироқ ёлғизликка мойил. Жамият ёки гуруҳларнинг босимига қарамасдан мустақил қарор қилади. Етакчи ҳам, итоаткор ҳам эмас. Ўзини заиф ҳисобламайди, аммо раҳбарликка ҳам интилмайди. Ёнидаги одамларга таъсир ўтказа олади.

Сигмалар ёшлигидан мустақил қарор қилишга ўрганган. Шахсий қадриятлар ва мустақил ҳаёт тарзига кўпроқ урғу беради. Ташқи таъсирга эмас, ўз мақсадига таянади. Одамларга буйруқ беришга ёки уларни бошқаришга қизиқмайди. Кўпчиликнинг даврасида бўлишни хушламайди, жонли ҳаётдан кўра ижтимоий тармоқларда ўзини эркин ҳис қилади. Ижтимоий муносабатларни ҳам тармоқлар орқали йўлга қўяди, виртуал борлиқда ўз дунёсини яратади. Кўпинча тадбиркор, санъаткор ёки илм билан шуғулланувчи шахслар бўлади.

Сигмаларнинг жамиятда кўпайиши ижтимоий муаммолар кўламининг ортишига, глобал ва маҳаллий муаммоларни ҳал этишда шахсий позицияни устун қўйишга олиб кела-

ди. Қарор қилишдан қўрқмайдиган бу ёшлар ҳаракатлари учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлиги билан ажралиб туради.

Ҳозир дунёда Илон Маск ва Киану Ривз каби шахслар сигмаларнинг прототипи сифатида қабул қилинмоқда. Илон Маск – анъанавий корпоратив тизимга мос эмас, мустақил фикрлайди ва инновациялар яратади, «Tesla» ва «SpaceX» компанияларининг бош директори. Танқидларга қарамай хавфли қарорлари, ўз ғояларига содиқлиги билан танилган. Сигмаларнинг ёлғизликни хуш кўриши уларнинг оилавий муносабатларига ҳам тўсқинлик қилади. Чунки кимгадир боғланишни хоҳлашмайди. Реал бўлмаган буюм ва воситаларга алоқадорлиги кучли. Мулоқотда сездирмайдиган туйғуларини ижтимоий тармоқда эълон қилишдан чўчимайди.



Сигмалар мотивация учун бошқаларга эҳтиёж сезмайди, муаммолар ечимини ўзи топади. Жамият ёки шахсларнинг таъсирига осонликча тушмайди. Фойдали деб билган барча нарсаларга эришади ва қўллайди. Бошқа одамлар сигмаларни ғурурли, ўзини юқори тутадиган одам деб ўйлаши мумкин.

Киану Ривз машҳурликдан қочади, шахсий ҳаётини яширин сақлайди, мустақил ривожланади, тан олишлари учун интилмайди. Бу уни жуда жозибадор қилади, бошқалар уни янада кўпроқ қадрлашига мажбур этади. Илгари бундай эркакларга нисбатан «ёлғиз бўри» деган ибора ишлатилган. Замонавий атамада эса «sigma boy» тарзида қўлланмоқда.

Айримлар «сигма» атамасини интернет ва ижтимоий тармоқлар тренди ёки поп-психология деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, «сигма» типигаги одамлар ҳаётда жуда кам учрайди. Лекин бундай қарашлар аниқ илмий асосга эга эмас. Бу концепцияни субъектив кузатувлар маҳсули дейиш тўғрироқ бўларди.

Алоҳида қайд этиш мумкинки, «сигма» авлод тушунчаси илмий нуқтаи назардан қараганда замонавий маданиятда ўз йўлидан боровчи, мустақил ва етакчиликка интилмайдиган, ўзига ишончи баланд шахсларни ифодаловчи модел сифатида танилди.

SUMMARY

The magazine “Ma’naviy hayot” has released its 3rd issue of the year 2025.

The first article in the table of contents is by academician Nurslom To’xliyev, entitled “Suv o’ziga yo’l topadi.” The piece presents essential advice for today’s youth and provides guidance on how they can discover their own path in life.

Within the rubric “Qatag’on qurbonlari” Professor of UzJOKU and Doctor of Philological Sciences, Halim Saidov, in his article “Donishmand siyosiy arbob,” discusses the personality and creative legacy of Mahmudxo’ja Behbudiy.

Moreover, in the rubric “Surat va siyrat,” Aziz Norqulov’s article “Nasoyim...pinjidagi umr” offers valuable reflections on Alisher Navoiy’s work “Nasoyimul-muhabbat”.

In the column, “O’rganganing o’zingga” Damir Jumaqul presents “subtle answers to delicate questions,” in which Abdulatif domla Tursunov, senior specialist at the Fatwa Center of the Muslim Board of Uzbekistan, provides insightful responses.

Additionally, in the rubric “Gurung” Jamila Asqarova shares a meaningful dialogue with folklorist Shomirza Turdimov under the title “Taqlidchi va shaxs sharhi”.


The rubric “Darsxona” features an article about the People’s Writer of Uzbekistan, Erkin A’zam, under the title “Tomoshabinlik teatrdagi yashar”.

Furthermore, in the rubric “Kitobning kuchi” readers will encounter Saidjalol Saidmurodov’s translation of the great French writer Honore de Balzac’s “XIX asr buyuk fransuz yozuvchilariga maktub”.

In addition, Ahmadjon Meliboyev’s memoir-essay “Safedbulonliklar” is included to this issue.

Moreover, Doctor of Philosophy in Art Studies, Shohruh Abdurasulov, contributes an article titled “Nozik xilqat — metin siyrat” where he reflects on the gentle essence, spirituality, and soul of women as portrayed in several films.

The journal also maintains its traditional rubric “O’talar va qizlar” featuring Guljahon Namozova’s engaging conversation with Nodira Husanxo’jayeva, the daughter of our great writer Said Ahmad.



ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ
№3 (47), 2025

Муассис:

Республика Маънавият
ва маърифат маркази

Бош муҳаррир:

Эшқобил ШУКУР

Ижодий гуруҳ:

Азим РЎЗИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари)

Шодмонкул САЛОМ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Муслмон НАМОЗ

Ҳасан КАРВОНЛИ

Шаҳноза РОФИЕВА

Гулжаҳон НОМОЗОВА

Азиз НОРҚУЛОВ

Масъул котиб:

Орзу АЪЗАМ

Фотограф:

Султонбой ДЕҲҚОНОВ

Муқова фотоси муаллифи:

Ҳамдам Шораҳмедов

Муқовада: Шаҳидлар хотираси
хийбони

Манзил:

Тошкент шаҳри,

Бобур кўчаси, 6-уй.

e-mail: manaviyhayot@inbox.ru

Тел.: 55 508 85 31 (қабулхона);

97 731 87 01 (маркетинг ва

реклама бўлими)

Ўзбекистон Республикаси

Матбуот ва ахборот агентлигидан

30.06.2015 йилда 0828-рақам

билан руйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.

Журналдан кўчириб босилганда

манба қайд этилиши шарт.

Босишга 16.09.2025 да рухсат

берилди. Бичими 60x84 1/8.

Офсет усулида босилди.

Босма табоғи 14,0.

Буюртма № 15.

Адади 5715 нусха.

Обуна индекси: 919

ISSN 2181-7766

Журнал **Фафур Фулом** номидаги

нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп

этилди.

Манзил: 100128, Тошкент ш.,

Лабзак кўчаси, 86-уй.



МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

Ҳар бир халқ улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизлари нақадар теран бўлса, қадди-басти ҳам шунга яраша улуғ бўлади. Маънавият халқнинг ана шундай ўқ томиридир. Бу илдизлардан сув ичган авлод асло кам бўлмайди. Кўзлаган муродига ҳам шу қувват билан етиб келади.

Обуна
индекси:

919

«Маънавий ҳаёт» журнали бу йўлда сизнинг
кўмакчингиздир.
Журналга обуна бўлинг!

